

И.ВАЗОВ

ПОВЕСТЬ
ВА
ХИКОЯЛАР

ЎЗДАВНАШР

И (бюл.)

Б 18


И.ВАЗОВ

В/З

И.ВАЗОВ

ПОВЕСТЬ
ХИКОЯЛАР

69



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1959

ИВАН ВАЗОВ

Ҳарбир халқ ўз тарихида жуда кўп улуғ кишиларни ётиширади, буларнинг номлари неча-неча йиллар ўтганда ҳам иззат-хурмат блан тилга олинади. Халқ ҳурматига сазовор бўлган улуғ кишилар ўз ҳаётларида мана шу халқ манфаатини, унинг баҳт-саодати, эркин, мустақил яшashi учун кураш ғояларини ҳамма нарсадан юксак қўядилар. Улуғ болгар ёзучиси Иван Вазов ҳам ана шундай кишилар жумласидандир. Иван Вазов ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини жонажон ватанининг мустақиллиги учун, четэл капиталистлари, айниқса кўп асрлар давом этган турк сultonларининг босқинчилик сиёсатига қарши курашга бағишлиди.

Иван Вазов ватани бошига тушган энг оғир йилларда ҳам ўз асарларида озодликка бўлган қат'ий ишонч ғояларини тарғиб қилди. У, Болгарияни четэл босқинчилайдан озод қилишда улуғ рус халқининг оғаларча ўрдамига зўр умид боғлаб, бутун болгар халқининг фикри-туйғуларини ифода этди. Ёзучи ўз ҳаётида барча славян халқларининг қардошлиқ муносабатларини мустаҳкамлаш, ҳамиша бир-бирлари блан дўстлик, ҳамкорлик яшашлари учун курашди. Бу ўринда болгар халқи блан улуғ рус халқининг абадий дўстлигини тобора ўстаҳкамлаш унинг диққат марказида турарди.

Болгар халқининг улуғ ёзучиси Иван Вазов 1850 йил июльда Сопот шаҳрида, савдогар оиласида туғилди. Нинг отаси Минчо Вазов ҳам ўз ватанини турк босқинчларидан озод этишда рус халқига катта умид боғланган кишилардан эди. Буларнинг оиласида «Руслар» деган

иборанинг ўзи зўр ҳурмат ва эҳтиром блан тилга олинарди.

Болгарияни рус халқи ёрдами блан тез орада озод қилиш фояси Иван Вазовни болалик чоғларидаёқ ҳаяжонга соларди. Шунинг учун ҳам у: «Мен мана шу фоя, мана шу орзу блан яшадим», деб ёзган эди.

Иван Вазов бошланғич ма'лумотни ўз юрти — Сопот (ҳозирги Вазовград шаҳри)да олиб, кейин Калоферда ва Пловдив гимназиясида ўқиди.

Вазов ўқучилик йилларида ҳам Россия тӯғрисида гап борган дарсларни фоят зўр иштиёқ блан тинглар, Буюк Петр, Суворов ҳақидаги, Наполеоннинг Россиядаги мағлубияти сингари тарихий воқиаларни қунт блан ўрганар, бу воқиаларни ҳаяжон блан ҳикоя қиласар, дун'ё харитасидан салмоқли ўрин олган бепоён рус ерининг чегараларини ҳавас блан кузатарди.

Вазов болалик йиллариданоқ китобга муҳаббат қўйди. Отоқли болгар ёзучилари Василь Друмов, Георгий Раковский, Добри Чинтулов, Петко Славейковларнинг ватанпарварлик руҳидаги асарларини севиб ўқиди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Пушкин, Лермонтов, Крилов, Державин ижоди блан танишиди.

Калофер билим юртида бой кутубхона бўлиб, унда рус ва француз китоблари кўп эди. Вазов рус тилини ўрганиб, улуғ рус ёзучиларининг асарларини қайта-қайта ўқибди. «Менинг юксалишимда бу кутубхона жуда катта роль ўйнади,— деган эди у,— бусиз мен ҳеччима бўлолмасдим... Кўз ўнгимда янги бир дун'ё очилди. Рус адабиёти туфайли менда янгича дид, янгича завқ пайдо бўлди». Вазов француз адабиёти классикларини ҳам оригиналда ўқибларди. Вазов ўз ватани, унинг гўзал табиатини жон-дили блан севарди. У ше'r ва ҳикояларида серқуёш Болгария табиатини, тоғ ва далаларини чексиз меҳр-муҳаббат, ҳаяжон блан қуйлайди. Шунинг учун ҳам у ўз ерини бошқалар — турк босқинчилари томонидан оёқости қилинишига асло чидаб туролмас, уларга қарши кескин ўт очишни тарғиб қиласарди. Турк мустамлакачилари Болгария устига мислсиз кулфатлар ёғдирган эди. Унинг кўз олдида болгарларни неча бор талаган, осган, Кичик Осиёнинг жазирама чўлларига сургун қилган эди. Турк мустамлакачиларининг ҳарқандай даҳшатлари ҳам болгар халқининг иродасини синдираолмади.

Иван Вазовнинг ёшлиқ чоғлари — XIX асрнинг 60 йиллари — Болгарияда миллий-озодлик ҳаракатининг энг қизғини, оммавий тусга кирган даврига тұғри келди.

Вазов ўқучилик пайтларидәң ше'рлар ёзабошлади. У дастлабки йилларда зүр иштиёқ блан ше'р ёзишга киришди. Вазовнинг отаси ўз ўғлини шоир әмас, савдо ходими бўлиб етишишини истарди, шунинг учун ҳам 1870 йилда уни Руминияга — савдогар акаси олдига тоборди. Лекин бўлажак ёзучи савдо ишига мутлақо кўнтил қўймайди. Руминияга бориш Вазов ижодида катта роль ўйнади. Чунки шу пайтда Бухарестда турк сultonларининг та'қибидан, дор ва тюрьмалардан қочган жуда кўп болгар ватанпарвар эмигрантлар тўпланган эди. Бу эмигрантлар тепасида революцион демократларнинг доҳийлари Христо Ботев, Василь Левский, Любен Каравеловлар раҳбарлик қилаётган Марказий революцион комитет турарди. Бу комитет бутун куч-этиборини Болгарияда умумхалқ қўзғолони кўтаришга сафарбар қилган эди.

Комитет «Свобода», «Независимость», «Знамя» номли газеталар чиқариб, буларда ҳалқни қўзғолонга, революцияга чақиради. Эмигрантлар блан учрашув Вазов учун жуда катта сиёсий мактаб бўлди. Унинг дун'ёқарашлари яна ҳам ёрқинлашди. У ўз ижодини турк босқинчиларига қарши кураш блан боғлаш керак эканлигини янада чуқур тушунди. 1872 йилда у Руминиядан қайтиб, Свиленградда ўқитучилик қилади. Шу вақтларда ўз атрофига ёшларни тўплаб, уларни бўлажак қуролли қўзғолонга отлантиради, озодликни тарғиб қилади. Броқ Вазовнинг фаолиятидан хабардор бўлиб қолган ҳукумат уни қаттиқ та'қиб этади ва у Свиленградни ташлаб кетишига мажбур бўлади.

Вазов миллий-озодлик ғояси та'сири блан ватанпарварлик қўшиқларини ёзабошлайди. Энди унинг ижодига бутунлай жанговар сиёсий руҳ сингиб кетган эди. Сопот шаҳаридаги революцион комитет а'золари блан бирга Вазов ҳам ватанга содиқ бўлиш ҳақида қасам'ёд қиласди.

Вазов «Асоратда» (1889) романида қўзғолон арафасида умумхалқ руҳининг нақадар жанговар тус олганлинин тасвиirlайди.

1876 йилда Болгарияда турк босқинчиларига қарши қўзғолон кўтарилди. Қўзғолоннинг авжи қизғин пайтла-

рида Вазовнинг «Озодлик ёки ўлим» деган ше'ри пайдо бўлдики, бу ше'р бутун ҳалқни ҳарқандай бўлса ҳам босқинчиларни йўқотишга ундейди. Аммо бу сафар ҳам турк босқинчилари қўзғолонни қонга ботирди. Реакция, та'қиб кучайиб кетди. Вазов қалбаки паспорт блан Руминияга қочди. Бу ерда қўзғолон раҳбари Христо Ботевнинг ҳалокати унга қаттиқ та'сир қилди. Вазов «Радецкий» номли ше'рида Христо Ботевнинг бутуй жанговар фаолиятини куйлади. Унинг бу ше'ри тез кунда ҳалқнинг севимли қўшиғи бўлиб қолди.

1876 йилда Бухарестда Вазовнинг биринчи ше'рлар тўплами «Байроқ ва гусли¹» номи блан босилиб чиқди. Унинг қўзғолон йилларида ёзган ше'рлари шу тўпламга кирган эди. 1877 йилда Вазов «Болгария қайфуси» номли иккинчи ше'рлар тўпламини ёзиг битиради. Бу тўпламдаги «Россия» деган ше'рда шоир бутун эзилган болгар ҳалқи улуғ рус ҳалқининг қардошлиқ ёрдамига суюнаётганини ифодалайди. Вазов бу тўпламлардаги ше'рларда озодлик учун курашиб, қаҳрамонона ҳалок бўлган болгар революционерларини ҳаяжон блан олқишлайди.

Турк мустамлакачилари та'қиби туфайли, Вазов 1887 йилда Одессага қочиб келади. Шу вақтда у Москва, Киев, Петербургда бўлади. У ўзининг «Асоратда» деган романини Одессада ёзган эди.

Иван Вазов фақат шоир сифатида эмас, бадий прозада ҳам унинг қалами жуда ўткир эди. Ушбу тўпламда ўзбек китобхонларига тақдим этилаётган «Хўрлангандар» (1884 й.) повести унинг энг яхши проза асарларидан биридир. Бу асар рус-турк уруши арафасида Руминиядаги болгар эмигрантларининг ҳаётига бағишиланади. Повестьдаги қаҳрамонлар—ўз юртидан қувғин қилинган хэшлар ҳамма нарсадан маҳрум этилиб, ҳарқандай хўрланишларга қарамай ватан озодлиги, турк босқинчиларига қарши кураш каби юксак ғоялар блан нафас оладилар. Улар ба'зан ўз азоб-уқубатлари, оч-яланғоч саргардан бўлиб юрганларини бир нафас унутганларида ҳам, ватан муҳаббатини бирор минут эсдан чиқармайдилар. Хэшлар тез-тез Дунай соҳилига бориб, Болгариянинг ямашил тепаликларини зўр ҳавас блан тамоша қилиб келадилар. Бу ватанпарварларнинг бутуњ

¹ Гуслі — музика асбоби.

қалби душмандан ўч олиш, болгариини озод қилиш иштиёқи блан жўш уради.

Повестьдаги ёш шоир Бричков образида Вазов ўзини акс эттиради.

Старая — Планина тоғларида, ўрмонларида турклар блан жанг қилиб, душманга даҳшат солган Македонский, байроқдор Странжа образлари ўқучида зўр муҳаббат ҳиссиётлари уйғотади. Македонский ба'зан ўғирлик, талончилик сингари жиноий ишлар ҳам қиласди, лекин буни ўз шахсий манфаати учун эмас, балки озодлик кураши манфаатлари йўлида қиласди.

Вазов ижодида унинг талай ҳикоялари ҳам алоҳида дикқатга сазовордир.

Тўпламга киритилган «Болгар хотин», «Янgra, Марича!», «Йоцо бобо тамоша қиласди» каби ҳикояларида миллий-озодлик ҳаракатини турли формада тасвирлаб беради. Йоцо бобо образида ёзучи — ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган чолнинг лоақал ўлим олдида озод Болгариини бир марта кўришга нақадар интизор бўлганини тасвирлайди.

Болгарияда ҳукм сурган Стамбул диктатураси даврида минглаб ватанпарварлар турк зинданларида азоб чекди. Бу воқиани Вазов «Травиата» ҳикоясида яққол кўрсатиб беради.

Улуғ болгар ёзучиси, оташин ватанпарвар Иван Вазов 1921 йил 22 сентябрьда вафот этди.

Вазовнинг умр бўйи қилган орзу умидлари ниҳоят амалга ошди. Совет Армияси болгар халқи блан биргаликда Вазовнинг ватанини немис-фашист босқинчилар ва бошқа четэл империалистлари асоратидан озод қилди.

Болгар халқи порлоқ социализм йўлига кириб олди. Янги демократик Болгари Иван Вазов сингари содик фарзандлари блан фаҳрланади.

ХЎРЛАНГАНЛАР

1

Ҳаво нам, тун зим-зиё; Браила кўчалари бўм-бўш.
Одатда Дунай дар’ёси соҳилларини қопловчи совуқ
декабрь тумани шаҳар ўртасини чулғаган; ошиқиб уйга
кетаётган сўнгги йўловчилар аччиқ тутундан бўғилар эди.
Катта кўчанинг икки чеккасида онда-сонда хира фонаръ-
лар кўринар, уларнинг сўниқ, заиф нури қоронгилик қаҳ-
рини ёрат, аммо тун янада қоронғилашгандек туюлар эди.
Магазинлар ва дўкончалар аллақачон ёпилган; атроф
сув сепгандек жим-жит, аҳ'ён-аҳ'ёнда қовоқхонада ўти-
риб қолган картабозларнинг қийқириқ ва сўкинишлари-
гина эшитиларди.

Фақат темир панжарали кичкина ва тор бир дераза-
дан ёруғ тушиб турарди. Ярим белдан ерга кўмилиб тур-
ган бу дераза ўша вақтларда Браила майдонларида кўп
учрайдиган тунги майхоналардан бирининг деразаси. Бу
меҳмонхонанинг пастаккина эшигига яқин бориб диққат
блан тикилган киши яқинроқдаги фонарънинг хира
ёруғида «Байроқдорнинг халқ майхонаси» деб ёзилган
тахтачани кўриши мумкин эди. У пайтларда бундай
ёзувлар расм бўлиб кетганди. Болгарлар очган ҳарбир
қаҳвахонанинг албатта ўз лақаби бўлар эди. Болгарлар
кириб ўтирадиган ҳарбир майхона қандайдир бир тумта-
роқли, ажиб вивискаси блан фаҳрланарди. Уларнинг
бирида: «Болгар шери», иккинчисида «Филип Тотю —
довюрақ болгар лашкарбошиси», учинчисида фақат

икки сўздан иборат, лекин охирига учта ундов белгиси қўйилган «Озод Болгария» деган сўзларни ўқиш мумкин эди.

Аммо ҳаммасидан кўра болгар тамакифурушларининг дўконлари э’тиборни кўпроқ тортар эди. Мана, масалан, эшиги ланг очиқ турган бир дўкон. Эшикнинг ҳозир кўчага қараб турган ички томонида бошига қозондек салла ўраган ва қўлига узун най чилим ушлаган туркнинг расми солинган. Агар туркнинг тиззаси тагидаги мих блан (афтидан бу ишни ватанпарвар тамакифурушнинг ўзи қилган) ёзилган «Битсин золимлар!» деган ёзув бўлмагандা, ўткинчи одам чалакам-чатти ишланган бу ибтидоий расмга э’тибор ҳам бермаган бўларди. Ундан нарироқда, худди шундай туркнинг расми солинган иккинчи тамаки дўкончасида юқоридагидек ёзув бўлмаса ҳам муҳтарам туркнинг бир кўзи ўйилган эди. Яна бир тамакифуруш чамаси бу асл ватанпарвар ва турк қабиласининг ашаддий душмани бўлса керак, турк ёнига, қиличини яланғочлаб турган болгар хэшининг суратини ҳам солдирган; хэш, саллали бадбахтни чопиб юборгудек важоҳатда эди. Бундай дўконларга кўпинча муҳожирлар ва хэшлар келишар эди. Дўкондорларнинг ҳаммаси ҳам ўзларини «халқилар» деб атарди. Дор, тюрьма ёки турк зулмидан қочиб қутилган ва қўлида оз-моз пули бўлиб, камбағалларга ҳамда Ҳожи Димитр блан Филип Тотюлар бошчилик қилган қаҳрамонона отрядларнинг омон қолган а’золарига қўлдан келганча ёрдам берган ҳарбир болгар ўз исмига «халқ» сўзини қўшиб айтар эди. «Халқ» тамакифуруши ўз ватандошига тамакини ҷасияга берар; уларнинг вақти келиб тамаки пулинни тўлаб кетишларига умид боғларди; агар тамаки олган болгар унга ҳақни келтириб бермаса, бунинг ҳам аҳамияти йўқ: «Ахир, улар хэшлар, камбағал халқ» — деб ҳазиллашарди у кулиб.

— Андо амаки, менга йигирма беш грамм тамаки тортиб бергин-да, буни ҳам илгариги ҳисобга қўшиб қўй,— дерди «халқ» тамакифурушига, кийимлари тўзиб, кирлаб кетган паҳлавондек хэш.— Бугун хўжайндан пул сўраган эдим, эртага келарсан, деб жавоб қилди. У менга кўмаклашиб турипти, бу рост, лекин эртага ҳам алдаса бу итнинг бошини ёраман.

— Крумов,— деди дўкондорга иккинчи хэш,— менга яна икки франк қарэ бер...

— Бу пулларни оласан-у, йўқотасан-да, сен шайтонни биламанку! Эллик банини¹ олгин-у, туёғингни шиқилатиб қол!..— деб жавоб берди Крумов.

Дабдабали лақаблар блан юриш ўша кунларда ватанпарварлик белгиси ҳисобланарди. У вақтларда Пергунов ҳам, Асенов ҳам, Балканский ҳам, Левский ҳам, Громников ҳам, Планинский ҳам ва шу каби бошқа номлар ҳам учраб турарди.

Дарвоқи', ўша тунда деразасидан ҳамон чироғ кўриниб турган майхонага кўз ташлайлик. Бу майхона торгина айланма зина блан тушиб бориладиган чуқур ертўла-да эди.

Шифтдаги қурум босган синиқ лампа бу ерни хира ёритиб турарди.

Бу ертўланинг илиқ ҳавоси ис, тамаки тутуни ва ачиған вино буғларидан қуюқлашиб нафасни бўғар эди. Баланд токчага қатор қилиб катта-кичик стаканлар, қўзалар териб қўйилган. Йккинчи деворда Ҳожи Димитр отрядининг Вирбовка ва Карайсен ёнидаги жанглари ҳамда шу отряднинг Дунай бўйларида қасам'ёд қилаётган пайтини тасвирловчи расмлар осиб қўйилган. Бу расмлар тўғрисида батафсил сўзлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ; улар Ватанимизнинг барча томонларига тарқалган; бир вақтлар бу расмларга ҳарбиrimиз завқ ва эҳтиром блан боққанмиз. Энг пастга осилган, тажрибасиз рас-сом томонидан қўпол қилиб ишланган яна бир расм диққатга сазовор эди. Расмда бир қишлоқ манзараси тасвир этилган. Чап томондан бир гуруҳ деҳқонлар чиқиб келаяпти. Олдинда катта саллали турк, юмалоқ нонга ўхшаш бир нарса солинган лаганни кўтариб келарди. Бу символик гуруҳ томон эгниларига хәшлар киядиган оқ кийим, оёқларига чориқ ва бошларига шер расми ёпиширилган қалпоқ² кийган яна бир гуруҳ қуролли кишилар келишарди. Ўртада паҳлавон бир одам «Озодлик ёки ўлим!» — деган сўзлар ёзилган қизил байроқни баланд кўтариб бораради. Пастда йирик, қинғир-қийшиқ ҳарфлар блан расмнинг мазмуни — (қаердалиги аниқ эсимда йўқ) — отряднинг аллақандай бир машҳур турк

¹ Бани — Руминча майдада чақа.

² Шер расми — болгар миллий гербининг детали — болгар ватанпарварларига қаҳрамонлик ва мардлик рамзи бўлиб хизмат қилар эди.

томонидан кутиб олиниши тасвиirlанган эди. Бу ёзув, «Яшасин довюорак Байроқдор — Странжар»— деган сўзлар блан тугалланар эди.

Ертўланинг нариёғидаги тахта сўриларга ўрнашган олти кишилик улфат умумий манзарага руҳ бериб турарди. Уларнинг ҳаммаси, ёки деярлик ҳаммаси хэшлар эди. Девор ёнида ётган чўзиқ қотма юзли, қора соқолли одам уларнинг энг каттаси ва энг савлатлиси эди. У аҳ'ён-аҳ'-ёнда оғзидан турун бурқитиб ҳамсуҳбатининг сўзларига э'тибор блан қулоқ соларди. У эшитаётган ҳикояга жуда берилиб кетган бўлса керак, жароҳатлардан буришган пешонасини гоҳ норози бир қиёфада тириштирас, гоҳ ма'қул дегандек, бошини қимирлатиб қўярди. Кўпинча у ҳикоячининг сўзини қаттиқ хитоблар ва йўтал блан бўлиб турарди.

— Йўқ! Йўқ!— деб бақирарди у.— Тончо Тряляльни қишлоқда эмас, Сари-Яр ёнида ўлдиришган. Сен бекор гапни айтасан, Македонский!..

Ёки:

— Бу Иван Горба... Бу Горба Мишевга қараб жўрттага тўппончадан ўқ узди... У ла'нати қонхўр Мишевни бекорга ўлдиргани йўқ, мен биламан!

— Тўғри! Энди эсимга тушди... У Сельвели Мустафо эмас, Чёркас эди. Ҳа, ўша эди. Мен унинг йиқилганини кўрганман. Тўғри айтасан, Македонский!

Ёки:

— У абраҳни мен ўлдирдим. Қўлимдан байроқ тушиб кетаёзди, ўша ерда ўзим ҳам яраландим.

Бу сўзларни атар экан у зўриқиб йўталар, халлослаб нафас олар эди.

Кейин яна гапга қулоқ соларди.

Ҳикоячи жиккак, чўтири юзли; узун оқ мўйловли, мўғомбирона ўйноқи кўзли новча киши эди. У тугмалари тушиб қолган кенг эски пальто кийиб юрар, ўзига Македонский деган дабдабали номни қўйиб олган эди. У Руминияга келишдан илгари Македонияда қандайдир бир хайдук отрядида лашкарбоши бўлганлиги ма'лум эди. Унинг ўтмиши тўғрисида ҳечким бундан бўлак нарса билмасди. Македонскийнинг хэш-дўстлари олдида э'тибор қозонишига сабаб ҳам балки, ана шудир.

Унинг ёнида ўттиз ёшлар чамасидаги Ҳожия исмли бир киши чордона қуриб ўтиради. Кампирдаҳан бу

кишининг озғин юзи чўзиқ ва сарғиши эди. Беморларни-
ки каби бемажол юзидан ҳорғинлик ифодаси аримасди.
У бошини қуи солиб, мудраганча тебраниб ўтирас,
фақат кекса хэш йўталиб, Македонскийнинг гапини бўл-
тан пайтларда хушига келар эди.

Ҳожия блан ёнма-ён яна бир ёшроқ киши ўтиради;
унинг қирдирилган ажиндор юзи барвақт қариб, қорайиб
кетган эди. У Македонскийга дикқат блан тикилиб ўти-
рас ва худди йўқ соқолни чимдиб қўймоқчи бўлгандек
ҳар замон қўлини беихтиёр кўтариб қўярди. У поп бўл-
ган ва Тотю отрядида партизан жангларида қатнашган,
өнди эса хэшга айланган эди. Унинг исми Попче эди.

Ҳикояни улфатнинг энг ёш а'зоси, бошига дўппи ки-
йиб олган йигитча ҳам зўр дикқат блан эшитарди. У
Македонскийга анграйиб турар, унинг ҳарбир сўзини зўр
қизиқиш блан тингларди. Кекса хэш аралашгандা эса
Йигитдаги э'тибор чинакам эҳтиромга айланарди. У, қўз-
ғолончининг ҳорғин, қонсиз юзига тикилар ва ажиндор
пешонаси қандай буришаётганини кузатиб турарди.
Йигирма ёшли бу йигит соддагина ва жуда ғайратли эди.
У, Свишчовли бадавлат бир савдогарнинг ўғли бўлиб,
отасининг магазинидан билдиримай чиқиб кетиб, шу
кечаси пароходда Браилага келди. Нега келганини ўзи
ҳам билмасди. Бир қолипдаги ҳузур-ҳаловот, тинч ҳаёт
унинг ме'дасига тегди ва йигит отасининг савдо-сотиқ
ишини ташлаб жўнади. Енгил табиатли бу хаёлпараст ва
идеалист янгилик ва нома'лум турмуш лаззатини татиб
кўришга интилар эди. Агар бунинг устига йигитнинг
ватанпарварлик руҳида бутун бошли бир поэма ёзган-
лиги ва уни маҳфий суратда нашр этганлиги ҳам айтиб
ўтилса, унинг нима сабабдан тирикчилик учун ҳатто пул
илишини ҳам унуганлигини тушуниш қийин бўлмасди.
Шу кеча пристанъга тасодифан бориб қолган Македон-
ский ёш дайди блан танишиб, уни тунаш учун Странжа
олдига етаклаб келди.

Ҳикоя, афтидан қўзғолончиларнинг қаҳрамонона
кураши ва бундан уч йил илгари Болгарияда рўй бер-
ган воқиалар хусусида борар эди. Кекса инвалид, қаҳ-
рамонларнинг собиқ ғалабалари ва мағлубиятларини
эслар экан, ҳаяжонга тушарди. Ҳозирги кунлар унга
оғир ва шуурсиз бўлиб туюлганиданми, ёки ўпкани эзу-
чи йўтал блан тинкасини қуритаётган сил азобиданми,
ишиклиб чол ўртоғининг ҳикоясида бирон ноаниқлик

сезса, жаҳл блан унинг сўзини бўлар ва қовоғини солар эди.

Рангидა қон қолмаган, чўпдек озиб кетган бу bemor байроқдор Странжка эди. Расмда тасвир этилган ўша одам эди.

Ҳозир у майхона эгаси.

Шунинг учун ҳам ёш йигит унга эҳтиром блан ҳадиксираб боқарди.

II

Македонский ҳикоясини тугатганда, тахта сўриларда чўзилган уч ўртоғи аллақаҷон ухлаб қолишган ва бара-ла овоз блан хуррак тортишар эди. Хотираларга берилиб кетган Странжка чуқур хаёлга толди. У ўрнидан турди, тўэниб яғири чиққан курткасини елкасидан олиб ташлади, кир, йиртиқ шимини сиқиб турган қизил белбоғидан тўп-пончани олиб деворга осди. Қейин сўридан тушди, кучли йўтал унга яна азоб берди; у расм олдида тўхтади, отряднинг нён-намак блан кутиб олиниш манзарасини фахрланиб кўздан кечирди, катта виноли кўзани беркитди, лампани ўчирди ва ўз жойига қайтиб ётди. Бу ора-да Спиро, Македонский ва Свишковли йигит ҳам ўртоқлари блан ёнма-ён ётган эди. Ертўлани зим-зиё тун чулғади.

Кўп ўтмай уйқудагиларнинг хуррак «концертига» Странжканинг хаста кўкрагидан узилиб чиқаётган ингич-ка, ўткир ҳуштак ҳам қўшилди. Уйқу, қашшоқликдан азоб чеккан бу кишиларга, уларнинг уйқусизликдан ва ҳорғинликдан ич-ичига ботиб кетган кўзларига, мудом оч қоринларига, сарсон-саргардонликда мадори қуриган ва жароҳатлар блан қопланган оёқларига бироз бўлса ҳам ором берар эди. Ўз ватанининг озодлиги учун кура-шаётган бу қувгин, бахтсизлар учун эртаги кун — янги фалокатларнинг, яшаш учун янги курашнинг, бу гўзал румии шаҳрида ҳар қадамда учрайдиган бойлик ва ҳашаматни кўрганда қўнгилда қўзғоладиган янги руҳий азобларнинг бошланиши деган гап эди. Бундай ҳаёт токайгача давом этади? Бу бегона юртда улар нима қилишади? Улар ўз бола-чақаларини, дилрабо рафиқа-ларини, муштипар оналарини қачон кўришар экан? Бол-гариянинг эшиги улар учун берк. Руминия уларга меҳ-мондўстлик кўрсатди; лекин ҳалокатга учраган кемадан

тушиб қолган ва тўлқин блан четга чиқариб ташланган денгизчиларга яп-яланғоч соҳил қандай меҳмондўстлик кўрсатса, бу ҳам худди ўшандай меҳмондўстлик эди. Кишилар ўртасида туриб ўзларини саҳрова қолгандек ҳис этардилар. Уй-жой, дўкон-дастгоҳ, ҳам'ён улар учун ёт ва бегона. Улар ўзлари каби камбағаллар берган садақа блан тирикчилик қиласидилар, аммо бу ҳам доим бўлавермаиди. Кунларни оч-ноҳор ўтказиш уларнинг одатдаги қисмати эди. Тўғри, ба'зан улар майдада чақа ёки бир бурда нон учун мардикорлик қилишарди. Аммо бу ҳам ҳаммага насиб бўлавермасди. Улардан ба'зилари кичик бир савдо ишига ўрнашиб олди. Хэшлардан нонвойлар ҳам, қаҳвахоначилар ҳам, майдада савдогарлар ҳам бор эди, лекин тобора кўпайиб бораётган қочоқларнинг аксарияти иш топмасди. Рус университетининг яқинда Болгариядан ҳайдалган бир студенти бир қари қирчағини сотиб олиб, Браила кўчаларида Дунай сувини сотиб юради. Диёрбакирдан қочиб ўтган иккита собиқ ўқитучи майдонда лимонад сотишарди. Лекин кўп ўтмай улар, савдо-сотиқ блан шуғулланиш ҳуқуқи учун шаҳар бошқармаси томонидан белгиланган оғир жаримага дош беролмай, бу даромаддан ҳам маҳрум бўлишди. Очлик ва қашшоқлик бу хўрланғанларни ҳар жойда та'қиб этар эди.

Очдан ўлмаслик учун улар олдида икки йўл бор эди: бири қўлда қурол блан Болгарияга ўтиш ва Старая-планинада ёки дор остида ҳалок бўлиш, иккинчиси эса, ўғирлик қилиш эди. Аммо Тотю ўзидан таскин топди. Панайот¹ Сербияда даврон сурар, Ҳожи Димитр эса аллақачон Бузлужда ҳалок бўлган. Унинг ўлимини бирнече деҳқон блан тоғ қушлари билди холос. Фақат биргина йўл — ўғирлик қилиш. Лекин ҳарбир румин тюрьмасида болгар қаҳрамонлари азоб чекарди. Болқон бургутлари қафасга солинган эди. Қаҳрамонларни энди муттаҳам қилишди. Бу мол-мулксиз пролетарларнинг чурук кийимларга ўралган, лекин ўзининг қаҳрамонлари блан кўкларга кўтарилиган, шон-шарафларга кўмилган янги оч синфи эди. Ҳа, дарбадар кишиларнинг ифлос, жулдур кийимлари остида э'тироф этилмаган ва

¹ Панайот Хитов (1830—1918) — миллий-озодлик курашининг йирик намояндадаридан бири. 1867 йилда ўзининг партизан отряди блан Болқон тоғи бўйлаб қаҳрамонона поход уюштирган.

нафрат тамғаси босилган шон ва шуҳрат, улуғ шон ва шуҳрат яширинганди ҳама. Ҳашлар Дунай дар'ёси соҳилига тез-тез келишар ва Болгариянинг ям-яшил тепаларига кўз тикар эдилар. Ана Болгария — ана у, яқингина жойдан уларга табассум қиласди, уларни чақиради, улар блан сўзлашади, ўз осмони блан, қадрдон гўшалари блан қалбни ўзига тортади, дилда хотиралар ва орзулар уйғотади... Дунайнинг мовий сувлари улуғвор ва сокин оқади, лекин дар'ё уларга бир кичик ариқдек кўринади. Улар ўз ватани бағрида бўлиш учун биргина қадам кифоя! Ҷақириша эштилади! Қанчалик яқин ва қанчалик йироқ! О, Болгария, биз учун сен ҳеч вақт шунчалик қадрдон бўлмагансан; сендан бадарга бўлган шу кунларимиздагидек азиз кўринмагансан! Ҳозирги жудолик пайтларимиздагидек зарур бўлмагансан!

Бричков ухлаб ётар эди. Уни, ғалати афсонавий тушлар қийнарди. Қўзғолончи отрядларнинг қаҳрамонлари унинг хаёлида гавдаланаради. Мана Странжа; у ўз байроғини Болқон устида ҳилпиратар ва кимгадир: «Маҳкам тур, йигитлар!»— деб қичқиради. Шу дамнинг ўзида Македонский турк саройига ўт қўяди, бир туркни ва унинг хотинини чопиб ташлайди. Болқон чайқалади, ўрмөнлар шовуллайди, довул кўтарилади, бук дарахтлари орасида ўқ товушлари янграйди. Мана дарахт орқасидан кимнингдир шер сурат қалпоқли боши кўриниб, яна яширинди. Ўқ товуши янгради, иккинчиси, учинчиси.. Яна ва яна ўқ товушлари.. бук ўрмони фар'ёд чекади, гувлайди.. юрак ўйнаб, худди тарс ёрилгудек бўлиб турипти. Худди расмда тасвир этилгандек Ҳожи Димитр пайдо бўлади. У қўлида қилич яланғочлаб, ўз дружинасини бошлаб боради. Шундай қудратли, шундай чиройли киши қаёққа интилади... Ўқ товуши янграйди... У йиқилади... қора қонга беланади... Кейин тутун; булут; отряд жинларга айланади, ҳавода қуюн каби гир-гир айланиб, кейин ҳаммаси ғойиб бўлади..

Бричков эрталаб уйқудан тургач, хийла маҳалгача ўзига келолмади. Ниҳоят у ўзининг Болқон тоғлари орасида эмаслигини тушунди. Сўрида фақат икки киши ухлаб ётарди. Странжа ҳаммадан илгари уйғонган, полни супуриб, кофейникни ўтга қўйган эди. Македонский катта қадамлар ташлаб, майхонада уён-буён юрар ва тамаки чекарди. У кекса байроқдордан икки рюмка арақни насияга ичиб ҳам олган эди.

— Бричков,— деди Македонский сўриларга яқи¹
желиб,— тур, Ламбриникига бориб кофе ичамиз. Бу дўп
пингни ташла, бўлмаса яхшиси Странжага совға қилақол.

Бричков ўрнидан турди, тезда ювинди, кийинди в
Странжа сандиқдан олиб берган эски шляпани олиш
ертўладан чиқди.

Улар кўчага чиқиб олиши; унда тарақлаб арава-
лар, извошлар ўтар, эрталабки талай йўловчилар борар-
ди. Кўп ўтмай улар тутун босган ва исдан қорайган
кенг бир қаҳвахонага киришди. Бу ерда дастлаб девор-
лардаги грек қўзғолончиларининг машҳур жанглари ва
болгар дружиналарининг қаҳрамонликларини тасвирлов-
чи талай суратлар кўзга ташланарди. Энг кўринарли
жойда грек короли, унинг хотини ҳамда Раковскийнинг¹
портретлари осилган. Бунда айтарлик ҳечнарса йўқ эди.
Икки ўртоқ кофе ичиш учун столча ёнига энди ўтириш-
ган эди, уларни бирнеча киши ўраб олди; улар ҳам кўри-
нишдан ўзлари каби дайдилар бўлиб, афти-ангиларидан
грек поликарларига² ўхшаб кетарди. Гап Болгария
тўғрисидаги янгиликлардан бошланиб, карта ўйини блан
тугади. Бу бегона мамлакатда болгарлар блан учрашиб
қолганлигидан хурсанд бўлгани Бричков Македонский-
нинг картага бир франкдан қўйиб ўйнаш тўғрисидаги
таклифига рози бўлди. Карта ўйнашда унинг дурустгина
машқи бор эди; шунинг учун қаторасига бирнеча марта
ютди, лекин Македонский ҳамон чўнтакдан пул чиқар-
масди. У ҳаргал ютқазгандага ғазабланар, руминча беа-
даб сўзлар айтар ва картани қулочкашлаб ташлар экан,
Мидхат подшони ҳам сўкиб қўярди.

Ҳожия энгашиб, Бричковнинг қулоғига шивирлади:

— Македонский блан ўйнама, сени шилиб олади.

Бричков бошини қимирлатиб қўйди-ю, лекин ўйинни
яна қизишиб давом эттирди.

— Нега пулни ўртага қўймайсан? Қарзинг ўн бир
франкка етди,— деди у, Македонскийга.

— Пул чўнтакда, биродар... Худога шукур, ҳалол
одамман,— деб жавоб берди Македонский картани сузар
екан.

¹ Раковский, Георгий Стойков (1821—1867)—
Болгария миллий-озодлик курашининг йирик намояндаси. «Озод-
лик ёки ўлим» деган шиорни ўртага отган шоир.

² Грек поликарлари — Туркияга қарши уруш қилган қуролли
партизан отрядларининг а'золари.

Лекин ўйин бирдан чаппасига кетди. Энди Македонскийнинг омади келди. Бричковнинг жаҳли чиқди. Нега бунақа карталар чиқаётганига Македонскийнинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Тезда қарздан узилган Македонский ютабошлади.

Хожия Бричковга ачиниб қараб турарди.

Бричков ўйинни давом эттириди, у терлаб-пишиб кетди. Иккита олтиндан ажралди. Унда бор-йўғи беш франк қолган эди, ҳаммасини тикиб юборди. Македонский буни ҳам ютиб олди. Бричков бир чақасиз қолди. Македонский девор соатига қаради.

— Соат ўн бир,— деди у,— юр, овқатланамиз!

— Менда пул қолгани йўқ-ку,— уялинқираб ғудирлади Бричков.

— Гам ема, ўзим меҳмон қиласман! Борини баҳам кўраверамиз! Бу ерда, Руминияда таомил шу. Мен сени ташлаб кетмайман. Мусофирсан.

Бу одам Бричковга ғалати та'сир кўрсатабошлаган эди. Унинг дадил, шўх, мӯғомбirona кўзлари ва ҳаётга парвойи-палак қараши Бричковни ўзига мафтун этди ва у ҳечқандай андишага бормай Македонский блан Хожияга эргашди.

III

Дўстлар байроқдорнинг майхонасиға қайтиб келишди.

Странжка ўзининг ҳар кунги меҳмонлари — хэшларга овқат қилиб қўйган эди. Ўчақдан ҳозиргина олинган ловия тўла катта кастрюльдан қалин буғ кўтарилади. Фақат меҳмонлар келмай турган эди. Кўп ўтмай улар ҳам бирин-кетин кириб келишди ва майхона ўртасидаги узун стол атрофини қорни оч кишилар ўраб олишди. Улар қўлларига қошиқ олиб, товоқларига Странжанинг овқат қуйиб беришини тоқат блан кутишарди. Кечаги танишларимиз ҳам стол атрофидан жой олишди. Ниҳоят овқат бошланди. Кишилар овқатни хўр-хўр ичишар, чапиллатиб чайнашарди. Турли мавзу'ларда жонли суҳбат қизиб кетди. Улар сиёсатдаги янгиликларни муҳокама қилишар, шу кечаси қандайдир бир дўкондорнинг кассасини ўгри уриб кетгани, «халқ золимлари», яқинда Мачиндан бир бадавлат турк, келганлиги ва уни гум қилиш зарурлиги, бурноғи йил баҳорда Болгарияда бўлган жанглар, чорбаджиларнинг хасислиги тўғрисида сўзлашардилар. Бу қизиқ суҳбатда Бричковдан бошқа

ҳамма қизғин иштирок этарди. Странжা келтириб берган арzon, нордон винодан бирнеча стакан ичилгач, хәшларнинг кўзлари ёниб, гапларига яна жон кирди. Ла'натлаш ва сўкинишлар тобора кўпроқ эшитилабошлади. Энди улар қайсиdir бир бадавлат болгарга ҳужум қилиб кетишиди, тажаиглашиб баҳслашиши ва бир-бирларининг гапларини бўлиб юборишиди.

— Агар мен унинг семиз қорнини ёрмасам Станчо Дерибея отимни бошқа қўяман! — деб бақиради паҳлавон гавдали бир йигит, овқатни жон-жаҳди блан чайнар экан.

— Ла'нати бахил! Сариг чақа бермаиди-я. Бизни очдан ўлдирмоқчи... Кўзимга кўринсин, бир адабини берай ман! — дерди жиғибийрони чиқиб қорасоқол бир киши, қўлидаги вилкаси блан пўписа қилиб.

— Эшигдингларми? Бу чорбаджилар камбағалларнинг қонини сўриб, уларнинг пешона тери меҳнати ҳисобига яшамоқда. Мен сизга айтсам — турклардан ҳам олдин шу чорбаджиларни йўқ қилиш керак, ҳаммасини яксон қилиш керак, бошқа чора йўқ! — дерди «Свобода»ни жуда ҳурматловчи учинчи бир киши.

— Мана буни қараби! — сўзга аралашди яна бири, — олдин ўзинг бир ишлаб, терлаб кўргин-да, иннайкейин бошқаларни, я'ни... Ёки сен, чорбаджилар пулни Петко Мравканинг ҳам'ёнига солиш учун, йиғадилар деб ўйлайсанми?

Петко Мравка ўзига бу қадар дағаллик блан тил теккизган кишига таажжубланиб қаради, зардаси қайнаб кетди.

— Болқонда мен ҳам ишлаганман, тер тўқканман! Мен халқни ҳимоя қилдим, қон тўқдим!.. Бундай қарасам, сен у пайтларда сомсапазлик қилган кўринасан...

— Сомсапазлик қилганманми, қилмаганманми — бу менинг ишим, — деб жекирди луқма ташлаган ҳалиги киши, винони зарда блан кўтариб, — истасанг, ҳозир оёқларимдаги жароҳатларни кўрсатаман. Жанг қилган ёлғиз сен эмас, бошқалар бу тўғрида жар солишмайди-да...

Бошқалар ҳам қизишиб кетди.

¹ Бухарестдаги Марказий революцион комитетнинг 1869—1872 йилларда Каравелов томонидан нашр қилинган газетаси.

— Димитрий, жим бўл! Мравка рост айтади! Чорбаджиларнинг ҳаммаси хоин — ҳаммаси ёвуз!

— Ҳаммасини қириш керак! — деб бақирди кимдир.

— Битсин бойлар! Яшасин ҳалқ!

Стаканлар ҳам ҳадемай тўлиб турагар, шовқин-сурон кучаяборарди. Чорбаджиларни ҳимоя қилаётган киши блан ёнма-ён турган икки хэш сўкиниш ва ҳақоратларни қўйиб, ёқалашиб кетди; иккаласи бир-бирининг сочига ёпишди. Ёқалашуучиларнинг «Хоин! Жосус!» деган хитоблари эшитиларди. Ҳамма бир жойга гуж бўлди. Ба'зилар гўё бўғзига пичноқ қадалгандек бақираётган Димитрийнинг ёнига тушар, ба'зилар ундан ғазабланар эди.

— Ҳайда! Ҳайда уни! — деб бақирди бирнечага киши.

— Ҳайда, бойнинг жонкуярини! — қўшилишди бошқалар ва бирнечага сертомир қўл дармонсиз Димитрийни кўтариб кўчага чиқариб ташлаш учун зина томонга сургаб кетди.

— Отаман! Қўйворларинг! — деб бақирди Димитрий пўписа қилиб тўппончасини оларкан.

Агар Странжа орага тушмагандага бу жанжалнинг оқибати ёмон бўларди.

— Тўхтанглар! Қўйинглар Димитрийни! — деб бақирди у, ғазабдан ўзини йўқотган хэшларни итариб ташлаб.

— Эшак у! — деб бақирди Мравка, кўзларини ўйнатиб.

— Йўқ, эшак эмас,— деди Странжа, унинг сўзини бўлиб.

— Эшак эмас дейсанми, бўлмаса ким у?

— У ҳам бизга ўхшаган ватанпарвар. Мен уни жангда кўрганман. У қаҳрамон... Сизлар ноҳақсиз...

— Странжа,— деди Ҳожия зэрда блан,— бу қанақаси бўлди энди? Биз айбдор-у, у киши покка чиқдими... Айб... бизларда эмишми? Нималар деяпсан ўзинг? Сен бизга қози эмассан!

— Сизларники ҳам тўғри, чунки сизлар ҳам менга ўхшаб камбагалсиз, ҳақсиз, дарбадарларсиз... Сизнинг ҳам зардангиз қайнаса арзиди...

Масаланинг бундай ҳал қилиниши гувуллаб кетган меҳмонларни тинчтиди.

— Яшасин бизнинг довюрак байроқдоримиз, Странжа! Ура! — деб хитоб қилди Македонский стакани кўтараркан.

— Урал — деб юборди ҳамма бирдан,— чўқиширийлик!

Стаканлар жиринглади, Странжанинг кўнгли бўшаб кетди, у титроқ қўлидаги стаканни кўтарар экан, тўлқинланиб сўзлади:

— Раҳмат сизларга, биродарларим, иззат-ҳурматингиз учун! Мен кекса қўзғолончига сизларнинг, сиз қадрдон биродарларимнинг қаторида бўлишдан кўра ортиқроқ қувонч йўқ. Бизнинг ватан учун олиб борган шонли жангларни Болгария унутмайди. Бу жанглар халқни уйғотди, унинг қалбига озодлик ва ҳақиқатга интилиш туйғусини жо қилди. Балки сиз мендан ҳозир бизни ким ҳурмат қиласиди? Ким бизни тан олади? — деб сўрарсиз. Хотиржам бўлинг? Ҳаммамиз одаммиа, ҳаммамиз болгармиз. Биз Ватан олдидаги муқаддас бурчимизни бажардик. Қилган ишимиз шу бўлди. Бизга яна нима керак? Пул керакми? Йўқ, бизга пул керак эмас, биз пул учун қон тўйканимиз йўқ, қон бутун Валахия бойларидаги ҳамма олтиндан қимматлироқдир. Ёки бизга уй-жой, молу дун'ё керакми? Ахир биз ўз ҳоҳишимиш блан бутун бор-йўғимишдан воз кечдик-ку. Молу мулк бизга керакмас энди. Биз ўз ватанимизнинг озодлиги учун қурбон бўлдик, бунинг учун биз биргина мукофотни истаймиз: Болгариянинг озодлиги! Истагимиз худди шунинг ўзи! Тўғри, бегона юртда ҳақсиз, қувғин, оч, дарбадар кезиши сизга оғир. Мен чолга ҳам хаста кўкрак блан бу майхонада хизмат қилиш қийин, шер суратли болгар байробини кўтарган қўлларимда энди чўмич ушлаш менга, довюрак Странжага қийин! Кексайиб қолаяпмиз... Эҳ, биродари азизлар!

Хәшлар ўринларидан туриб, жимгина Странжанинг сўзларини тинглашарди.

У яна стаканни кўтариб, сўзида давом этди:

— Биродарлар, мутлақо ғам чекмайлик. Биз бунда қашшоқ, дарбадар кезаётган бўлсақ, бизнинг оға-инилаrimiz у ёқда, Болгарияда бундан бешбаттар қийналмоқдалар. У ерда турклар таламоқда, ўлдирмоқда, хонавайрон қилмоқда. Бутун халқ қуллик зулмida фар'ёд чекиб, ундан қутмолмаётir. Биз лоақал озодликдамиш-ку. Озод юришининг ўзи — катта давлат. Умидсизланиш керакмас. Танамизда куч-қувват бор экан, томирларимизда қон юрар экан, қалбимизда душманга қарши ғазаб ўти ёнар экан, биз ватанимиз учун керакмиз. Биз кутган дамлар бу-

тұн бўлмаса эртага етиб келади. Биз бунга тайёр туришимиз керак. Мен ҳам қариган чоғимда, Болқон устида яна бир карра байроқ ҳилпиратиб, кейин ўлсам армоним йўқ. Балки биз яна кўп азоб чекармиз, балки Валахия¹ тупроғида жон берармиз, танимиз шу ерда чириб кетар. Майли, шундай ҳам бўлсин: қурбон беришга лаёқатсиз ҳалқ—заиф ҳалқ бўлади. Бутун Болгария қулликда. Биз ҳам кичик бир қурбон берсак берамиз-да. Чунки хәш бўлиш—қийналиш, курашиш, очлик азобини тортиш ва бу қурбон керак эканлигини тушуниш деган сўздир. Ҳа, биз ўзимизни қурбон қилганмиз... Майли! Шундай кишилар қанча кўп бўлса, Болгария учун шунча яхши. Мен сўзимни тугатаяпман. Ўйлайманки, аҳвол тезда ўзгаради; Болгария ҳалқи қўзғолон кўтарадиган кун узоқ эмас, шунда бизнинг кучлар ҳам иш беради, биз ҳам руҳан яшнаб кетамиз ва: «Озодлик ё ўлим!» — деб хитоб қиласмиз ва бу ерда ит азобида ўлмасдан, жангда шон ва шараф блан ўламиш. Биз ҳали жанг қиласмиз, азиз биродарларим! Болгариянинг озодлиги учун курашамиз! Яшасин Болгария!..

Байроқдорнинг чақириғини жамоат қудратли ва ҳаяжонли хитоб блан такрорлади. Бутун майхона ларзага келди. Қўзғолончиларнинг кўзларида чинакам ватанпарварлик ва фидокорлик аллангаси порлади. Ақллар ёришиди. Қалбларда оташ ёнди. Хәшларнинг қайғули ва сержаҳл қиёфалари олийжаноблик ва қат'ият туйғулари блан ёришиб кетди. Ўткинчилар кўчада «Яшасин Болгария!» деган қудратли хитобни эшишиб жойларида тўхташар, эшик ёнига тўпланишар ва қизиқсиниб қоронғи ертўлага кўз ташлашар эди. Бричков завқ, ҳаяжондан титрарди. Ўз ватанпарварлиги ва ғурури блан мафтун қилаётган бу ажиб кишиларни бағрига босгуси келар эди. У бу кишиларда ягона улуғ идеянинг тимсолини кўрарди. Унинг назарида кўз олдидаги одамлар оддий, ўлим кишилари эмас, балки азоб-уқубатлар, кураш ва шон-шарафлар учун туғилган аллақандай юксак сиймолар бўлиб кўринарди. Ҳатто эрталаб унинг зардасини қайнатган Македонский ҳам энди унга улкан ва олийжаноб бир одам бўлиб кўринарди. Странжанинг самимий, кучли ва та'сирли сўzlари эса ҳали ҳам унинг қулоқларида янгарди. У стаканни қўлига олиб, бир

¹ Румин ерида.

дақиқали жимлиқда ўзининг соғ ва жарангли овози блан хитоб қилди:

— Ўртоқлар! Яшасин довюрак Странжа!

— Ура! — деб баравар қичқиришди хәшлар,— байроқдорни осмонга отиш керак! Осмонга!

Бирнеча бақувват қўллар кўнгли юмшаб кетган кекса байроқдорни баланд кўтарди. Бричковнинг кўзлари чақнар, юзлари ловуллар, ҳаяжондан ўзини йўқотган эди. Қўққисдан у кўтарган қадаҳ ҳамманинг э'тиборини тортди. Ўнга таажжуб ва севги блан боқишишарди. Странжа ҳам уни дўстона нигоҳ блан олқишишарди.

Македонский бирдан стаканни кўтарди-да, тантанали қиёфада деди:

— Жаноблар! Бричков кеча кечқурун Туркиядан келди. Унинг олийжаноб қалби асрий душманларимиз зулмига тоқат қилаолмади! У муҳтоҗлик, очлик уқубатларини биз блан бирга татиш учун бу ерга келди. У, бизнинг йўлимизни тутди, у ҳам бизнинг биродаримиз, онамиз Болгариянинг муносиб фарзанди! Шунинг учун мен, бизнинг энг ёш ўртоғимиз учун ичаман! Мен Бричков учун ичаман! Яшасин Бричков!

— Ура! — деб баравар қичқирди ҳамма.— Яшасин Болгария ёшлари! Уни осмонга отиш керак! Осмонга!

Шундан сўнг улар уялибгина турган йигитни шифтга етказиб осмонга отишиди.

Бу — Бричковни хәшлар сафига қабул қилишдек гап эди. Ҳожи Димитр, Филип Тотю ва Панайотларнинг сафдошлари хотираларга берилиб кетдилар. Уларнинг дилида қайнаб тошган зўр ҳаяжон сиртга тепиб, қаҳрамонларнинг чок этилган сийналаридан чиққудай бўлиб турган эди.

Шу вақт қўшиқ янгради:

Труба янграр! Болқон инграр!

Бу ҳалқ қўшиғининг қудратли садолари (қўл-ёзмаларда маҳфий тарқалиб, бутун Болгарияда куйланадиган барча ватанпарварлик қўшиқлари у пайтларда шундай дейиларди) ертўлани бошга кўтарар, ташқарига отилиб чиқиб, йироқ-йироқларга кетарди.

Майхона эшиги олдида тўпланган оломон минут сайнин кўпаярди. Ертўланинг торгина йўллаги оломонга

¹ Болгар шоири Добри Чинтуловнинг (1822—1886) ҳалқ орасида қўшиқ бўлиб тарқалган ватанпарварлик ше'рларидан.

нома'лум стенторларнинг¹ даҳшатли овозлари эшитилаётган маҳфий гор туйнугидек кўринарди.

Болгарлар эса баланд руҳ блан қўшиқ айтишарди. Уларга ҳатто Странжа ҳам жўр бўларди; қўшиқнинг «О азиз ватан, сен учун қиласман жанг!» деган жойига келганда унинг кўзлари ғазаб блан чақнар, қўли беихтиёр белидаги тўппончага борарди. Сўнгги куплетни айтиб бўлгач, ҳаммалари яна жойларига ўтиришди, юзлар бирқадар хотиржам тус олди. Умумий қайфиятнинг кўтарилиши ва жанжаллининг босилиши дарбадар кишиларнинг руҳий жароҳатига малҳам бўлди.

Оломон тарқалабошлаган ҳам эдики, кўча томондан кимдир румин тилида хитоб қилди:

— Булгари беци! («маст болгарлар!» — дегани эди).

Зинада бошда цилиндр ва қўлда ҳасса, яхши кийинган рангпар йигит кўринди.

— А! Владиков! — деб қичқиришди хэшлар қувонч блан.

Владиков — ўтмишда Раковский томонидан Белградда тузилган болгар легионида кўнгилли жангчи бўлган² кейин хэш бўлиб Панайот отряди блан бирга Старая-планина тоғлари, сўнг румин шаҳарларини кезган, ҳозир эса Браиладаги болгар мактабида муаллим эди.

— Баракалла, шоввозлар! — деди дўустона табассум блан Владиков, ярқироқ цилиндрини вино тўкилган столга қўяр экан.— Странжа дейман, бу гал ҳам шляпам майхонандан қуруқ чиқмайдиганга ўхшайди-ку. Хўш, ишларинг қалай? Ҳали ҳам йигитларнинг ғами блан куйиб-пишиб юрибсанми? Ҳа, а рғорос³ биласизми, мен нега келдим?

— Биз блан ичиш учун-да,— деди жилмайиб Македонский Владиковга вино қуятуриб.

¹ Стентор — Трояни қамал қилишда қатнашганлардан бири; овози фавқулодда кучли эди.

² «Болгар легионида кўнгилли жангчи бўлган...» — Легион 1862 йилда Г. С. Раковский томонидан Сербияда тузилган бўлиб, 800-га яқин жангчидан иборат эди. Бу легион Белграддаги турк қал'асини қамал қилишда иштирок этган. Раковский ўз легиони сочини ошириб, уни миллий озодлик армиясига айлантириш ва туркларга қарши очиқ курашга ўтиб, Болгарияни озод қилиш умидида бўлган. Броқ, реакцион ҳукуматнинг талаби блан легион тарқатилиб юборилган.

³ Французча, «дарвоқи» ма'носида.

— Хўп, саломат бўлинглар. Лекин мен бунинг учун келганим йўқ; сизларда ишим бор. Қеласи ҳафтага биз мактабда спектакль қўймоқчимиз. Шунга ким қатнашади?

— Бирон революцион, ватанпарварлик мақсади блани? Агар шундай бўлса мен қатнашаман.

— Революцион мақсадда ҳамда асл ватанпарварлик мақсадида: гап шундаки... бир одамга пул йигиб бериш керак...— Владиков хавфсираб эшик томонга қараб қўйди.— Биз сultonни ўлдириш учун юборадиган одамимизга,— деб сўзини тугатди у, овозини пасайтириб. Кейин, бу воқиа болгар революцияси учун қанчалик катта аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини пицирлаб тушунтириди.

— Хўп бўлти. Ҳаммамиз қатнашамиз.

— Мен подшо ролини ўйнаганим бўлсин,— деди Македонский; у, Войниковнинг¹ драмаларидан бирида бир гал шундай рольни бажарган эдим. У ҳокимлик наш'аси ва подшолик кайфини яна бир марта сурмоқчи эди.

— Мен яна лашкарбоши ролини ўйнайман,— деди астагина Мравка.— Агар пъесада шундай роль бўлса.

Подшо ҳам йўқ, лашкарбоши ҳам йўқ: драма «Ўғирланган Станка» — деб аталади.

— Ўғирланган Станкаси ҳам, йўқолиб қолган Лалкаси ҳам курсин! Мен бунақанги хотинчалиш тамошаларда қатнашмайман!— деб қичқирди, шундай драма борлигини биринчи марта эшитатётган Македонский.

— Сен хайдук Жело ролини ўйнайсан.

— Ал Хайдук ҳам борми?

— Одам ўлдириш ҳам, жанглар ҳам, отишишлар ҳам бори..

— Мана буниси менга мос келади!— деди, хурсандлик блан Македонский чап мўйловини бураб..

— Сен Ҳожия, татар ролида чиқасан.

— Майли,— рози бўлди Ҳожия,— «Стоян—лашкарбoshi»да мен негр бўлган эдим, энди татар бўламан. Ҳарқалай енгилроқ.

— Сенчи, Мравка? Сенинг ролинг... Үзинг қайсибирини ўйнамоқчи эдинг?

¹ Войников Добри — Болгар драматургиясининг асосчиси (1833—1877).

— Менга ўзингиз биронтасини танлаб бераколинг,— камтарлик блан жавоб берди Мравка.

— Сен пакана, букироқсан. Сени кампир қиласиз. Овозинг ҳам тўғри келади. Менга ўқраймагин-да... Кампир роли — энг асосий роль. Ўзим чол ролини ўйнайман... Сенга Димитрий, Иова роли... Сенга Недов — Василий, қолган ҳамма иккинчи даражали ҳамда бошқа майдада рольларни ўйнайди.

— Хўш, Станка ролини ким ўйнайди? — сўради Странжа.

— Станканими?

— Ҳа Станкани, қизни?

— Нима? Қиз ҳам борми? — ҳайрон бўлди жаҳли чиққан Македонский.

— Бор,—деди ўйланиб туриб Владиков,—энг муҳимини унугибман.—У, шу ердагиларнинг ҳаммасини бир-бир кўздан кечирди-да, қўшиб қўйди: — бу рольни биронта йигитга, ёш йигитга бериш керак... Мана бу... (Владиков Бричковга қарап экан, тутилиб қолди): улар бир-бирлари блан таниш эмас эдилар.

Бричков қипқизарib кетди.

— Аҳ, сизларни таништириш хаёлимга ҳам келмапти,— деди Македонский,— Бричков, Владиков.

— Нима! Сиз шоир эмасмисиз? — таажжуб блан сўради Владиков, Бричковнинг қўлини сиқар экан,— мен сизнинг поэмаларингизни ўқиганман... Шуларни сиз ёзганимидингиз?

Бричков баттар қизарib кетди ва уялинқираб ғудурлади:

— Ҳа, меники... Лекин бу ҳечнарса!..

— Сиз блан танишганимга жуда хурсандман. Бу ерга қаҷон келдингиз?

— Кеча кечқурун,— деди сўзга аралашив Македонский,— Туркиядан, бизга ўхшаб Болқон тоғларидан эмас, отасининг дўконидан келган бўлса ҳам бебаҳо хэш. Энди у, бизнинг дўстимиз... Шоир денг? Ана холос, мен ҳечнарсадан бехабар уни эрталаб шилиб олган эдим-а!.. — Кейинги сўзларни айтар экан тишларини қисиб,—майли, ҳеч гапмас, биз уни ташламаймиз,— деб қўшиб қўйди у.

Владиков сўзида давом этди:

— Хўш, Бричков Станка ролини қабул қиласмикин? Бу ерда биз роль ўйнайдиган хотинни тополмаймиз.

— Қиз бұлмасам ҳам, бу рольни қувонч блан қабул қиласман,— деб жавоб берди Бричков.

— Ҳеч галмас! Сени қийинтирсак, яхшилаб пардоз берсак ҳечким сезмайди. Бурун тағидаги қора мүйловингни упа блан бўяб юборамиз, ҳаммаси жойида бўлади.

— Шундай қолаверса ҳам бўлади! — деди жошланиб Македонский.— Унинг мўйлови мўйловми? Турган битгани туж. Бунинг аҳамияти йўқ. Утган йилги эсингдами? Бизнинг Гица гусарницидек шоп мўйлови блан княгиня Райна¹ ролини ўйнамабмиди. Жуда яхши чиққан эди. Саҳнада бунга этибор беришмайди.

Бир дақиқа хаёлга чўмган Бричков кулиб юборди.

— Нимага куласиз?

— Биласизми,— деб жавоб берди Бричков гардоинин қашиб ва кўзларини мўғомбираона қисиб.— Мен спектакльнинг мақсади тўғрисида ўйлаяпман. Наҳотки мақсади шу қадар улуғ бўлса?

— Худди шундай, ишон,— деди Владиков.

— Аммо бу иш охиригача етказилса,— деб сўзида давом этди Бричков,— биз йиғиб берган пул ҳам кўнгилдагини амалга ошириш имконини беради, ва бир вақтлар тарих ўз сўзини айтиб, ўғирланган Санка султон Азизни² ўлдирди,— деганда, бу сўз бирқадар тўғри чиқади. Шундай эмасми?

— Ким билади? Балки тарих айтар ҳам... У бизга шунча му'жизаларни ҳикоя қилганки, ҳаммасига ишониш мумкин. Катта воқиалар кичик сабаблар блан бошлиланган пайтлар ҳам бўлган... Бу ертўла ҳам бутун империяни ларзага келтириши мумкин. Тўғрисини айтганда, бу ишларнинг оқибати нима бўларкин деган фикр менинг ҳам кўнглимдан ҳеч нари жетмайди.

Странжа Владиковга яқин келди.

— Сен мени эсдан ҳам чиқариб юбординг-а,—та'на қилди у, чамаси умумий ишда иштирок этмоқчи эди.

— Сен ҳамми? Сен ҳам қатнашмоқчимисан? Бўлти, сен буфетчи бўласан. Фақат гап шуки... Бошқатдан кийиниб оласан... Яғири чиққан бу руминча қийиминг бўл-

¹ Болгар подшоси Петрнинг қизи (925—968) Добри Войниковнинг шу номли драмасининг қаҳрамони.

² Султон Азиз — турк султони Абдул Азиз — 1861 йилдан 1876 йилгача ҳокимият тепасида турган.

майди. Бунинг устига юзингдаги тириқлар ҳам асабий хотин-қизларнинг ўтакасини ёради. Эҳ, бечора Странжа... Мен сени Старая-планинада, қўлда байроқ блан кўришини кўпроқ истардим, сенинг саҳнанг ўша ер...

Рольларни шу кун кечқуруноқ тақсимлашди, бир ҳафтадан кейин, кундалик репетициялар бошланди. Яна бир ҳафтадан кейин пьеса ҳам тайёр бўлди ва деворларга афишалар ёпиштирилди.

Султон Абдул Азиз эса бу гаплардан бутунлай бехабар эди.

IV

Кўп ўтмай спектакль қўйиладиган кун ҳам етиб келди. Спектакль учун бир одамнинг уйидан арzon-гаровга бир зал ижара қилинди, тўғрироғи бу зал ҳам эмас катта дахлиз эди. Уни чироқлар блан ёритилди.

Деворларга ўн иккита кичик фонарь осилган, валахияли скрипкачи — лўлилардан иборат оркестр учун саҳна олдидан жой ажрагилиб, у ёрга ҳам бешта керосин лампа ёқилган (бу лампалар мактабдан олиб келинган бўлса керак, иккитасининг шишаси синиқ эди); эшик олдида осилган тўртта қофоз фонарь билет кассаси блан буфетни ёритиб турарди, буфетда эса жиддий қиёфада Странжа турарди. Залга ўртадан торгина йўлак қолдириб, икки томонига тамошабинлар учун қатор номерли стуллар қўйилган зди. Бўш қолган бошқа жойларнинг ҳаммаси тик тўриб тамоша қилинадиган ўринларга айлантирилган зди. Юпқалигидан саҳна кўринадиган қизил матадан парда қилишди-да, уни кўтариб тушириш учун оддийгина асбоб ишлашди: парданинг пастки икки учига иккита арқон боғлашди, арқонларни тортганда парда кўтарилади, арқонни юқоридаги бир тўсин устидан ташлаб олишди. Парда қўл блан туширилади; кейин икки сирли қўл парданинг икки томонидан чиқиб уни пастга тортарди. Парданинг юпқалиги тамошабинларга икки хил тамошани кўриш имконини берарди. Улар саҳна очилганда актёрларнинг ўйинини кўришарди; саҳна ёпилганда эса тамошанинг иккинчи бир тури бошланар, ўёқдан-буёқча югуриб юручи шамлар, ажиб соялар, аллақандай даҳшатли маҳлуқларнинг силкинаётган қўллари ва талай хилма-хил манзаралар кўринар эди.

Энди биз парда орқасига ўтамиз.

Саҳнанинг ҳар икки томонида тор йўлкалар бўлиб бу актёрлар кийинадиган жой эди. Актёрлар кийимлари ни ўшаерда олмоширишар ва ўз кийимларини қолдиришар эди. Шу ернинг ўзида яна анча нарсалар: стуллар, скамейкачалар, ўрмон манзарасини кўрсатучи кўк шохлар, катта сопол кўза, чолнинг овқатланиши учун керак бўладиган бир юмaloқ булка блан пиёз ва саҳнада бўла жак «жанг»да ишлатиладиган милтиқ, пистолет, тўппонча, қилич ҳамда ханжарлар тартибсиз равишда сочилиб ётарди. Бу ўлим қуролларининг ҳаммаси, уларни кўтариб ҳақиқий душманга қарши жанг қилиш истаги блан ёнган ўша актёрларнинг ўзларига тегишли қуроллар эди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Македонский ўзининг арнаутча милтиғи қаттиқроқ отилсин учун унга озмунча дори ва латта тиқмади. Бу уни айниқса қизиқтиради. Унинг ўзи чинакам хайдук сингари кийинган: ёнбошида (ривоятда айтилишича) у туркни ҳамда унинг хотинини чопиб ташлаган ўша қиличи, бошида шер сурати солинган қалпоқ, елкасида албанча қизил чакмон, белида эса тўрт патронташ, икки ханжар ва икки пистолет қўринарди. Унинг қароқчига ўхшаш турқини шоплар киядиган оқ иштон, чўқай, тамаки халтача ва чақмоқтош яна ҳам тўқис қилиб туради. Татар ролини ўйнаётган Ҳожия қаердандир қадим Валахия помешчиклари-киядиган эски юнг қалпоқни топиб кийган эди. У қалпоқни оқ латта блан ўраб, қоракуя суртилган пешонасига бостириб олган, унинг юзи ҳам қора қилиб бўялган эди. Яна уузун қора мўйлов ҳам ёпиштириб олган; кийган кийими ва бутун қиёфаси уни бир тарихий расмидаги ёвузга ўхшатиб туради. Мравка кампирга айланаб кетди ва таассурут мукаммал бўлсин учун ёстиқдан букур ҳам ясад олди. Владиков эчки терисидан ўзига узун оқ соқол қилиб, уни иккита каноп блан бошига боғлаб қўйди: соқол ҳадеб қимирлайвермасин ва оғизга киравермасин деб, уни пастдан яна маҳкамлаб, канопни бўйнига ўради. Бричковнинг бетига упа-элик суртиб, уни икки юзи қипқизил Станкага айлантириб қўйишиди. Драманинг бошқа қатнашчилари ҳам, қанча қўрқинчлироқ бўлсак, тамошабинга шунча кўпроқ ёқамиз деган ҳаёлда, турли латта-путталарни ўраб олишди. Бўнинг устига костюмлар танлаш, театр биносини ижарага олиш ва юқорида ма’лум бўлганидек, ўзининг спартайча камтарлиги блан ажрапиб туручи саҳнани жиҳозлашда асосий рольни иқтисоди

дий характердаги мулоҳазалар ўйнади. Пьеса ҳам худди ўша мулоҳазаларга кўра танланди. Ниҳоят драмада қатнашадиган эшак ҳанграв овозини ижро этиш Ҳожияга топширилди; чунки унинг овози шунга энг мос деб топилган эди.

Тамоша зали одамга тўлабошлади. Билетни икки кун илгари сотиб олган бадавлат болгар савдогарлари ўз жойларини эгаллашга ошиқардилар. Бўйдоқлар ёлғиз, уйланганлар хотин, бола-чақаларини ҳам олиб келишарди. Бу жойга ўрта ҳол қишилар ҳам, камбағаллар ҳам, деярли қашшоқлар ҳам — хуллас, бегона юртда ўзларини болгар ҳис қилган, қалблари ватан соғинчи блан эзилган қишилар йиғилган; уларнинг дилларида диннинг муқаддас жойида унтилмас ва доимо ўзига ром этучи сирли образ — Болгария образи яшар эди! Шунинг учун турмуш мусибатларига бегона, совуқ ва ба'зан душман муҳитда яшаш учун олиб бориладиган доимий курашга қарамай болгар қалбидаги соғинч бошқача соғинч эди; у, киши бироз яланғоч тоғ чўққисидан туриб, пастга, ўзи туғилиб ўсган чаманзор водига тикилганда ҳис этгуси севинчга ўхшаш, янги ва оромбахш севинчни истар эди. Мана шу сабабли у пайтларда болгарлар томонидан румин шаҳарларида қўйиладиган ҳаваскорлик спектакльлари катта воқна эди.

Ҳамма жой банд, зал сабрсизлик блан парда қўтарилишини кутаётган тамошабинларнинг ғовур-ғувуридан гувуллар эди. Кўплар мазмунни талай кўзёшлар ва оҳ-воҳларга сабаб бўлган повестъдан ма'lум бўлган пъесани муҳокама қилишарди. Биринч қаторда бола-чақаси блан ўтирган болгарнинг овози ҳамманикидан баландроқ эшитиларди. Бу одам машҳур ватанпарвар Дочкович эди. Болгарияни озод қилиш ҳаракатида доимий иштирок қилганини сабабли Дочковичнинг шахсий ѹшлари жуда кейинга кетди. Аммо у бунга ачинмасди. Барча болгарлар унга эҳтиром блан қарап эдилар.

— Матильда,— деди у сарғиш сочли дўйидиққина қизчага, унинг бошини силаб туриб,— сен ҳозир татарлар келиб бир қизни ўғирлашини кўрасан. Тағин қўрқиб кетмагин!

Матильда жавоб бермади. У ажиб, шаклсиз соялар ўйнаётган қизил пардага тикилиб қолган эди. Бу кўриниш қизчанинг э'tиборини тамом ўзига тортган эди: у

бошини кўтарди, оғзидан бармоғини олдида, отасига пардан кўрсатиб:

— Олабўёж! — деди.

Онаси кулиб, унинг пешонасидан ўпиб қўйди.

— Болажоним,— деди у, гўдакни эркалаб; кейин эрига ўгирилиб, сўради:— Никола, наҳотки анов ла'нати Македонский бугун яна ўйнаса?

— Македонский ўйнашга ўйнайди албатта, лекин у мутлақо ла'нати эмас,— хўмрайиб жавоб берди эр.— Ватан учун ўз ҳаётини қурбон қилаётган ватанпарварларни, халқ арбобларини ла'натлашга қандай тилинг боради, ҳайронман?

— Мен ла'нати демоқчимас, қўрқинчли демоқчи эдим... У узун шоп мўйлови блан худди хайдукнинг ўзи бўлади-кўяди,— деди хотини үялинқираб.

— Хайдуклар ҳозир — соғдил кишилар. Ҳақиқий қароқчилар деб чорбаджиларни айтади!

Бу сўзларни айтаркан асабдан чекка томирлари тортишиб кетди. Чамаси уни аллақандай бир ташвиш босган эди. Кишилар, ватанпарварлик йўлида бутун бор-йўғидан ажраган унинг ўзидан ҳам кулишлари мумкинлигини сөзар эди у.

Бу орада оркестр янгради. Парда қия очилди ва ичкаридан икки киши тамошабинларга мўралади; бири қўй терисидан тикилган қалпоқ кийган, энгагида эчки жунидан қилинган узун оқ соқол; иккинчисининг ўткир кўзлари муғомбир, узун шоп мўйловининг учлари буралган эди. Ба'зи тамошабинлар диққат блан тикилиб, кулиб турган актёрларни танишди. Владиков бош иргиб Дочкиковичга салом берди. Дочкикович ҳам унга самимият блан бош иргаб жавоб қайтарди.

Саҳнага тезроқ чиқишга ошиқаётган Македонский скрипкачиларга қўли блан ишора қилган эди, улар жим бўлишиди.

Сув қуйгандек жимлик чўкди.

Парда қимирлаб кетди ва қат-қат бўлиб йифилиб, аста кўтарилиди. Тамоша бошланди.

Саҳнага биринчи бўлиб чол ролини ижро қилаётган Владиков чиқди. У, ўзини осойишта ва дадил тутар эди. У, шундай ҳаваскорлик спектакльларида кўп марта иштирок этган эди. Фақат гап ишни бузиб туради; чунки энгакни қисиб турган каноп оғизни дурустроқ очишга қўймас ва у минифиллаб зўрга гапиради. Кейинги кўри-

нишда унга ўрмонда овқатланишга тўғри келгандаги аҳвол айниқса оғир бўлди. У афтини ҳадеб буриштирас — бу қулгили ва шу блан бирга ачинарли бир ҳол эди. Бошига даққионусдан қолган қалпоқни кийиб, ҳамаёғига қоракуя сурган Ҳожия тамошабинларда зўр таассурот қолдирди. У саҳнага чиққанда ба’зи хотинлар кўзларини юмишдӣ, қичкина Матильда эса отасининг пинжига кириб секингина: «Вой қўрқаяпман!» — деди, эшак ҳанграши залда гулдурос қарсаклар янграшига сабаб бўлди. Бу Ҳожия учун чинакам тантана эди (У, албатта, саҳна орқасидан туриб «ҳанграган» эди). Бричков, я’ни Станка ҳаяжондан танг қотган эди; тамошабинлар олдига биринчи марта чиққанлиги учун, у шу қадар эсанкираб қолдики, ҳатто гапини ҳам унугиб қўйди. Бахтига гапирадиган гапи ҳам оғзина эди, шунинг учун у тошдек серрайиб қотган эди. Кампир, я’ни Мравка ҳам ўз ролини утгутиб қўйди, лекин татарларнинг ҳужуми уни бу даҳшатли аҳволдан қутқарди; у, ўзига қилич тегар-тегмас «ўлиб»—йиқилақолди. Шунга қарамай тамошабинлар уларни завқ блан олқишилади ва полни оёқлари блан дукуллатишиди. Македонский айниқса катта таассурот қолдирди. У, ҳаргал саҳнада пайдо бўлди дегунча залда гулдурос қарсак янграрди.

Воқиа тез ривожланди. Ажойиб хилма-хил кийимлар бир кўриниб, бир йўқолиб турарди. Тамошабинлардаги қизиқиши ҳамон ортаборарди. Саҳнада аллақачондан бери олағовур ҳукм сурар ва актёрлар ўз рольарини унугиб, оғзига келганини гапиришар эди. Аммо буларнинг ҳаммасини жанг сурони босиб кетди. Отишув бошланди... Болгарлар татарлар блан жанг қилмоқда эди. Фазабидан ўзини йўқотган, соchlари тиккайиб тўзғиб кетган Македонский ваҳший бир қиёфада саҳнада ўёқдан-буёққа лапанглаб юрар ва фавқулодда абжирлик кўрсатиб милтйқдан, тўппончадан, пистолетдан ўқ узар, бошқалар ҳам ундан қолишимас эди; тасир-тусир ўқ отишлар, шовқин-сурондан саҳна, зал ва ҳатто кўча ҳам ларзага келар эди. Бутун хона ўқ-дори тутунига тўлди ва аччиқ олтингугурт ҳиди тамошабинларнинг нафасини бўғди. Биринчи җаторда ўтирган қўпчилик хотинлар бурунларини дастрўмол блан беркитдилар, ба’зиларининг ранги ўчиб, ҳатто залдан ташқарига қочиб чиқдилар. Матильда додлаб йиғлар эди. Саҳнани тутун булути қоплади. Бу даҳшатли ғала-ғовурдан

Чўчиб кетган полициячилар кўчадан югуриб киришди. Лекин жангни тўхтатишининг иложи йўқ эди. Македонский жон-жаҳди блан саҳнада уёқдан буёқقا чопар, ўзини у бурчакдан бу бурчакка отар, ўтириб олар, пистирмага бицинар, ғазаб блан бақирап ва ўқ узар эди. Унда хайдук ғайрати қўзиган, ўзининг саҳнада ўйнаётганлигини унутган эди.

Македонский назарида гўё у, ўз ўртоқлари блан бирга Старая-планинада жанг қилаётгандай эди. У жанг қизифида бирнече кишини, жумладан негадир саҳнада яна пайдо бўлиб қолган Мравкани ҳам йиқиб қўйди. Ҳатто Странжа ҳам буфетини ташлаб, зал ўртасига югуриб чиқкан ва жанг суронига ҳавас блан тикиларди; унинг ҳони қочган юзида ҳаяжон ва завқланиш ифодаси барқ урад эди. Даҳшатли курашнинг энг қизғин пайтида у чидай олмади ва:

— Маҳкам тур, Македонский! — деб бақириб юборди.

Аммо унинг овозини ҳечким эшитмади. Шовқин-сурондан тамошабинларнинг қулоғи битган, ўт очишлардан кўзлари қамашган эди. Шиддатли гулдурос қарсаклар давом этар эди.

Ниҳоят ўқ-дорилар тугаб, жанг тўхтади.

Пъеса қизишиб кетган Македонскийни ниҳоятда афуслантириб, тинч ва осойишталик блан тугади. Залда сўнгги марта қарсаклар янгради, тамошабинлар актёрларни уч марта чақирдилар, шундан сўнг театрдан чиқиб кетдилар.

Шундай муҳим воқиалар рўй берган залда кўп ўтмай қоронфилик ва жимлик чўқди, актёрлар — хэшлар эса, байроқдорнинг майхонасида, узун стол атрофида ўтиришарди. Улардан ба’зилари саҳна қийимида ва гримдагида келаверган. Бричков Станканинг упа-эликларини, Ҳожия эса татарнинг қоракуясини ҳалигача артиб олмаган эди. Аммо бунга ҳечким э’тибор қилмади. Ҳаммалари ҳаяжонли, кайфлари чоғ ва хушчақчақ эдилар. Ғалаба нишонаси блан маст бўлган Македонский ҳамон ўзига келолмас ва Ҳожияга қараб хўмрайиб қўярди.

Странжа столга овқат ва бирнеча шиша вино келтириб қўйди. Кечки овқат бошлиланди. Гап фақат спектакль устида борар эди. Мақташди, танқид қилишиди, ҳазиллашиши ва роса кулишиди. Ҳамманинг димори чоғ, айниқса Странжа хурсанд эди. У Македонскийнинг жасорати учун мақтади, лекин унга стратегия бобида бироз

танбиҳ берди, шу блан бирга у, ҳатто агар бу нарсалар келгуси спектальларда яна қайтариладиган бўлса хайдук Жело ролини ўзи ижро қиласхагини айтди. Буни эшигтан Македонскийнинг қовоғи осилиб кетди.

Буфетда сотилмай қолган барча нарсаларни еб-ичиб столда бўш товоқ-қошиқ, графиналар ва шишалардан бошқа ҳечнарса қолмагач, ўзига э'тимод ҳисси блан тўлиб-тошган Македонский деди:

— Йигитлар, сизларга таклифим бор, Штраусникига бориб, Пильзен пивосидан бир ичиб келсак.

— Борганимиз бўлсин! Мен у жойга бормаганимга тўққиз ойча бўлди.

— Борамиз!.. Борамиз! Қимиirlанг тезроқ!

— Хайр, Странжа! Балки сен ҳам бориб қоларсан!

— Хайр, яхши ётиб-тур Странжа.

— Яхши боринглар, йигитлар!

Шундан сўнг улфатлар ғовур-ғувур сўзлашиб майхонадан чиқишиди.

Жарангдор, ялпи қўшиқ кўча бўйлаб ўтди-да, тун оғушига сингиб кетди.

Эрталабга бориб спектакль учун йигилган пулдан сариф чақа ҳам қолмади.

Султон Абдул Азиз сақлаб қолинган эди.

V

Орадан икки ҳафта ўтди. Македонский қаёққадир дараксиз йўқолди. Македонскийнинг фамхўрлиги туфайли, унинг ҳисобига кун кўрган Бричков, энди қуп-қуруқ қолиб қаттиқ қийинчилкларга ва очлик азобига дучор бўлди. У ўз уйини осонтина ташлаб чиққандан кейин, ҳавоий йигитга йироқдан шу ҳадар мароқли ва жозибали бўлиб кўринган янги ҳаётнинг мусибати ва ноқулай шароитларини биринчи марта сезди. Икки-уч кунгача уни ва у блан бирга Ҳожия ҳамда Попчени Странжа қарзга боқди, броқ Странжа ҳам бетоб бўлиб ётиб қолгач, дўстлари оч қолишиди. Ловияни бақирлатиб қайнатадиган ўт ўчиб қолди; бир энлик чанг босган кострюольлар, кўзалар ва стаканлар тартибсиз чочилиб ётарди. Яқиндагина одамлар ва шовқин-сурон блан гавжум бўлган майхонада чанг-тўзон ва жимжитлик ҳукм суради. Ҳожия (ўзининг айтишича) қандайдир бир бойдан пул ундиргани кетди-ю.

Қайтиб келмади. Попче уни кутди, тўғрироғи — май. Хонада икки кун оч ўтириди-да, қаёққадир баҳт излаб кетди. Фақат Странжанинг ҳол-аҳволидан хабар олиб туришга қарор қилган Бричков қолди. У, бу ажойиб одамни маблағсиз эмас (чунки ўзида ҳам сариқ чақайўқ эди) балки ма'навий суюнчиқсиз ташлаб кетолмас эди. Странжанинг ҳечнарса егуси келмас, ейишга мажали ҳам йўқ эди. Беморнинг иштаҳасизлиги, очлик азобига сабот блан бардош берадиган Бричковни қувонтирад, лекин у, ҳаётдан кўз юмаётган мўйсафилининг оч-ноҳор ётишига жуда эзилар эди. Странжанинг юзи кун сайин ингичка тортиб мурдадек оқариб бораради; бу аломат эса ўлимдан дарак берарди. Унинг одатдан ташқари чақнаб турадиган равшан кўзлари ич-ичига ботиб кетди. Чеккасидаги эски жароҳатлар ўрни кўкарди,— кейин қорайиб кетди. Эс-ҳушини бутунлай йўқотмаган Странжа, Бричков кўрсатаётган меҳрибонликни ҳис қилас ва ба'зан кўзларидан ёш оқар эди. У Бричков блан тез-тез суҳбатлашар ва доимо Стая-планинадаги жанглардан ҳикоя қиласади. Бу қаҳрамонона кунлардан қолган хотиралар унга куч ва мадад берарди. У ўзининг тезда ўлишини билар, касалга сабот блан дош берар ва ўлимни меҳмон каби кутар, фақат уни бу жойда, ертўлада эмас, балки жанг майдонида қарши олмаётганидан фам чекар эди. Ба'зан унинг ёдига қариндошлари тушиб кетарди. У бир лаҳза туғишганлари тўғрисида гапирад ва яна турклар блан кураш ҳақидаги ҳикоясига қайтар эди. Бричков унинг ҳикоясини зўр эҳтиром блан тингларди. У кекса қаҳрамоннинг қонсиз лабларидан чиққаҳ ҳарбир сўзни муқаддас васият каби қабул қиласади; кекса қаҳрамон тобора кам гапириб, кўп азоб чекар эди. Касал уни кўпроқ ортга судрар, Бричков бемор ёнидан жилмасди.

— Ўғлим,— деди бир кун Странжа,— раҳмат сенга... Мени ташлаб кетмаганинг учун... Раҳмат, энди мен ёлди~~з~~ ўлмайман, энгагимни болгар боғлайди... Мусоғир юртда — бу катта баҳт. О, ватан!..

— Беъзовта бўлма,— пичирларди Бричков,— тинчлан, сендан ўтинаман!

— Раҳмат сенга, биродар, раҳмат! Мен тезда тамом бўламан, оламдан ўтаман.

— Йўқ, сенинг покиза номинг мангу яшайди! Сен қаҳрамонсан.

— Эҳ, Бричков!

— Агар қисматингда ўлим бўлса, сен баҳтиёрсан, юзларингдаги мана бу шонли жароҳат доғлари блан, қалбингда ёрқин хотиралар блан кетасан. Болгария ўзининг азамат ўғилларини ҳечқаочон унумтайди!

Странжанинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. У, нимжон қўли блан ўртоғининг қўлини қисди. Таскин сўзлари кекса қаҳрамоннинг дилига та'сир этар, лекин энди уни умид-орзуулар тарк этган эди.

— Бричков, азизим!— деди у қаддини бироз кўтариб атрофга ночор жовдираб,— бу хизматларинг учун сенга қандай миннэтдорчилик билдирам экан! Ҳечнарсам йўқ... Мана бу сопол товоқлардан бошқа ҳечнарса йўқ, уларни бирор сариқ чақага ҳам олмайди. Сенга ёдгорлик учун қолдиргани ҳечнарсам йўқ.

— Мен учун сенинг мардона ишларинг ёдгорлик бўлиб қолади.

— Ҳа, менга қара. Сандиқда кичкина тугунчам бор. У кўпдан бери ётилти. Тугунчада иккита қимматбаҳо нарса бор. Уларни сен ҳам қадрла, Бричков ҳа, менинг ўртоқларим қаёқда, Македонский қани? Ҳожия қаёқда? Үслим, бор, ҳалиги нарсаларни сандитқдан ол, мен ўлим олдида уларни яна бир марта кўрмоқчиман... Эҳ, ватан учун ўлиш қанчалик лаззатли!

Бричков аста ўрнидан турди, сандиқни очиб, нарсаларни бирин-кетин олабошлади. Ниҳоят у юмшоқ тугунчани топди. Рўмолчани эҳтиёт блан ечиб, ундан қандайдир бир қофоз ва бир бўлак чит олди. Қофоз 1867 йилда революцион комитет томонидан нашр этилган мурожатнома, чит эса,— устида фақат «...ёки ўлим!» сўзлари сақланиб қолган эски байроқнинг бир парчаси экан.

— Муқаддас ёдгорликлар!

Ҳаяжондан Бричковнинг а'зойи бадани титрарди.

Странжа қаддини кўтарди.

— Менга бер, Бричков,— деди у.

Странжа бу нарсаларни авайлаб қўлга олиб, ўпди. Кейин заиф овоз блан, тўхталиб-тўхталиб деди:

— Буларни мендан қабул қилиб ол! Странжани унумтади! Бутун ҳаётингни Болгарияга бафишади!

Икки кундан сўнг Странжа вафот этди.

Бричков унинг энгагини боғлади. Ҳамма идиш ва шишаларни сотиб, дағн қилиш учун сарфлади. Марҳумни қабрга ёлғиз ўзи кузатиб борди.

Болгар халқининг миллий озодлиги учун замин ҳозирлаган кишилар ҳаётдан шу тахлит кўз юмар эдилар.

VI

Бричков Браилада саргардон кезарди. У, ўзининг эски танишларидан бир ғишт теручининг ҳужрасига жойлашиб олган Ҳожиянигина учратди. Бричковни ҳам шу ерга жойлаштирақолиши. Ҳожия кундуз пристанъда ишлар ва топганини кечқурун келиб, дўсти блан баҳам кўрарди. Броқ Ҳожия ҳар сафар ҳам иш топиб нон келтиришга муваффақ бўлавермасди. Киш бўлганлиги учун пристанъда иш кам эди. Унда иккови ҳам оч қолишарди.

— Отангга хат ёзиб, пул сўрасанг бўлмайдими?— деб сўради бир куни Ҳожия.— Доим оч-ноҳор юраверсанми?

Бричков қовоқ солиб деди:

— Отамга хат ёзишга юзим чидамайди, ундан бирон нарса сўрагим йўқ.

— Нега?

— Сўролмайман-да.

— Нега сўролмайсан? Ахир сен унга ўғил эмасми-сан?

— Андиша қиласан.

— Андиша? — таажжубланди Ҳожия.— Оч юришинг ма'қулми?

— Шу ма'қул... Мен кетишимда ундан жавоб сўрамаган эдим. Келиб-келиб энди: дада, менга пул юбор, дейманми? Бу қанақаси бўлади? Йўқ, сўрамайман... Бундан кўра очдан ўлган яхши...

— Энди нима қиласан, бўлмаса?

— Ишлайман, қанақа иш бўлса ҳам қиласавераман.

— Свиштовга қайтиб бормайсанми?

— Йўқ, иложи йўқ. Ҳозир турклар мендан гумонсираб қолишган, қайтиб борсам қамаб қўйишади. Шу ерда, озодликда юрган яхши.

— Ахир сен бунақа ҳаётга ўрганмагансан-ку.

— Ҳечқиси йўқ, ўрганиб кетаман. Ундан кейин... бир гап бўлар... Мен шуни кутиб юрибман.

Ҳожия таажжуб блан унга разм солди.

— Агар янги отряд тузилса,— қизаринқираб гапирди Бричков,— мен у блан бирга Болгарияга ўтаман...

— Янги отряд? Мен ишонмайман.
— Мен бу гапни Свишчовда эшитган эдим. Ахир биз туркларга қарши курашмаймизми?

Хожия ўйланиб қолди:

— Агар янги отряд тузилса, унга мен ҳам кираман... Ким билсин, балки шундай бўлар ҳам... Эшитишумча Панайот яқинда Сербиядан қайтиб келармиш. Балки у, худди шу мақсадда келар. Ўлсанг ҳам лоақал қандай мақсад учун ўлаётганлигинги биласан-ку. Бу ерда ҳаёт ит ётиш-мирза туриш,— деб қўшиб қўйди Хожия ға туфлаб юборди.

— Македонский қаёқда?

— Молдавияда. Аллақайси бир помешчикда иш бошқаручи бўлиб ишлаётган эмиш.

— Попчечи?

— Бир деҳқон пиёз экишда ёрдам берасан деб, унга бошпана берди. Қолганлар ҳам бирор ерга бориб ишлашаётган ёки сен блан менга ўхшаб оч ўтиришган бўлса керак. Бу — ҳаёт эмас — каторга. Ит ҳаёти. Яхшиси отрядга бориш. Мен ўз қуролимни сотмасдан ҳалигача сақлаб юрибман.

Бричковнииг хаёлига тўсатдан бир фикр келди-ю, кўнгли ёришиб кетди.

— Ия, биродар, шу вақтгача тоза аҳмоқ бўлиб ўтирган эканмиз-да! Бу ёқда осонгина пул топиш йўли туриптию, шунча кундан бери оч юрибмиз-а.

Хожияга жон кирди.

— Қанақа йўл?

Бричков устидаги кийимларини кўрсатди:

— Қара, бу куртка ҳали япянги, шим ҳам яхши... Мен буларни шу ёққа жўнаш олдида олган эдим. Бунинг устига соат ҳам бор! Бу нарсаларни камида эллик франкка сотиш мумкин.

Хожия қувончдан яшнаб кетди:

— Қойил! Иккаламиз ҳам кўп лақма эканмиз-да! Йўғ-ей... Мен буни айтишга ботинолмаган эдим. Қани юр бўлмаса, кетдик тезроқ.

Хожия: «Биз бойлик истамаймиз, бизга пул даркор эмас» қўшигини ҳуштак қилиб чалиб, шу замониёқ Бричковни ифлос эски бозорга сургаб кетди.

Эртасига эрталаб Бричковнииг қиёфаси тамом ўзгариб қолган эди. Энди у эгнига чеккалари тўзиган, ёқасини ёғ босиб ранги айнаб кетган куртка, чарм блан

Ямалган тиззаси йиртиқ эски шим, ботинка ўрнига солдатча кўхна этик кийган эди. Илгариги кийимидан фақат байроқдор тақдим этган шляпа қолган эди.

Аммо кийимлари йиртиқ бўлган блан, қорни тўқ эди.

Икки дўст дарҳол турмушни бошқача қолипга солиб юборишиди. Кичик мусофирихонадан иккита кровать қўйилган уйчани ижара қилиб, ресторандан овқатланабошлишиди. Ҳар кун улар икки-уч хәшни ўз ҳисобларига овқатлантиришади. Ҳожия ҳатто бир ўртоғининг озгина қарзини ҳам тўлаб юборди. Бричковнинг иши яна юришиб кетди. У ватанпарварлик тўғрисида бир қўшиқ тўқиди; кечқурунлари уйда ўтириб шу қўшиқни айтар, ёш хизматчи қизни учратиб қолганда тегишиб, ҳазиллашиб қўярди. Ешлик ҳамиша қайғу-ҳасратдан ғолиб чиқади. Бирнеча хушчақчақ ва қувноқ кунлар ўтди, шу блан бирга чўнтақдаги франклар ҳам учди-кетди.

Бир кун кечқурун эшик тақиrlади. Қўшиқ айтиб юрган Бричков тўхтади-да баланд овоз блан:

— Entrez!¹ — деди.

Мусофирихона хўжайини кириб келди. Унинг қиёфаси жиддий ва қовоғи солингган эди.

— Кечиринг, қўшиғингизни бўлдим,— деди у совуққина.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ,— деди Бричков.— Хўш, нима хизмат?

Хўжайин истеҳзо блан кулди.

— Менга меҳмонлардан нима хизмат бўларди? Ҳақни вақтида тўлаб турсалар — бўлгани-да.

Бричков ўпкалаб унга қаради.

— Мен тўлайпман-ку.

— Тўғри, лекин ўтган якшанбадан бери бир тийин тўлаганингиз йўқ. Ҳар икки кунда тўлаб туриш кераклигини биласиз-ку.

Бричков бир нафас хижолат тортиб туриб, яна гап топди:

— Хотиржам бўл, мен ҳақингни тўлайман!

— Нима блан? Қўшиқ бланми? Ўзингизда ҳечвақо йўққа ўхшайди. Мени кечирасиз-у, аммо ўзингиз учун ҳам, ўртоғингиз учун ҳам ҳақни шу бугуноқ тўламасангиз бўлмайди... Нега десангиз, бизни жуда кўп тушириб кетишган... Улар ҳам яхши одамлар эди, ичида ҳатто

¹ Киринг (фран).

сизга ўхшаган шоирлари ҳам бор эди. Гап шундай — ҳақни тўлаш керак.

Бричков ғазабидан тутоқиб кетди. У қолган сўнгги тўрт франкни олиш учун чўнтағига қўл солди-ю, броқ майда чақаларни олиб, ҳайрон бўлиб қолди.

— Йигирма саккиз франкни тўлаб қўйинг,— деди хўжайин Бричковга қараб, совуқ ва бепарвогина туриб.

— Пулимни ўғирлаб қўйишипти-ку,— деб хитоб қилди Бричков.

— Эски гаплар, бунаقا майнавозчиликларни биламан... йингирма саккиз франкни тўланг.

— Менда пул йўқ. Қандай қилиб тўлайман?..

Бричков жуда оғир аҳволда қолди. У, Ҳожиянинг келишидан умидвор бўлиб, беихтиёр эшикка қараб қўярди. Ҳожия келса кейин бир гап бўлар, деб ўйларди у. Хўжайин эса эшик ёнида қаққайиб, жавоб кутарди.

— Тўланг ахир!

— Тўлашга ҳечнарсам йўқ.

— Бўлмаса, мен сизни муттаҳам деб, полицияга топшираман. Биламан сенларни, ҳаммаларинг ҳам...

Бричков қипқизариб кетди, бошига қон югурди, муштини кўтариб, руминга ташланиб қолди:

— Итвачча! Овозингни ўчириб қўяман худди...

Бричков оғир мушти блан хўжайиннинг бошига бир туширди.

Хўжайин дод дейишга улгурмаган ҳам эдики, оёқ товушлари эшитилиб қолди. Кимdir даҳшатли овоз блан коридордан югуриб келарди.

— Фок! Фок! (Ёнгин! Ёнгин!)

Бу сўзларни айтиб овозининг борича бақираётган одам Ҳожия эди; у ўпкасини қўлтиқлаганча эшикка яқинлашиб келарди.

Хўжайин абжирлик блан Бричков қўлидан сирғилиб чиқди ва қўрқанидан ранги қув ўчиб, шапкасини ҳам тушириб уйдан чиқа югурди. У, мусофириҳона номерларидан бирида ёнгин чиққан деб ўйлаган эди...

— Фок! Фок! — даҳшат блан бақиради Ҳожия.

Ҳовлига оломон йигилган. Қўчадан кишилар чопиб кирад, қоронғида зир югуришарди.

— Фок! Фок! — деб бақиради Ҳожия ва Бричковни зинадан пастга сударди.

Улар ҳовлига чиқиб, оломонга аралашиб кетишиди ва астагина дарвозадан ўтишди... Фок! Фок! Аммо ўт деган нарсанинг ўзи ҳечқаерда йўқ эди.

— Жанжал бўлади, тоза жанжал бўлади-да! — Ярим соатдан сўнг иккаласи шаҳарнинг нариги чеккасидаги кичик бир эшик олдида тўхташганда Бричковнинг Ҳожияга айтган биринчи сўзи шу бўлди. Бу ерда кўкатчи болгар яшарди, улар шу уйда тунамоқчи бўлишиди.

— Қани, тақиллат,—деди Ҳожия, атрофга аланглаб қоронфиликка тикилар экан: у ҳалигача орқадан бирор қувиб келишидан хавфсирап эди.

— Бунақанги комедияни қандай ўйлаб топдинг? Биласанми, бугун сал бўлмаса ишим пачава бўларди: тўлашга бир мири йўқ, яна руминни ҳам дўпосладим... Ҳа... тўхта... менга қара. Чўнтағимдаги анов тўрт франк пул йўқолди. Аниқ эсимда, бугун тушки овқатдан кейин қараганимда ҳам турган эди. Бирор ўғирлаб қўйипти.

— Яхшики эсимга солдинг: сен ухлаб ётганингда бу пулни мен олган эдим.

— Сен-а?

— Олганим жуда яхши бўлган, бўлмаса Аслан бугун «Париж»га кириб уч капуцинер¹ ичипти, учта ширин кулча ебди, тўрт рюмка ромни урипти... Билаяпсанми, уч кундан бери туз тотмаган, чўнтағида ҳечнарса йўқ... Шундай чиқиб кетолмасди. Эртадан кечгача ўтириб қуляй пайтни пойлайди. Унинг пули йўғини сезган официантлар този итдек ўраб олишган... Эшикка тикилиб-тикилиб қўяётганини сезиб, дарҳол ҳисоб қилиб тўрт франкни қистаб қолишади... Бу пулни қаёқдан олади дейсан? Худди шу вақтда мен кириб қолдим. Қарасам — жанжал кўтариладиган. Аслан муштлашишга ҳам тайёр бўлиб турипти. Полицияга одам юборишадиган... Ҳамманинг кўзи унда. Аблаҳлар болгарларни бу ерда ҳам шарманда қилмасин, бўйинни ерга эгмасин деб уларни, то мен бориб тўрт франк пулни олиб келгунимча шовқин-сурон кўтармасликка кўндиридим...

— Жуда яхши қилгансан. Уни қутқариб олдингми ишқилиб?

— Албатта.

¹ Ликёрнинг бир тури.

— Ўалодан уни ҳам худди мендақа қутқазибсанда. Ҳа, айтчи, Ҳожия, мусофирихонадаги ёнғинни қандай сезиб қолдинг?

— Ана, эшикни ҳам очишаётганга ўхшайди... «Париж»дан қайтиб келаётганимда, сенинг хўжайинга қилаётган ширин муомилангни анча-мунча жойдан эшитдим у, дарҳол ўйладим. Кўрдингми, мендаги ақл блан бутун империяни бошқарса бўлади. Қани, кир ичкарига!

Эшик очилиб, дўстлар уйчага кириб кетишиди.

VII

Февраль ойининг бошлари эди. Шимоли-шарқий томондан эсаётган рус шамолидан ҳаво муз каби совимоқда. Ранги қув ўчган Бричков хаёл сурн, Браила шаҳрининг бўмбўш бир чеккасидан юриб келарди. Мусофирихонадан қочишгач, улар, Ҳожия иккаласи, шаҳар чеккасида, аввал ташландиқ тегирмонда, кейин, томи тешилгац, ойналари синиб кетган аллақандай бир вайронада кун кечиришиди. Кун кечиришиди эмас, балки туннинг иккинчи ярмини ўтказиб юришиди. Қолган бошқа вақтда улар илиқ қаҳвахоналарда ўтиришар, у ерда ўзларини қийнаётган очлик азобини бир амаллаб босиш учун ҳозирги сиёсий воқиаларни мулоҳаза қилишар, «шарқ масаласини» ҳал қилишарди. Лекин тун ярим бўлгач, официантлар дераза пардаларини тушириб, бўшаб қолган залдаги столларни йигиширишар экан, икки дўст ғамгин қиёфада ўз уйчаларига кетишар, қишки совуқда дийдираб оч қорин блан ухлагани ётишар эди. Икки дўст ихтиёридаги улкан ғишт пеҷъ доим уларни совуқ ва илтифотсиз қаршиларди; роҳатбахш илиқ ўрнига бу пеҷъдан шундай даҳшатли совуқ чиқар эдики, ҳар кун эрталаб Ҳожия унга Руминиянинг энг паст қовоқхоналаридан йиғиб олган болохонадор сўкишларни чепаклаб афдаарди. Уларнинг биргина озиғи, у ҳам бўлса икки кунга ўн банилик кичик буханка нон эди; Ҳожия ҳафтасига уч марта, канда қилмай, бу нонни қандайдир бир раҳмидил ноивойдан олиб келарди. Ишибиларман Ҳожия ба'зан қаҳвахонага кириб, ўзи ҳамда Бричков учун бир-бир стакандан кофе сўраб оларди. Ба'зida у, Македонский каби абжирлик блан фрибгарлик қилиб карта ўйнарди. Ютган пулини (у доим ютарди) қашшоқлашиб қолган болгарларга ёрдам ва тамаки олиш учун

· сарфларди. Қанчалик камбағал бўлса ўз иззат-нафсини шунчалик қадрловчи Бричков ўзи учун ҳечнарса сўрай-олмас эди. У, Ҳожиянинг қистови блан икки марта отасидан пул сўрамоқ учун хат ёзишга ўтиридан ва ҳаргал ҳам жаҳъл блан хатни парча-парча қилиб ташлади. Џарбадарлик ва муҳтоҷлик унинг баҳтли күпларидағи улуғвор ва гўзал, лекин, афсуски, қиши совуғи ва очлик туфайли бошланадиган бош айланишга қарши оқиз бўлган фурурини ҳам эгаолмас эди.

Ҳозир у аста қадам ташлаб, чуқур хаёл ичида бораради.

Бундан икки кун илгари Ҳожияни қамаб қўйдилар; бунга сабаб, афтидан, мусофирихонада бўлиб ўтган жанжал эди. Бу икки кун мобайнида Бричков туз тотмади.

У, ўз поэмасининг маҳаллий болгар дўконида ётган ташландиқ қақир-қуқирлар орасидан топилган бирнеча нусхасини бадавлат болгарлардан биронтасига сотиш учун олиб бормоқда эди. Ҳожия шундай қилишни илгарироқ маслаҳат кўрган, Бричков эса, ниҳоят, энди бунга бел боғлаган эди. Очдан ўлмаслик учун бу сўнгги воситага мурожаат этишга уни муҳтоҷлик мажбур этган эди. У садақа сўрашнинг бу усулидан бутун вужуди блан нафратланар, бу ҳалол иш бўлса ҳам, кишини хўрлар эди. У, ўхтин-ўхтин тўхтаб, қўлидаги китобларни улоқтириб уйга қайтгудек бўларди. Кейин яна йўлда давом этарди. «Йўқ,— дерди у ўз-ўзига,— менинг бу ишимни виждонсизлик ёки одобсизлик деб бўлмайди. Бундай усул блан лоақал вақтинча азобдан қутилиш мумкин бўлгандан кейин итдай очдан ўлиб кетиш тентакли... Мен бўлсан бирон фойда келтиришим мумкинлигига ишонман... Ҳали бирон ишга яраб қоламан. Ундан кейин, ҳали мен ҳечкимдан садақа сўраганим йўқ... Ӯғирлик қилгани ҳам кетаётганим йўқ, нимадан уяламан! Бошқалар бўзини, ишчи меҳнатини сотганидек, мен ҳам ўз китобимни сотаман...» Бричков яқинда ресторонда бирнеча йигит унинг поэмасини мақтаганини (бу унинг учун баҳтиёр дақиқалар эди), бадавлат болгар Х. эса, асар ҳақида анча дуруст фикр айтгани ва ҳатто уни қаердан сотиб олиш мумкинлигини сўраганини хотирлади. Эй тангirim! Сан'ат ва поэзиянинг қадрига етучи кишилар дун'ёда жуда кўп!. Улар орасида ватанпарварлар ҳам, бадавлат кишилар ҳам бор... Фақир болгарнинг китоби учун бир франк бериш уларга чўтми? Бу пул уларнинг ҳам-

ёнини қуритиб қўймайди-ку, улар бир нонушта ўчун бутун бошли франкни тўлаб кетишади ахир. У эса, бу бир франк пулга тўрт ва балки бугун бир ҳафта кун кўради. Яна бу болгарча янги китоб ва унинг номи... нега уни сотиб олмасин? «Ростини айтганда мен аҳмоқман,— деб таскин берди ўзига,— нимадан уяламан? Ўғирлик қиласи бўлмаса» Бричков шу фикрлардан кўнгли қўтарилиб, шаҳар маркази томон юриб кетди.

Аммо у, ўз-ўзини алдамоқда эди. Унинг дилида бошқа бир овоз-таҳқир этилган иззат-нафс ва хўрланган ғурур овози гапирмоқда эди. У аллақандай қаҳрамонона бир ишга бораётгани, ўз-ўзини хўрлаётгани, ҳечкимга керак бўлмаган китоб учун садақа сўраётганини ҳис қилас, бунга ўзи иқрор бўлишни ҳам истамасди. У ўз тасаввуррида валийнен матнинг хайрҳоҳлик, раҳмдиллик ёки жирканиш ифодаси акс этган (ахир бунинг бир-биридан фарқи йўқ) юзини кўрар ва бундан унинг пешонасини совуқ тер босар эди.

Шу онда у ўғирликни афзал кўрди.

Лекин ўғирликни билса кошки эди!

Айни вақтда у блан учинчи бир овоз, шафқатсиз ва фавқулодда зўр кучга эга бўлган аллақандай бошқа бир овоз сўзлашибошлади. Бу ҳарқандай андишани рад этўчи, ҳечқандай мантиқа бўйсимвовчи очлик овози эди.

За'фарон юзи ингичка тортиб, ўзгариб кетган Бричков қовоғини солди, ғазаб блан лабини буриб, гардонини қашиди-да, ўйга толди. Унинг кўксидан bemажол, мажхул ва давомли бир фифон узилиб чиқди.

У яна йўлида давом этди.

Бричков ҳозир яп-яланғоч, бўм-бўш ва ғамгин кўринган шаҳар боғини шоша-пиша айланиб бориб, дўконлар, қовоқхоналар ва карvonсаройлар ёнидан ўтган тор, лекин анча серқатнов кўчалар бўйлаб кетди ва ҳечқаёққа алангламай тўғри бадавлат савдогарларнинг дўконлари ўрнашган кўчага қараб юрди.

Бу жойда одам сероб эди. Қаттиқ совуққа қарамай шаҳарнинг бу қисмида савдо-сотиқ қизғин эди. Бричков лсақал биронта бойни кўраман деб, атрофга беихтиёр аланглар эди. Унинг кўзлари тинар, оёклари толар, пешонасини яна совуқ тер босарди. У бойни қидиарди, лекин айни замонда бу даҳшатли валийнен мат учрамаса яхши эди, деб ўйларди. Бричков ўткинчиларнинг юзларига тикилиб қарап, лекин тасодифданми ёки у ҳаддан

ташқари ҳаяжонланиб, хижолат тортганиданми, ҳарқалай бирор танишни учратмасди. Унга учраётганларнинг ҳаммаси бегона, лекин шу блан бирга кўнглига яқин, яхши одамлар эди. Гўё унинг елкасидан тоғ ағдарилган-дек бўлди. Очлик йўқолди ва у худди даҳшатли хаёлатдан қутилган каби чуқур тин олди.

«Яна яхши бўлди!»—деб ўйлади у ва шошилиб орқага қайти.

Лекин шу пайт Бричков яқингинада ўзига қараб келаётган, унинг поэмасини мақтаган ўша болгар X. ни кўрди-ю, данг қотиб қолди. У бир зум нима қилишини билмай қолди; қочишга ҳам тайёр эди, кейин ўзини тутиб:

— Нима бўлса бўлар! — деб ғўлдиради.

Бричков бир тўда китоб ичидан ўз поэмасининг бир нусхасини олиб, бойнинг қаршиисига юрди.

Қимматбаҳо пўстин кийган бой X. дўконга кириб кетаётган эди, тўғри шу ёққа келаётган Бричковни кўриб тўхтади.

Бричков шляпасини бошдан олмайтуриб, у блан сўрашди ва суд қилинаётган айбдордек титроқ овозда деди:

— X. жаноблари... Мен сизга ўз китобимни олиб келдим... билсангиз... Сиз бир гал бу китобни... шунинг учун мен...

Унинг овози бўлиниб қолди.

X. қўл узатиб китобни олди. Уни варақлаб, анча вақт муқовага тикилди, сарлавҳани ўқиди, бирнече марта йўталиб қўйди ва ниҳоят деди:

— Жуда яхши... Демак, бу китобни сиз ёзибсиз-да?

— Ҳа.

X. муқовага яна бир марта назар ташлади, алланарсани ўқиди, китобни Бричковга қайтариб берди ва совқотган қўлларини бир-бирига ишқар экан деди:

— Шундай дeng, Бричков жаноблари... Мен Еленадан бир сўраб кўрайчи, бу китобдан олдимикин. Агар олмаган бўлса кейинчалик биттасини оларман.—У табассум блан бош эгди-да, дўкон эшигидан ичкари кириб кетди.

Тарашадек қотган Бричков кўчада қолди.

Унинг боши айланар, кўзи тинарди. Йўловчилар уни туртиб ўтишар, у эса фақат бироз четланиб ҳамон йўлкада турагер эди. У ўзининг бутун юрак ҳислари қўйилган, неча-неча тунларни уйқусиз шунга бағишлилаган ва ниҳоят

унинг бутун ҳаёт-мамоти боғлиқ бўлиб қолган поэмасига умидсизлик блан боқар эди. Поэма унга ғоят аянчли, кераксиз ва ярамас бир нарса бўлиб кўринарди. У ўзини ҳам жуда почор ва бачканга одам ҳис қиласарди. Унинг таҳқир этилган иззат-нафси ғазабга келган эди. У ҳаллослаб нафас олар, ранги қув ўчган, худди яралангандиркичдек қутуриб кетган эди.

Бричков китобларни улоқтириди-да, бутунлай эси оғиб Дунай томонга юриб кетди.

Дар'ё соҳилига яқинлашгач, ҳамон ўзига келолмай, тараддузданиб тўхтади.

Қирғоқдаги музлагани дар'ёнинг қорамтири сатҳида катта музлар оқиб келарди. Қор блан қопланган болгар соҳили қаршидан унга совуқ ва илтифотсиз назар ташларди. Табиатни ҳам худди Бричковнинг дили каби қоронғилик ва умидсизлик чулғаган.

Ногоҳон таниш бир овоз уни бу хаёлатдан қутқарди. Бричков ўгирилиб қараса Владиков экан.

— А, Бричков! Бу ерда нима қилиб юрибсан? Туркияга қарши фитна кўтаргани келганинг йўқми, ишқи-либ? — деб хитоб қилди Владиков ва унинг қўйини олди. — Ё тангрим, сенга нима бўлди? — чўчиб кетди у, Бричковнинг пахтадек оқариб кетган юзини кўриб.

Бричков унга совуқ ва бепарво назар ташлади-ю, индамади.

— Ия, а'зойи-баданинг яхлаб кетипти-ку! Юр бүёққал Бизнинг ҳурматли шоирга нима бўлди, ахир, сўзлаб бер.— Владиков шу сўзларни айтгач, уни қаҳвахонага судраб кетди.

Ҳаяжондан ҳали ўзини тутаолмаган Бричков, иссиқ чой ичиб ўзига келгач, аҳволини батафсил сўзлаб берди.

Владиков тутоқиб кетди.

— Чорбаджи! Бойлар, бераҳм ҳайвонлар! — деб қичқирди у мушти блан столни ураган; ғазабидан унинг юзи ёниб кетган эди. — Бричков дейман, сен ҳам ўзингни хор қилиб, келиб-келиб ўшаларга ялиндингми? Йўқ, сен яшашни билмайсан! Юр мен блан бирга, бизникига... Менинг уйим — сенинг уйинг.

— Раҳмат, раҳмат Владиков,— деб ғудурларди кўнгли бўшаб кетган Бричков.

— Ахир Странжа ўлаётганида сен унинг олдидан узилганинг йўқ эди, буни мен яхши биламан... Энди

очликдан абгор бўлиб қолибсан-ку, бундан мен бехабарман!.. Нималар ўйлаб юрган эдинг?

Владиков Бричковга ачиниб тикилар эди. Унинг озибтўзгани юзи, жулдур бўлиб кетган кийими ва умуман аянчли қиёфаси ҳаркимнинг раҳмини келтиргудек эди. Владиков фақат алам блан эзиларди.

— Мен ҳам биродар, бу кунларни кўрганман... Ҳатто бундан баттарроини кўрганман. Хор-зорлик менинг ҳам бошимдан ўтган... Бу ла'нати хўрлик азобини тортиш, оҳ! Мен турмушдан, ҳаёт учун курашдан, бошқа ҳар турли қабихликлардан чарчаганман, ҳа. Биз нега яшаемиз, буни биладиган фурсатлар яқин ўртала келармики? — дерди Владиков ғамгин ҳолда, оромбахш илиқ ҳовур келиб турган уйнинг эшигини очар экан.

— Ўтири Бричков, исин. Бу балдахт совуқнинг кучайиб кетганини қара-я!.. Петр тезроқ бориб овқатни келтир,— деди Владиков қоровулга, қимматбаҳо мовут пўстин блан қоракўл қалпогини ечаркан.

VIII

Орадан икки ҳафта ўтди. Бричков Владиковнинг уйида яшамоқда эди. Владиков уни боқди, кийим-бошини тузатиб қўйди. Кўп азобларни тортган Владиков мусофир юртда чақасиз қолиш нимә эканлигини яхши билар ва бошқаларнинг мусибатларига ҳам раҳм-шафқат блан қаради. У, тақдир томонидан азоб-уқубат, муҳтожлик, атрофдагиларнинг хурофоти ва совуқ муносабати блан кураш йўлига улоқтирилган Бричковга ғамгин боқар эди; ахир энг кучли табнатга молик бўлган кишилар ҳам бу йўлдан боришга тоб беролмай ҳалок бўларди.

Бир куни Бричков уйда ёлғиз ўтиради; кимдир эшикни тақиллатмай, куч блан итариб очди-да, тўғри ичкарига кириб келди.

Бу киши Македонский эди.

— Салом биродар! — деб бақирди у, Бричков блан ўпишаётисб,— икки кундан бери сени қидирмаган жойим қолмади; сен бўлсанг ҳечнимани ўйламай-нетмай иссиқ жойда мушукдай буқиниб ўтирибсан... Сенга Ҳожиядан салом.

— Ростданми, уни бўшатишдими? — деб сўради хурсанд бўлиб кетган Бричков.

— Бўшатишди, я'ни тўғрироғи, уни ўтган куни мен

бўшатдим, ҳозир у кулбада маза қилиб сенинг поэма-
нгни ўқиб ётипти... Убба жин ўргурей! — деди Македонс-
кий уйга аланглаб,— бу каззоб Владиков тўра бўлиб
кетипти-ку... Биз пати чиқмаган жўжалардек совуқда
дир-дир қалтираб юрибмиз... Майли, бизга барибир...
Сенга бошпана берипти-ку, ахир яхши-да... Энди сен
румин совуғидан ҳам, румин очлигидан ҳам қутилдинг...
Хўш, аҳвол қалай? А? Қани бир қараб кўрайчи, хумпар
Владиковнинг мана бунисида нима бор экан. Гаримдори
солинган колбаса чиқиб қолса-я?

Бу сўзларни айтар экан Македонский девор шкаф
олдига бориб уни бемалол очди. Шкафдан каттагина кол-
басани олди-да, узун пичоқ блан катта-катта кесиб оч
кўзлик блан поққос туширакетди.

— Ҳид билишда йиртқичдан ҳеч қолишмайсан,— деди
жилмайиб Бричков,— тағин ҳаммасини уриб қўйма...
Бўкиб ўласан-а.

Македонский колбасани ўнги-терисига қарамасдан
еб туриб, ҳарзамон бир мўйловини силаб қўярди.

Сўнг у, қўлини яна шкафга тиқди, ундан бир шиша
вино олди ва ютоққандек уни ҳам бир кўтаришда
қуритди.

— Тўйга борган Краль Маркога¹ ўхшаб еб-ича-
сан-а... Эсингдами? Владиковга ўзинг жавоб берадиган
бўлдинг, энди... Шу вақтгача қаерда йўқолиб юриб
эдинг?

Македонский колбасанинг сўнгги бўлагини еб, даст-
рўмол блан оғзи ва мўйловини артди, кейин пичоқни
белбоғига қистириб олиб деди:

— Қаердан келдинг дейсанми? Богдан ёнидан кел-
дим... Нега десанг—ла'нати мамалигахўрлар² мени
қишининг ўртасида ишдан бўшатиб юборишиди.

— Сени ишдан бўшатишдими?

— Аниқроқ биламай десанг: мени муттаҳам деб ҳай-
даб юборишиди.

— Яна бирорта «қаҳрамонлик» кўрсатдингми? Яқин-
да бизда ажойиб ишлар бошланиб қолса керак, бундан
хабаринг борми? Болгарияда бунга тайёргарлик бош-

¹ Краль Марко — Болгар ва серб халқ эпосининг қаҳрамо-
ни, турк босқинчиларига қарши жанговар курашли.

² Руминлар демоқчи.

ланган. Биз ҳам бу ерда нима иш қилишимиз кераклигини ўйлашимиз лозим... Билдингми?

— Ура! — деб бақирди Македонский.

— Биз ўзимиз, ўз кучимиз блан отряд тузишими керак... Бойлар қаршилик кўрсатишайти, лекин биз ишни уларсиз ҳам битирамиз... тушундингми? Бу отряд Сербияга боради...

— Қойил, Бричков! Сендан ажойиб хэш чиқади девдим-ку! Қойил! Албатта Сербияга боради! Биз Сербия орқали ўтамиз. Бу турк итлари сен шे'рингда айтган «Сокин оқ Дунай»дан чумчуқни ҳам ўтказишмайди... Эҳ, бу иш учун яна бир шиша винони оппоқ урсанг арзийди... — У яна бир шиша винони чиқариб баланд кўтардида: — Яшасин озодлик! — деб хитоб қилди ва бир томчи қолдирмай ичди.

Бричков қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

— Бунақа карнай иштаҳанг блан бор-йўқ озиқни шипириб кетасан-ку. Ўзингни тий, Македонский! Ватандошинг Александр Македонский ҳам ўзини тиёлмаганидан ўлган, эсингдан чиқарма.

— Нима қипти, унда мен ҳам улуғ зот сингари ўлар эканман-да. Сен авлиё Иван Кукузельга ўхшаб беш кун суринкасига рўза тутиш нималигини билмайсан, биродар... Агар мен шу кунларда ўлганимда тўппа-тўғри жаннатга тушар эдим, сўзимга ишонавер.

Эшик аста очилиб, Владиков кириб келди.

— Оҳ-о-о, Македонский! Хуш келибсан! Қаерларга йўқолиб кетдинг? Ўзинг ҳам худди ўлмас жуҳуднинг ўзгинасисан! — Владиков унинг қўлини маҳкам қисди.

Аммо Македонский бунга қаноатланмай унинг лабидан уч марта ўпид олди.

— Ия, бирор жойдан ичиб олгансан шекилли? Хўш, ишларинг қалай? Нима янгиликлар бор?

— Сенга ҳамма молдаванлардан салом. Менга қара Владиков: мен тайёрман! Бричков янги планни гапириб берди, мен ҳам унга қўшиламан... Сербиядан ўтган мақул...

— Ўтири, ўтири, бу тўғрида сўзлашамиз,— деди Владиков, ловиллаб турган печь ёнидаги стулга бемалол ўрнашиб олиб.

¹ Улмас жуҳуд — Абадий саргардонликка маҳкум этилган яхудий Агасфернинг (ўрта асрларда ёзилган) афсонавий образи.

Лекин, бўшаб қолган очиқ шкафга кўзи тушгач, ярим ҳазил, ярим жиддий қиёфада меҳмонга мурожаат илди:

— Бу қанақаси оғайни, мени яна шипшийдан қилингми?

— Яшасин коммунал — деб хитоб қилди Македонский шўх, чақноқ кўзларини ўйнатиб.

Владиков ички чўнтағидан конверти очилган хат тиқарди, уни ўқиди, сўнг яхшилаб тахлаб яна яшириди ва Бричков блан Македонскийга диққат блан тикилиб, жиддий тусда гапирди:

— Кечаки мен Бухарестдан иккинчи хатни олдим. Козир у жойда ўртоқларимиз актив ишламоқдалар. Улар Шаҳорда Сербияга отряд юбориш керак, деган қарорга келганлар. Ғайрат блан ишга киришиш керак. Панайот нинг ўзи ҳам Бухарестга келмоқчи бўлган. Болгар халини қўзғаб қўйиш зарур. Тўғрими? Сен, Македонский, Браилада қоласан. Бу ерда кераксан.

Македонский Владиковнинг буйруғини эшитгач, худди хафа бўлгандай унга тикилиб қолди.

— Бу ерда қоламанми, йўқми — бу менинг ишим,— деб ғудурлади у, қовоғини солиб.— Мендан нима истайсиз, шуни шартта айтинг қўйинг. Агар Мидҳат подшоҳнинг қўл-оёғини боғлаб келтириш бўлса ҳам тўғри айтиверинг... Македонский очликдан қочсаям, ўлимдан ўзомайди. Агар сиз уни билмасангиз, ўзингизга мон.

Бу сўзларни айтаркан Македонский зарда блан мўйловини бураб қўйди.

— Поп келмасдан жаноза ўқима,—қовоқларини солиб щеди Владиков,— иш жиддий. Браила ва унинг атрофидаги ҳамма йигитларни Бухарестда йифиладиган ўртоқларга қўшиш учун бир жойга жам’лаш керак. Бу иш сенга топширилади, Македонский.

— Бўпти. Мен йигитларни тўплаб, керакли жойга ўзим бошлаб бораман.

— Бу ишларнинг ҳаммасини гардонингга оласанми, Македонский?

— Ҳаммаси бажо келтирилади.

— Ҳўш, бунга маблағ қаердан олинади? — сўради Бричков.

Владиков ўйланиб қолди.

— Бу хусусда хатда ҳеч тап йўқ. Жин урсин! Йилларга кийим-кечак, озиқ-овқат учун маблағни ким бер экан?..

Македонский сирли бир қиёфага кириб, дадил гапиди.

— Бундай ишлар учун маблағ берилмайди, олиналар Владиков унга савол назари блан боқди.

— Гапингга тушуммаяпман.

Македонский хўмрайиб қолди.

— Бўлмаса мени маст, гапирган гапини ўзи тушуммаяпти, деб ўйлар экансан.

Шундан сўнг у қўлларини чўнтакка тиқиб, бир бу чақда жим ўтираверди.

Македонский ҳамиша вино ичганда дастлаб жуқувноқ кайфиятда бўлар, кейин хафа бўлиб қолард. Унинг табиати ўзи шундай эди. Шунинг учун Владик бунга аҳамият бермай Бричков блан суҳбатни давс эттирди.

Хэшлар муаллимнинг уйида янги планни муҳокама қилиб, хуфтонгача ўтиришди. Кайфи тарқаган Македонский пул берилмайди, олинади деб, яна исбот қиласабошлади. Броқ улар ҳечқандай хulosага келишаолмади. Кўйтмай Владиков театрга кетди, унинг қандайдир болгатанишлари ложадан жой олиб таклиф қилишган эд Македонский блан Бричков ёлғиз қолди. Улар яна анвақтгача гаплашиб ўтиришди, ниҳоят Бричков ухла қолди. Македонский гўё аллақандай оғир бир ташвиш енгмоқчи бўлгандек бошини қўллари блан қисиб, ҳампечка ёнида ўтирас эди. У, қарийб ярим кечагача 1 ҳолатда ўтиреди. Кейин ўрнидан турди, қотиб ухлаётг Бричковга дикқат блан тикилди, унга астагина «хайр тун» тилаб, оёқ учида хонадан чиқиб кетди.

Эрталаб уйқудан турган Бричков, аллақачон кийин олиб, ўйчан, бесаранжом бир қиёфада хонада ўён-бу юраётган Владиковни кўриб ҳайрон бўлди.

— Бричков,— деди у, дўстига яқин келиб,— шу ке кўнгилсиз бир ҳодиса рўй берди.

— Ҳодиса?

— Менинг бутун кийим-бошларимни ўғирлаб кетшипти.

— Нима? — Ҳаяжонга тушди Бричков.— Мен ҳечна са билганим йўқ-ку... Наҳотки бутун кийим-бошни оли кетса?

— Ҳа. Кечаси қайтиб келиб қарасам, шкафим бўшаб қолипти... Македонский қай вақтда кетган эди?

— Билмайман... Ухлаб қолган эдим.

— Бу худди ўшанинг иши. Қасам ичаман, буни Македонский қилиб кетган.

Таажжубдан Бричков анграйиб қолди.

— Қоровулнинг ҳайвонлигини айтмайсанми, қотиб қолипти, ҳечнарсани эшитмапти ҳам. Буни кўргинки, фақат менини эмас, сенинг нарсаларинг ҳам ўғирланган.

— Демак, мени ҳам шилиб кетишипти-да?— деб сўради Бричков атрофга ҳовлиқиб аланглар экан.

— Сени ҳам, мени ҳам. Нима қилдик энди! Бу муттаҳамни қидириш керак.

Владиков қалпоқ ва таёқчасини олиб эшикни очган эди, оstonада Македонский блан тўқнаш келиб қолди.

— Салом, Салом!.. Жуда барвақт туриб кетибсизлар у!— деди у қувноқ овоз блан бамайлихотир жилмайиб.

Владиков унга жавоб ҳам бермай, газаб блан тикилиб турарди.

— Бугун яна қаттиқ совуқ бўлаяпти.— деди сўзида давом этиб Македонский, ойна олдида бўйнига галстук ўрнига қизил рўмолча боғлаб туриб.

Ниҳоят Владиков гап бошлади.

— Македонский,— деди у астагина,— бугун бизни-кига ўғри тушипти.— Македонский бақрайиб қолли.

— Бутун кийим-бошларимизни олиб кетипти: менини ҳам, Бричковникини ҳам.

— Шу бугун кечаси-я?— таажжуб блан сўради яна Македонский.

— Ҳа.

— Ахир мен ярим кечагача шу ерда эдим-ку!

— Ундай бўлса, ўғри қандай қилиб кирган, бунисига тушуниб бўлмайди. Мен уйга соат ўн икки яримда келдим; қарасам ҳечнарса қолмапти.

Македонский оҳ-воҳ қилиб, таассуф билдири; ноинсоф ўғриларни койиди; нега ўзи бу нарсадан бехабар қолганига ҳайрон бўлди ва бу жойда эрталабгача қолмаганилиги учун ўзини ўзи койиди; бу ёвузларни топиб, қонга беламоқчи бўлди; дурустроқ бир полицияси йўқ деб, «мамалитхўрлар»ни сўкли, бунинг аламига полиция бошлиғининг ётоқхонасидаги бутун буд-шудни кўтариб чиқажагини, буни ҳатто «мамалитхўрлар»га ҳам сездирмаяжагини айтди; Бричковга раҳми келиб, унга самимий

таассуф билдири ва бу ўғирлик уни жуда ғазаблантириб юборгани ва у ўғириларга нисбатан қанчалик аламзада бўлганлигини кўрсатиш учун мингларча даҳшатли сўзлар айтиб момақалдироқ гулдиратди ва яшин чақнатди.

Шундан ярим соат кейин тор бир кўчада Македонский пакана букри яҳудий блан учрашди. Бу эскифуруш эди.

Улар анча вақтгача пичирлашишди... Кейин Македонский аллақандай, хайдукча қўшиқни ҳуштак блан машқ қилиб кўчанинг нариги бетига ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди.

У шаҳар чеккасидағи Попченинг Ҳожия иккаласи бошпана қилган кулбасига қайтиб, ўз дўстлари блан учрашди. Попче Ҳожияга қандайдир бир қўл ёэмани ўқиб берар ва қаҳ-қаҳ уриб куларди.

Македонский бош қимирилатиб улар блан саломлашгач, ҳали йигиширилмаган ўрнига қалпоғини ташлади ва оғир тин олиб, унга ўзи ҳам ағанади.

Бирнече вақт жим ётгаҳ, у чидайолмасдан гап бошлади.

— Бугун Владиковникига ўғри тушганидан хабарларинг борми? — Попче ўқиши тўхтатди:

— Нима дейсан? Бўлмаган гап!

— Мен ҳозир ўшаёқдан келаяпман. Унинг бутун кийимбошларини ўғирлаб кетипти.

— Шуми? Ҳеч гапмас. Баҳс бойлайманки, унинг кийимларини Зильберштейн ўғирлаган эмас,— деди Ҳожия (Зильберштейн шаҳарда тайёр кийимлар сотадиган энг бадавлат савдогар эди).

— Лекин биласанми, мен бемаза аҳволга тушиб қолдим, ўйлаб қарагин! Мен бу ишдан мутлақо бехабар эканлигимни айтиб, роса гапирдим, ишонтиришга уриндим. Үзинг ўйлаб кўр — қандай бўлмағур аҳволга тушиб қолганман...

Ҳожия кулиб юборди. Македонский овозини пасайтириб сўзида давом этди: — мен ярим кечагача Бричковнинг уйида у блан бирга эдим, ҳа, дарвоқи' Бричков сенга салом айтди... Бричков блан бирга эдик... Владиков театрга кетган эди. Ҳа, ҳа, Владиков театрда эди... Ундан кейин мен ҳам кетдим... Кейин қарабсанки, худди мен эшикдан чиқишим бланоқ уйга ўғри кириб, бор-йўғини кўтариб кетипти... ҳа, ҳечнарсани қолдирмапти. Тушунаяпсанми? Менинг аҳволимни бир ўйлаб кўргин... келиб-

келиб тӯғри одамдан гумон қилишади... Ҳа, тӯғри одамга тақалади. — Македонский руминчасига боплаб сўкиниб олди.

Хожия унга муғомбирона қараб қўйди-да Попчега ўгирилди...

— Қани Поп, ўқи, буёғини ўқи.... Македонский, Поп-га қулоқ сол, у Петрескунинг ша'нига памфлет ёзилти.

— Кимнинг ша'нига? Ҳалиги руминга айланадётган Петровнинг ша'нигами? Бу эшакнинг та'зирини бериб қўйиш керак.. Ўқийвер, Поп!

Попче йўқ соқолини одати бўйича бирнечча марта силаб қўйди, мағрур қиёфада эшикка бир кўз ташлаб э'тибор блан қўл'ёзмани бошдан ўқиди:

— «Эҳ, отагинам Петреску...»

— Ия, ше'р блан ёзилганми? — хурсанд бўлди Македонский.

Попче ҳа дегандай фурур блан бош қимирлатиб қўйди.

Миянг йўқдир тариқча!
Қарғамисан ё зағча...
Хиёнат қилиб халқингга,
Сотилдинг мамалигага...

— Йўқ, йўқ... негадир унча қовушмаяпти... — безов-таланиб қолди Македонский, бундай қофиялардан уннинг поэтик ҳиссиёти таҳқирланган эди. — Бундай сатрларни қофия қилиб бўлмайди. «Хиёнат қилиб халқингга». Ундан кейинги сатр қандай эди?

Попче хиёл хўмрайди-да, қайтариб ўқиди:

Миянг йўқдир тариқча!
Қарғамисан ё зағча...

— Бунисини эшитдим, буниси сал-пал эпақага келган,— илтифот блан ма'қуллади Македонский.

Попче давом этди:

Хиёнат қилиб халқингга,
Сотилдинг мамалигага...¹

— Буниси ярамайди... Бирида «халқингга», бошқасида «мамалигага» бўлган,— деди Македонский ўз билармонлик блан талтайиб.

— Йўқ, яхши, жуда яхши! — деб сўзга аралашди Хожия,— нега ярамайди? Халқингга-а-а... мамалигага-

¹ Мамалига—жўхори бўтқа (рум.).

а-а... кўрдингми, иккаласи ҳам «а» ҳарфи блан тамом бўлаяпти... Уёғини ўқийвер, Поп... уёғи яна яхши.

Попченинг рангпар юзи роҳатбахш табассум блан ёришди. У йўқ соқолини яна бир силаб қўйиб, ўқишда давом этди:

Қорнингни семиртирмоқдасан
Қашшоқлар хисобидан!
Эй, Петреску...

— Тиши!.. — деди унга Македонский зарда блан,— сен оғайни, ше'р ёзишни суралардан ўргангандга ўхшайсан... Мени кечиргин-у, лекин Баришниковнинг қовоқхонасида скрипка чаладиган Генко Ланджуняк ше'рни сендан дурустроқ ёзади.

Попче бундай қаттиқ масхарага чидайолмади. У ше'р битилган қофозни яхшилаб тахлади-да, зарда блан қўйнига тиқиб, заҳарханда блан деди:

— Сен ше'рдан нимани билардинг... Тавбал Ахир ҳеч-балони тушунмайсан-ку! Ше'рда ҳамма нарсани ёзаверади: мен сенга «О българ-рода»¹дан ўқиб бераман, истайсанми? Мана кўрасан, шоирлар ҳам шунаقا ёзишади. Ше'рда ҳарқанақа ёзиш мумкин...

Попче дарров қўйнидан бир китоб чиқариб ўқимоқчи бўлди.

— Буёққа қаранг, Бричков келаяпти,— деди бирдан Ҳожия ойнага қараб.

Эшикдан жулдир кийимда ҳаллослаб Бричков кириб келди.

— Мана Бричков ҳам етиб келди... Попче ше'р ёза-бошлими, йўқми, у ҳозир айтади-қўяди! — деб қувониб кетди Македонский.

Бричков ҳамма блан сўрашиб чиқиб, Ҳожияни тюрьмадан бўшаб келиши блан қутлади ва:

— Жаноблар, мен олдингизга муҳим бир иш блан келдим,— деди.

Македонский гуноҳкор одамдай унга қараб қўйди.

— Муҳим янгиликлар бор,— деб сўзида давом этди, Бричков.— Бухарестдан яна одам келди. Юринглар тезроқ, Владиковнинг уйида йиғилиш бўлади.

Кўп ўтмай уларнинг тўртталаси муаллимнинг квартирасига етиб келишди.

¹ К. Сапунов томонидан Болгария тарихи бўйича ёзилган бадном асар; Христо Ботев бу китобни қаттиқ қоралаган.

IX

Мактабда бирнеча ватанпарвар ва талай хәшлар иғилишган эди. Владиковнинг олдидағи столда конеरти очилгандар хатлар ва бир даста «Свобода» газетаси тегар эди. Владиков ўзини ғоят жиддий тутар, лекин бу мүтлақо тунги ҳодиса сабабли эмасди. Бошқалар ҳам кийддий қиёфада әдилар. Афтидан уларнинг ҳаммасини түхим бир масала қизиқтирган эди.

Янги келган хәшлар салом-алик қилиб ўтириши.

— Биродарлар,— деб гап бошлади Владиков вазмин айта 'сирли оҳангда,— иш жуда муҳим. Биз мусоғир юртда хўб саргардон бўлдик, очлик азобини тортдик. Энди маълум бўлишича биз жонажон ватанимизга фойда келтирирадиган, Болгария учун яна керак бўладиган фурсат ижинлашиб келмоқда. Биз синовдан ўтишимиз зарур. Гурк золимлари ҳаддан ташқари ёвузилашиб, ваҳшийлашиб кетганлар, бу тўғрида «Свобода»дан ўқишингиз мумкин. Халқ қўзғалишга, ўзини беш асрдан буён қийнаб келаётган золимларнинг занжирини парчалашга тайёр; биз биродарлик қўлимизни ёрдамга узатишими керак. Шундай эмасми?

— Ёрдам бериш керак! — унинг фикрига қўшилди Ҳожия.

— Биз ёрдам беришимиз зарур! — деб қувватлади Попче.

— Золимларга уруш! — қизғин хитоб қилди Македонский.

Владиков бош қимирлатиб ма'қуллади ва сўзида давом этди:

— Бухарестдаги ўртоқларимиз Сербияга отряд юбоши фурсати келди, деб қарор қилишипти; отряд у ердан бийзинг қадрдон ватанимизга ўтади. Шу муносабат блан ўйеқдан одам келди. Улар биздан ёрдам сўрашаяпти, хўш, розимисизлар?

— Ҳаммамиз, ҳаммамиз розимиз!

— Яхши, бундан ташқари Браила ва унинг атрофидағи деҳқонлар ва бошқаларга ҳаммасини айтиб бериш керак, улар ҳам тайёр туришсин. Уларни албатта тўплаш зарур: бизда қанча куч борлигини билишимиз керак. Ўзу ишни Македонскийга топширайлик.

— Тўғри, Македонскийга топшириш керак.

Македонский ўз ташаккурини изҳор қилиб мажлисга ҳарбийча честь берди.

— Панайот отрядни Сербия чегарасида, Кладовода кутади. Болгарија эса, София округи комитетлари аҳолини тайёрлаб қўйган. Шаҳар аҳолиси ҳам, дехқонла ҳам тайёр. Левский ҳозир Рушчукда, Тонка¹ кампирнинг уйиди. Аммо у, буёққа ўтаолмайди. Унда бизга хабар қилиниши керак бўлган анча-мунча гаплар йиғилиб қолган. Қандай қилиб хабар олинса экан? Хат блан бўлмайди. Хуллас, унинг олдига ўртоқлардан бирини юбориш керак; бу одам довюрак ва эпчил бўлиши лозим; унг қўзғолоннинг плани, куни, энг муҳим нуқталари ва бошқа муҳим тафсилотлар тўғрисидаги барча зарур ма’луоматларни олиш вазифаси топширилади. Бундай мас’улиятли вазифани бажариш учун Рушчукка бориб Левски блан учрашаоладиган ва туркларга сездирмасдан қайтиш келаоладиган ботир ва эпчил киши керак. Ўзингизга ма’лумки, турк соҳилида ҳар юз қадамда биттадан қоровул туради. Бундай одамни ҳозир Бухарестдан топиш имкони бўлмади, энг мувофиқ кишилар топшириқ олиб кетишиди. Дунайни муз қоплади, қайиқнинг ҳам кераги бўлмайди. Айтайлик бир кечада, румин соҳилидан турк соҳилига ўтиш мумкин, лекин энг муҳими — одам топиш. Апостолнинг² кўрсатмаси бўлмаса биз кўр-кўронга ишлаган бўламиз.

— Шундай иш учун наҳотки бухарестлик ватанпарварлар орасидан бирор киши топилмаса?. Шармандалиқ! — деб ғудурлаб қўйди шу ердагилардан бири.

— Балки йўқдир,— деб жавоб берди унга бошқаси.

— Бор-ку, лекин ҳечким бўйини дорга тутгиси келмайди-да. Ҳаммаси ҳам муғомбир йигитлар,— деб қўшиб қўйди учинчиси.

— Їланблар, бунда танқидга ўрин йўқ. Уларда шундай одам борми, йўқми, бунисини билмайман, лекин бизга ёзган хатларида бундай киши йўқ, дейилган. Бу, албатта хавфли иш? Бунга жасорат қилган киши, ҳозир Христов айтганидек, дорга илиниши ҳам мумкин. Аммо

¹ Тонка кампир.— Машҳур болгар ватанпарварлари акаука Обрестеневларнинг онаси; болгар революционерларининг конспиратив ишларида фаол қатнашган.

² Бу жойда Левский назарда тутилади.

бундай улув иш учун ким жонини аяйди! Биз, халқ ишига ёрдам беришда Браила қаҳрамонлари ҳечқандай хавф-хатарлардан қўрқмаслигини кўрсатиб қўйамиз, Мен аминманки, бундай ишга ҳаммамиз ҳам тайёрмиз.

Хәшлар жим туарди.

Бирортаси сўзга чиқмасмикин, деб Владиков ҳаммага бир-бир изазар солар эди.

Броқ ҳечким сўзга чиқмади.

— Агар кимда-ким менинг фикримга қарши бўлса, ёки бошқа фикри бўлса, айтсан.

— Йўқ, қаршилар йўқ... Тўғри, тўғри! — деди бирнеча овоз.

Орага яна жимлик чўқди.

Владиков ғайри шуурий равишда столдан «Свобода» газетасининг бир сонини олдида ўқийбошлади. Чамаси у, ўтирганларга Левскийнинг олдига кимни юбориш тўғрисида ўзаро сўзлашиб олиш имкониятини бермоқчи эди. Улар ўзаро пичирлашиб кетишиди, лекин айтишга боти-нолмас эдилар. Раиснинг ўзига ҳам, мажлис а'золари учун ҳам мушкул бир вазият туғилган эди. Улардан биронтаси ҳам ёнидаги ўртоғига: «Сен бор ва ҳалок бўл!» — дейишига жур'ат этолмади. Ҳарқандай бўлса ҳам Левскийнинг олдига одам юбориш зарурлигини ҳамма тушунар, лекин Дунайдан ўтиш хавфли эди. Соҳилдаги турк соқчиларининг ўқидан омон қолиш ёки Рушчукда дордан қутилишга умид кам эди.

Орадан бирнеча минут ўтди — бу минутлар ҳаммага ҳам соатлардек узоқ туюлди.

Ниҳоят Владиков индамай газетани столга қўйиб, ўрнидан турди-да, оқариб кетиб, бўғиқ овоз блан иккита-гина сўзни айтди:

— Мен бораман.

Шуни айтдию ўтирди.

Норози товушлар эштилди.

— Биз кўнмаймиз! — деб бақирди бирнеча киши.

— Бу бўлмаган гап, Владиковнинг бориши мумкин эмас, — дебчувиллашиб бошқалар. Ўтирганларнинг қони қизиб кетди. Хәшлар ғовур-ғувур сўзлашиб, қўлларини пахса қилишар ва куйиб-пишиб ўзаро бахслашарди. Бундай дақиқаларда иш енгил кўчади.

Владиков ҳам шундан фойдаланди:

— Биродарлар, мен боришини истайман. Розимисиз? Бундай шарафли ишга мени муносиб кўрасизларми?

— Ҳа, ватан учун қурбон бўлишга ҳаммамиз ҳам мunoсибмиз!

— Чек солинсин! — деб бақирди биروف.

— Чек солинсин! Чек солинсин! Тўғри, тўғри... чек соламиз! — деб дарҳол бу фикрини ҳамма қувватлади.

— Бўпти!

Гўё масала ҳал бўлгандек хэшлар ҳам енгил нафас олдилар.

Шу вақтгача жим ўтирган Бричков сўз сўради.

Орага сукунат чўқди.

— Жаноблар,— деб гап бошлиди у, қўлларини тушириб, бошини эгиб туриб,— агар байроқдор ҳаёт бўлганда ҳозир йиглаб юборарди. Севикли ватанимизнинг озодлиги учун қурбон бўлишга ҳаммамиз ҳам тайёрмиз. Болгария ҳали ҳам ўзининг довюорак ўғлонлари блан фаҳрланиши мумкин. Шонли хэш номини ҳечким ерга урмайди. Ҳечким!

Кимнингдир:

— Тўғри! тўғри! — деган овози эшитилди. Бричковнинг ҳаяжонидан та'сирланган Владиков унинг сўзини бўлмасликка ишора қилди.

Бричков сўзида давом этди.

— Ҳа, бу ҳақ гап: кимки ҳозир Рушчукка боришга жазм қилса, у тўппа-тўғри балонинг оғзига, ҳатто ўлимга боради, деб атаса бўлади. Хўш, бизни кутиб турган жангларда-чи (ишқилиб худо ўша кунларга етказсин!) бизни ўлим кутмаяптими, ахир? Ахир золимларнинг рўйрост жангдаги ўқлари, Дунай соҳилидан тунда бориб келишдан кўра хавфсизроқми?

— Тўғри, бизни ҳамаёқда ўлим кутиб турипти! Бричков тўғри айтади,— деб қичқирди хэшлардан бири.

— Ўлим бизни худди она ўғлини кутгандек кутмоқда,— қўшиб қўйди бошқаси.

— У бизни ма'шуқа ўз ошигини кутгандек кутиб турипти,— бу фикрини қувватлади. Бричков,— менимча масала ким ўзини қурбон қилишга тайёр эканлигидамас, балки, ким бу топшириқни бошқаларга қараганда яхшироқ уddaлаб келади — мана бунда. Айтайлик, агар бу одам Рушчукни яхши билмаса, у ерда унинг керак пайтда ёрдам бераоладиган ишончли дўстлари бўлмаса, у азamat Тонка кампирни танимаса, кампир буни танимаса, қандай қилиб Левский блан учрашади, турклар чангалиян омон қолади? Чек солишнинг нима кераги бор?

Менимча бу ишда чек солиш ярамайди. Яхшиси, ичи-
миизда қайбиримиз Рушчукни дурустроқ биламиз — мана
шшу нарсани бамаслаҳат, ўртоқларча мuloҳаза қилиб
чиқайлик. Агар орамизда Рушчукни яхши биладиган
одам бўлса топшириқни бажариш ҳам ўз-ўзидан ўша-
нинг зинмасига тушади. Шундай қилиб ўртоқлар, ишнинг
утуми учун мен, Рушчукни яхши билучи киши сифатида
ўзимни таклиф этаман...

Атрофдан яна ғовур-ғувур кўтарилди.

— Йўқ, мен бораман! — ўрнидан сапчиб туриб бақир-
ди Македонский. — Бричковнинг бориши мумкин эмас —
Бричков Рушчукни яхши билмайди, Рушчукда у, фақат
поездда келаётганда йўлакай тўхтаб ўтган. Уни сезиб
қоладилар-да, тутиб олиб осадилар... Македонский эса
Рушчукда олти ой яшаган, Македонский Рушчукдаги
жарбир итни танийди. У Тонка кампирнинг ўғиллари блан
коз марта улфатчилик қилган; у Тонка кампирнинг уйига
иҳай томондан боришини ҳам билади. Бу уйга тор кўча-
дан борадиган йўлни ҳам, катта йўлдан борадиган йўлни
жам, қирғоқдан чиқадиган йўлни ҳам билади, бунинг
устига у Бричковдан ўн икки ёш катта, ҳамда дорга оси-
лиш учун тутқич ҳам бермайди. Мана шунинг учун ҳам
Рушчукка Бричков эмас, Македонский бориши керак.

Македонский жим бўлди, унинг юзи ловуллар, кич-
кина кулранг кўзлари безовта аланглар, гоҳ афтидан
идушман бўлиб кўринаётган Бричковга жаҳл блан тикий-
лар, гоҳ зарда блан Владиковга боқиб қўяр эди.

Яна:

— Македонский борсин, Македонский бориши керак!
Бричков фикридан қайтсин,— деган овозлар янгради.

Македонский тантанали қиёфада ҳаммага бир-бир
қараб чиқди ва гёё «Македонский мана бундай одам,
кўрдингми!» дегандай Владиковга тикилиб қўйди.

— Мен фикримдан қайтдим,— деб рози бўлди Брич-
ков.

— Биродарлар,— деб сўз бошлади Владиков,— маж-
лис ахли Левскийнинг олдига бориб келишдек хавфли ва
шарафли иш учун Македонскийни танлади... демак, сен
Македонский, эртадан ёки индиндан қолмай поезд блан
Гюргевога жўнашинг керак. Левский фақат икки кун —
йигирма тўртинчигача кутади. Энди хэшларни ким тўп-
лашини ҳал қилиб оламиз. Мен бу ишга Ҳожияни так-
лиф қиласман.

— Бўпти! — деб шовқинлашди хэшлар.

— Македонскийнинг йўл ҳаражатларини ўйлаш керак,— деб қўшиб қўйди Владиков.

— Бундан хотиржам бўлинг,— унинг сўзини бўлди Македонский.— Эртага бирорта бойдан юз франк пулни қойил қиласман. Бу менинг ишим.

Хэшлар бу ерда бўлиб ўтган гапларни чорбаджилардан сир тувиш тўғрисида бир-бирларига сўз бериб тарқалишиди.

Зарур кўрсатмалар ва мактублар блан та'минланган Македонский эртаси куни Браила вокзалидан Бухарестга жўнаб кетди.

Македонский Владиковнинг уйидан ўғирлаган кийимбошларини пуллаб, йўл ҳаражатларига яратди. У, бошқа жойдан пул қидириб юрмади.

X

Йигирманчи февраль. Бу қиши кечки совуқлар икки ҳафтадан буён шимол томонидан муттасил эсиб турган изғириқ шамол блан тобора кучайиб борар эди. Дунай тўхтади. Аёз улуғвор дар'ё сатҳини қалин муз блан қоплади. Илгари Дунай дар'ёсининг мағур тўлқинлари жўш урган жойларда энди шимол томондан Валахия текисликлари блан қўшилиб кетган, жанубда юксак тепалар блан ўралган теп-текис оқ дала ястаниб ётарди. Бу далалар устида зағчалар ғамгин чағилларди. Яқингинада сокин тўлқинларни ёриб пароходлар ва қайиқлар қатнаган жойда табиат томонидан бун'ед қилинадиган кўприк пайдо бўлди; бу кўприк устида жонсиз дар'ёнинг бир соҳилидан иккинчи соҳилига дадил ўтаётган араваларнинг ғилдираклари ғирчиллар. Пиёдаларнинг қора кўлкалари кўринар эди. Уларнинг тагида, бир метр чуқурликда эса, бесаранжом қалбнинг ташқи совуқонлик ниқоби блан яширинган ис'ёнкор эҳтироси каби сершовқин, ғазабкор қора гирдоб мавжланар эди. Турк томонида унда-бунда узоқдан саҳро устида сочилиб ётган сағаналарга ўхшаб кўринучи пастак ёғоч кулбалар ва қор пардаси блан қопланган узоқ далалар кўзга ташланар эди. Тунда у жойларда ярқираб турган чироқлар қоп-қоронғи румин соҳилидан бораётган ёлғиз йўловчининг диққатини жалб қиласарди.

Бу ёлғиз йўловчи — Македонский эди. Эгнига руминча калта пўстин ва бошига қўй терисидан тикилган қалпоқ

кийган Македонский, орқа томондан пўстин тагига яшириб қўйилган тўппончани айтилмаса, худди деҳқоннинг ўзгинаси эди; тажрибали қўл бу тўппончани дарҳол сезиб олиши мумкин эди.

Кеч соат тўққиз-ўнлар эди. Қимсасиз дар'ё устидан шиддатли изғириқ эсарди. Македонский бир жойда қотган соқчи солдатдек қирғоқда тик турага ва қоровуллик постларининг қизил чироқларига диққат блан тикиларди.

Ногаҳон бу қўзғолмас кўланка ним қоронғиликда олға жилди ва Дунайга қараб юрди. Македонский нишабликдан тезгина пастга тушди ва учи найза қилиб йўнилган ёғочга таяниб, ғадир-будир муз устидан пайпаслаб юриб кетди. Уйқу оғушида ётган дар'ё устидаги кенг даладан тунда арвоҳ каби юриб бораётган бу қора кўланкадан даҳшатлироқ, сирлироқ ва маш'умроқ нарса йўқ эди.

Македонский йўлсиз жойдан тўғри кесиб борарди. У қаттиқ муз устидан товушсиз қадам ташларди. Фақат таёқнинг ўтқир учи музга дўқ-дўқ қадалиб борарди.

Македонский дар'ёнинг ўртасига боргач, оз-моз дам олиш учун тўхтади. У, шарқдан эсаётган муздек шамолга орқа ўғириб уҳ тортди. Босиб ўтилган йўл узоқ бўлмаса ҳам музнинг баланд-пастлиги уни чарчатди. А'зойибадани терлаб кетди.

Шамол қор даласининг оппоқ кафанига ўралган ўлик устида дағн қўшиғини куйлаётган каби кимсасиз тун сукунатини мудҳиш нидога тўлдирап, тинимсиз ғувилларди.

Македонский бироз дам олғач, дадил ва шаҳдам қадамлар блан яна олға юрди.

Қўққисдан унинг олдидан қоронғи бир йўлка кўндаланг чиқди. Бу йўлка Дунай ёқасидан чўзилиб кетган ва охири кўринмасди. Қорайиб кўрингтан бу чўзиқ йўл муз блан соҳил ўртасидан ўтган уч қадамча кенгликдаги ариқ эди. Афтидан бу жой дар'ёнинг қиши совуғида ҳали яҳламаган бир қисми эди. Македонский кутилмаган бу тўсиқ қаршисида ташвиш блан тўхтади. Қўроғинсимон даҳшатли сув мудҳиш ғовдек, унинг кўз ўнгидага аста шовулларди. У диққат блан ўнг ва чап томонига қаради, броқ, Дунай юзини енгил парда блан қоплаган оппоқ қорда қора йўлканинг чеки кўринмасди. Македонский бирнече минут хаёл суриб қолди. Тунги изғирин унинг юзини чимчиб олар, лекин буни у сезмасди. Ниҳоят кескин бурилди-да, тез-тез юриб изига қайтди. Тўсатдан хаёлига

бир фикр келди, түппа-түфри румин соҳилида кўрини турган ёлғиз кулба томон йўл олди. Эпчиллик бле нишабдан чиқиб олгач, бир ёғоч уй олдига келиб қолди. У таёкни ташлади-да совқотган қўлларини бироз иситиң учун бир-бирига ишқалайбошлади, сўнгра ёғоч деворгэ қўл чўзиб бир тахтани тортди, уни силтаб-силтаб суғириб олди. Тахта кўчаркан, қулоқ пардасини йиртгудек тарақ-лаб кетди ва кулба эшиги очилди.

Эшикдан соч-соқоли тўзғиб кетган, қўпол руминча пўстин кийган, қалпоқсиз бир киши чиқиб келди. Македонскийнинг қўлини дағаллик блан ушлаб, бақириб юборди, у:

— Тўхта, босмачи! Тахтани нега олдинг?

Лекин Македонский уни назар-писанд қилмай тахтани судраб кетаверди.

Нома'лум киши уни куч блан иториб ташлади:

— Босмачи!

Македонский ўлжани қўймай, руминга бир ўқрайдида:

— Нари тур! — деди астагина.

— Ташлаб кет буни! Кимсан ўзинг?

— Йўқол нари! — деди яна бўғиқ овоз блан Македонский тахтани судраб кетаётib.

Нома'лум киши унга маҳкам ёпишиб олди ва даҳшат блан бақирди:

— Йўқ, қўйиб юбормайма! сени, босмачи!

Македонский, ҳаллослаб нафас олар экан.

— Ҳой, ким бор, қоровул,— деб бақирди румин, ўз нарсасини бермасликка тиришиб.

Бу бақириқ тун оғушида узоқларга кетди.

Македонский саросима блан аланглади.

— Мен ҳақингни тўлайман, биродар... Мана бу икки франкни ол,— деб ғудурлади у пулни узатаётib.

— Вой дод! Босқинчлик қиласяпти! — деб овози борича бақирарди тажанг румин тахтани жон-жаҳди блан юлқиб тортар экан.

Македонский кучли душманга дуч келгани ва оғир аҳволга тушиб қолганлигини тушунди. Кўприк бўлмаса у сувдан ўтолмай румин соҳилида қолади, ҳатто полиция қўлига тушса ҳам ажаб эмас. Шундай қилиб бир парча ёғоч бутун ишни барбод қилиши мумкин эди. Қат’ий ҳаракат қилиш керак эди. Македонский, румин ёпишиб

олган тахтани маҳкам ушлаб, бутун кучини йиғди ва бир ҳамла блан душманни ерга йиқитиб устига отилди. Йиқилиб тушган румин чалқанча ётиб тахтасини маҳкам қучоқлаб олган ва ҳаллослаб хирилларди. Унинг жонжаҳди блан тиришиб қаршилик кўрсатаётганидан тутоқиб кетган Македонский сапчиб ўрнидан турди, тахтанинг бир чеккасида ушлаб уни бир силтаб, душман қўлидан олди, сўнг қулочкашлаб туриб, бутун кучи блан руминнинг бошига урди.

Румин қимирламай қолди.

Македонский ўлжани қўлтиғига қисди, таёғини қидириб топиб, ариқ ёнига қайтиб келди. Сув лабйига келгач, унинг кенглигини кўз блан чамалаб қаради, музнинг маҳкамлигини билиш учун четини таёқ блан уриб-уриб кўрди ва эҳтпётлик блан тахтани кўприк қилиб қўйди.

Эни бир қарич келар-келмас бу омонат якка чўп икки томонга учма-уч илингган эди. Салгина эҳтиётсизлик, биргина ноқулай ҳаракат блан у сувга йиқилиб тушиши мумкин эди.

Неча йиллардан бери чўқинмаган Македонский оғзи очилиб турган гўр қархисида қўлини беихтиёр кўтариб чўқиниб олди, сўнг, бу мудҳиш кўприкдан нариги бетига омон-эсон ўтиб олди.

Кейинчалик 1876 йилда, Бекет яқинида, музлаб қолган Дунайнинг ўртасида йўлларига ғов бўлган шундай ариқдан Бенковский блан Волов ҳам шу тахлит ўтишди.

Македонский турк соҳилига яқинлашиб келаркан, қоровул будкалари ойнасидан тушиб турган ёруғни тобора аниқроқ кўрар эди. У ўзига икки қоровул постининг ўртасидан бир нуқтани белгилаб олди, бу жойда баҳор сувлари ювиб ўтган ва яшириниш мумкин бўлган пасқам жой борлигини биларди, шунинг учун йўлни тўғри ўшашёқса солди.

Македонскийнинг қалби ажиб туйғулардан сиқиларди. Қеракли соҳил яқинлашган сари у, ўзини кўпроқ қийинчиликлар ва хавф-хатар кутишини тушунарди.

У буни тушунса ҳам, барибир тезроқ етишга ошикарди.

Бахтига қоронғилик тобора қуюқлашаборди. Македонскийнинг қоронғиликка ўрганиб қолган кўзи ҳамма нарсани: қоровул будкаларини, қингир-қийшиқ чўзилган соҳил чизиғини, қорайиб турган жарликни ва чироқлари

аллақаेқларда милт-милт этаётган, афсонавий шаҳарга ўхшаб кўринган Гюргевони ажратар эди.

У соҳилга етиб, жарга тушди, жойида тўхтаб, атрофга қулоқ солди. Ҳамаёқ жим-жит. Қоровул будкалари бу ердан кўринмайди. У чуқурнинг сув ювиб, уқаланиб кетган пастак деворлари ўртасида туради. Жануб томонда қорайиб кўринган пасқамлик чўзилиб кетган, шимол томонда туман чулғаган, туш каби йироқ, кулранг шаҳар ястаниб ётарди.

Македонский калта пўстин тагидан тўппончани чиқарриб ўнг қўлига олди, таёқни чап қўлига ушлади.

У соҳилга етиб, жарга тушди, жойида тўхтаб, атрофга кетаверди; жарлик анча саёз бўлиб қолганидан унинг боши юқорига чиқиб қолган эди.

Тўсатдан унга, эллик қадам наридан аллақандай қора кўланка келаётганга ўхшади. У диққат блан тикилди. Дарҳақиқат бир одам тўппа-тўғри шунга қараб келар эди. Македонский нотаниш кимсанинг қўлидаги олға ўқталган милиқни ҳам кўрди.

Келаётган одам чегара соқчилигидаги солдат эканлигига шубҳа йўқ эди. Македонский дарҳол ер бағирлади, нишабга қапишиб олди. Унинг бу кескин ҳаракатидан таёқ учи тупроққа санчилди; у таёқни суғуриб олди, кўчган кесаклар шитир-шитир тўкилди. У сергакланди, юраги шундай қаттиқ урадики, ҳатто ёрилишга тайёр эди.

Қоронғилик қаҳридан:

— Ким у? — деган овоз янгради.

Солдат этикларининг дўқиллаши эши билди.

Македонский жим қолди. У чалқанча ётди-да, чуқурлик лабидан кўз узмай, тўппончани ҳозирлаб турди.

Қадам товушлари яқинлашиб келди. Македонский яширинган жой фақат заиф буталар ўсиб ётган саёз чуқурлик эди; унинг кўланкаси тун қаҳрида буталар блан шундай қўшилиб кетган эдики, бир қараганда уни пайкаш қийин эди. Жимжит, мудҳиш қиши осмони унга таҳдид қиласарди.

Македонский тўппончани ўхталганча писиб олди.

Оёқ товушлари узоқлашди... чамаси, солдат ўзининг янгишганлигига ва эши билган товуш унга хаёлат бўлиб туюлганлигига қаноат ҳосил қилган эди. Балки, бу худди шундайдир,— уни бирдан қўрқув босган эди.

Аммо Македонский яна анча вақтгача қимир этмай, дикқат блан қулоқ солди ва тин олмай қоронғиликка тикилди.

Кўп ўтмай атроф яна жим-жит бўлиб қолди. Македонский эҳтиёт блан жойидан қўзғалди ва яхлаб қолган танасини ростлар экан, совуқдан бели, оёқлари таёқдай қотиб қолганини сезди.

— Тоза тушдим-у... музлаб қолибман-а! — деб пичирлади у ва қўлини тираб аста ўрнидан турди. Чуқурдан бўйини чўзиб, атрофга аланглади.

Атроф кимсасиз ва бўм-бўш эди.

Македонский эмаклаб-эмаклаб жарликнинг нариги томонига етиб олди; ялангликдан ўтиб, тепаликнинг бир чеккасидан югуриб кетди.

Бирнече минутдан сўнг у, пастликлардан бирига етиб олди. Дам олиш учун тўхтади — оёқлари энди исиган эди. Атрофга дикқат блан қараб, қаерда турганлигини фаҳмлаб олди. Кейин яна олға қараб юрди ва яқиндаги тепалик устига чиқиб, ғарб томоннинг узоқ бир жойида уйқу оғушида ётган Рушчукнинг милт-милт ярқираб турган чироқларини кўрди.

У қоровулларга кўринмаслик ва шаҳарга яширин йўл блан кириб бориш учун ғарби-жанубга қараб йўл олди.

Македонский Рушчукка вокзал томондан яқинлашиб келар экан, унда сўниб бораётган сўнгги фонарълар милитираси эди. Ўнинг кўз ўнгига шаҳарга олиб боручи тош йўл ялтироқ лента каби чўзилиб ётарди.

Энг хавфли муддат етиб келди. Балки ҳали кўчаларда тунги патрульлар айланиб юргандир, лоп этиб уларга дуч келиб қолиш мумкинди. Тонка кампирнинг уйига уч ёқдан бориш мумкин эди. Македонский бироз ўйлаб олди-да, кескин равишда Дунай томонга қараб кетди.

У, кечаси изғиб юрган ёлғиз бўри сингари биқиниб ва писиб шаҳар чеккасидан тез-тез борарди. Мана, унинг кўз олдида юпқа қор пардаси қопланган оппоқ Дунай кўринди. Македонский жардан пастга тушиб дар'ё бўйлаб кетди.

Кўп ўтмай у, тепасида Гердап камбағалларининг кулбалари тиккайган баланд қирғоқ нишабида зўрга кўзга чалиниб турган тик сўқмоққа қараб бурилди. Тепадан аллақандай бир ит уни кўриб ҳуррабошлади. Атрофдаги ҳамма итлар унга қўшилишди. Македонский тезда юқо-

аллақаेқларда мильт-мильт этаётган, афсонавий шаҳарга ўхшаб кўринган Гюргевони ажратар эди.

У соҳилга етиб, жарга тушди, жойида тўхтаб, атрофга қулоқ солди. Ҳамаеқ жим-жит. Қоровул будкалари бу ердан кўринмайди. У чуқурнинг сув ювиб, уқаланиб кетган пастак деворлари ўртасида турарди. Жануб томонда қорайиб кўринган пасқамлик чўзилиб кетган, шимол томонда туман чулғаган, туш каби йироқ, кулранг шаҳар ястаниб ётарди.

Македонский калта пўстин тагидан тўппончани чиқариб ўнг қўлига олди, таёқни чап қўлига ушлади.

У соҳилга етиб, жарга тушди, жойида тўхтаб, атрофга кетаверди; жарлик анча саёз бўлиб қолганидан унинг боши юқорига чиқиб қолган эди.

Тўсатдан унга, эллик қадам наридан аллақандай қора кўланка келаётганга ўхшади. У диққат блан тикилди. Дарҳақиқат бир одам тўппа-тўғри шунга қараб келар эди. Македонский нотаниш кимсаннинг қўлидаги олға ўқталган милтиқни ҳам кўрди.

Келаётган одам чегара соқчилигидаги солдат эканлигига шубҳа йўқ эди. Македонский дарҳол ер бағирлади, нишабга қапишиб олди. Унинг бу кескин ҳаракатидан таёқ уни тупроққа санчилди; у таёқни суфуриб олди, кўчган кесаклар шитир-шитир тўқилди. У сергакланди, юраги шундай қаттиқ урадники, ҳатто ёрилишга тайёр эди.

Коронфилик қаҳридан:

— Ким у? — деган овоз янгради.

Солдат этикларининг дўқиллаши эши билди.

Македонский жим қолди. У чалқанча ётди-да, чуқурлик лабидан кўз узмай, тўппончани ҳозирлаб турди.

Қадам товушлари яқинлашиб келди. Македонский яширинган жой фақат заиф буталар ўсиб ётган саёз чуқурлик эди; унинг кўланкаси тун қаҳрида буталар блан шундай қўшилиб кетган эдик, бир қараганда уни пайкаш қийин эди. Жимжит, мудҳиш қиши осмони унга таҳдид қиласарди.

Македонский тўппончани ўхталганча писиб олди.

Оёқ товушлари узоқлашди... чамаси, солдат ўзининг янгишганлигига ва эши билган товуш унга хаёлат бўлиб туюлганлигига қаноат ҳосил қилган эди. Балки, бу худди шундайдир,— уни бирдан қўрқув босган эди.

Аммо Македонский яна анча вақтгача қимир этмай, диққат блан қулоқ солди ва тин олмай қоронфиликка тикилди.

Кўп ўтмай атроф яна жим-жит бўлиб қолди. Македонский эҳтиёт блан жойидан қўзғалди ва яхлаб қолган танасини ростлар экан, совуқдан бели, оёқлари таёқдай қотиб колганини сезди.

— Тоза тушдим-у... музлаб қолибман-а! — деб пичирлади у ва қўлини тираб аста ўрнидан турди. Чуқурдан бўйини чўзиб, атрофга аланглади.

Атроф кимсасиз ва бўм-бўш эди.

Македонский эмаклаб-эмаклаб жарликнинг нариги томонига етиб олди; ялангликдан ўтиб, тепаликнинг бир чеккасидан югуриб кетди.

Бирнече минутдан сўнг у, пастликлардан бирига етиб олди. Дам олиш учун тўхтади — оёқлари энди исиган эди. Атрофга диққат блан қараб, қаерда турганлигини фаҳмлаб олди. Кейин яна олға қараб юрди ва яқиндаги тепалик устига чиқиб, фарб томоннинг узоқ бир жойида уйқу оғушида ётган Рушчукнинг милт-милт ярқираб турган чироқларини кўрди.

У қоровулларга кўринмаслик ва шаҳарга яширин йўл блан кириб бориш учун ғарби-жанубга қараб йўл олди.

Македонский Рушчукка вокзал томондан яқинлашиб келар экан, унда сўниб бораётган сўнгги фонарълар милитираси эди. Унинг кўз ўнгига шаҳарга олиб боручи тош йўл ялтироқ лента каби чўзилиб ётарди.

Энг хавфли муддат етиб келди. Балки ҳали кўчаларда тунги патрульлар айланиб юргандир, лоп этиб уларга дуч келиб қолиш мумкиндир. Тонка кампирнинг уйига уч ёқдан бориш мумкин эди. Македонский бироз ўйлаб олди-да, кескин равишда Дунай томонга қараб кетди.

У, кечаси изгиб юрган ёлғиз бўри сингари биқипиб ва писиб шаҳар чеккасидан тез-тез борарди. Мана, унинг кўз олдида юпқа қор пардаси қопланган оппоқ Дунай кўринди. Македонский жардан пастга тушиб дар'ё бўйлаб кетди.

Кўп ўтмай у, тепасида Гердап камбағалларининг кулбалари тиккайган баланд қирғоқ нишабида зўрга кўзга чалиниб турган тик сўқмоқقا қараб бурилди. Тепадан аллақандай бир ит уни кўриб ҳуррабошлади. Атрофдаги ҳамма итлар унга қўшилишди. Македонский тезда юқо-

рига чиқиб, ҳовлига кирди, ундан ўтасолиб кичик бир эшикни аста тақиллатди.

Ичкаридан қадам товушлари эшитилди.

— Ким бу? — деб сўради бир хотин киши.

— Сенинг ўғлинг,— деб жавоб берди Македонский ва қулф тешигига эгилиб: — Македонский,— деди.

Эшик ғижирлаб очилди, Тонка кампирнинг қораси кўринди.

— Дъякон шу ердами? — деб сўради у.

— Қаерлан келдинг? — унга жавоб бермай сўради Тонка кампир.

— Браиладан.

— У сени кутиб ўтирипти,— деди у ва меҳмонни ичкарига киргизди.

Гугурт чақилиб, меҳмонхонага шам ёқилди ва уёқдан Македонскийнинг юзига ёқимли илиқ келиб тегди.

Меҳмонхона бўш эди.

Кампир бир минутга хонадан чиқиб яна қайтиб келди.

— Юр ўғлим, у пастда,— деди у ва қўлига лампа олиб, Македонскийни бошлиди.

Улар ертўла полидан ўйиб очилган тўрт бурчак туйник олдида тўхтадилар. Уни кўздан яшириши мақсадида туйникка қопқоқ бўлиб хизмат қилучи тахта устига талай мих қоқилган, мустаҳкамроқ бўлсин учун, усталик блан беркитилган темир ҳалқалар блан маҳкамланган эди.

Македонский кампирга эргашиб, тор нарвончадан ертўлага туциди. Улар эшикни очиб, яхши ёритилган ва гиламчалар ёзиб қўйилган кенг хонага кириши.

Китоблар, газеталар, сургуч ва турли ёзув асбоблари уйилган стол олдида елкасига калта пўстин ташлаб олган Левский ўтирас ва нимадир ёзар эди.

Бу ертўла Тонка кампирнинг уйига махфий суратда келиб тушадиган барча революционерлар учун идора ва иш кабинети бўлиб хизмат қиласиб эди.

Македонский, устига қизил шолча ёпилган тахта сўрига ўтириди.

— Сени ҳечким пайқагани йўқми? — деб сўради дастлаб Левский.

— Ҳечким.

— Нима гапинг бор!

Македонский қўйнидан хатни олди.

Апостол шамни ёнига тортиброқ қўйди-да, уни диққат блан ўқийбошлиди.

Бу орада меҳмондўст кампир токчадан кастрюльни олди ва ўроқдаги ўтни титиб Браила хәшларининг вакили учун овқат иситабошлади.

XI

Василь Левскийнинг ягона фото-сурати сақланиб колтган; аммо бу сурат шундай кучли ирода ва характер эгаси бўлган бу одамни тўла-тўқис ифолалаб беролмасли. Сурат Левскийга руҳ берган ва қалбига аланса ёқсан ўша улуғ идея нуридан мунаvvар бўлган ма'нодор чеҳрасини ҳам ифода этаолмаган.

Левский ўрта бўйли, озғин, келишган бир одам эди; кўзлари кўмкўк, мўйлови сарғиш, соchlари оқиши: юмалоқ, қонсиз юзи ҳеч тарқ этмайдиган туйғулардан ва уйқусиз тунлардан синикқан; лекин шу блан бирга унинг қиёфасидан бу одамнинг ёлғиз ўзигагина хос бўлган эркин хушчақчақлик ифодаси аримас эди. Шу нарса ажибки, озодлик, кураш ва ўлим тўғрисида дадил фикрларни тарғиб этадиган ҳаёти ҳар кун хавф остида бўлган тунлари ишлаб, ёлғизлик ва турли қийинчиликларга бардош берадиган бу йигит қувноқ табиятга молик эди! У ҳам лашкарбоши Тотю сингари қўшиқ айтиб юришини севади; Старая-планинанинг букзор ўрмонларида унинг жарангдор овози тез-тез янграб турарди.¹ У Бухарестга келган пайтларида, Каравеловга янги комитетлар тўғрисидаги ма'lумотлар блан бирга найи эгри қилиб ишланган чипор турк чилимларини ҳам келтирас эди. У, атрофдагиларнинг совуққонлиги ва ишончсизлиги блан ҳамиша кураш олиб бориш учун беғамлик ва хушчақчақлик кайфиятини йўқотмаслиги зарур эди.

¹ Бухарест ёнидаги бир шамол тегирмонини бошпана қилиб, Левский блан бирга яшаган Ботев, ўзининг у тўғридаги мактубларидан бирида қўйнагиларни ёзади: «Менинг дўстим Левский жуда антика табиятга молик эди. Биз қандай оғир шароитларга тушиб қолмайлик, у барибир, энг баҳтиёр қунлардагидек ҳуашчақчақ кайфиятда бўларди. Совуқ—дараҳт ва тошлар чирсиллаб турити; уч кундан бери ичимиизга туз кирмаган, у бўлса қўшиқ айтиб, хурсандчилик килади. Кечқурин ухлагани ётганда ҳам қўшиқ, эрталаб туриб қўзини очар-очмас яна қўшиқ, сен қандай ғамгин кайфиятда бўлсанг ҳам, барибир у кўнглингни очиб юборади, бутун ғамғуссалгни унугтишга мажбур этади. Шундай кишилар блан бирга яшашнинг ўзи бир лаззат!» (Автор эскартмаси.)

Аммо, лозим бўлган кезларда у бутунлай ўзгариб кетарди. Унинг қиёфасидаги беғамлик ифодаси йўқолар, кўзлари жиддий боқар, овози буйруқ бергандай қат'ий янграп эди. Унинг содда, оқ кўнгиллик блан айтган сўзлари кишиларни ҳаяжонга солар, тўлқинлатар, уларда ишонч ҳосил қиласди. У қаерга борса (у ҳар ерда пайдо бўлар эди), янги масалалар кўтарар, кишилар дилида янги орзу ва умидлар уйғотар эди. У тезда шуҳрат қозонди: унинг онги ғариб кулбаларга кириб борар, шаҳарларни ҳаяжонга солар, овозаси тоғларни тутар эди.

Унинг ҳарбир сўзи кишилар қалбида шавқ уйғотар, номи халқни қўзғотарди. Бир кун кечаси, у Пазаржикда¹ нутқ сўзлади; шу нутқ блан одамлар бир миллион грош миқдорида хайр-эҳсон йиғиб бердилар. У кўпинча дағал мөномалада бўларди, аммо ҳечкимга хушомад қиласди. Ўз бурчини адо қилиш унинг учун ҳарқандай қонунидан юқори турарди. Унинг илғор қарашлари билимдаги камчилигини ювиб кетарди. Бир кун у, аллақандай бир деҳқонларнинг авомлиги ва хурофотидан ранжиб, уларга:

— «Сенлар чоршанба блан жумада гўшт еябошлиғанларигдагина чинакам одам бўласанлар,» — деди жаҳл блан...

У София атрофларида комитетлар тузиш бўйича қизғин иш олиб борар экан, деҳқонлар ундан:

— Васильбой! Болгарияни озод қилгандан кейин подшо қилиб кимни қўямиз? — деб сўраб қолишиди.

— Агар биз туркларга қарши подшо учунгина курашашётган бўлсак, аҳмоқнинг ўзгинасимиз! Тепамизда ҳозир ҳам султон бор. Бизга подшо эмас, балки ҳамма одамларнинг озодлиги ва тенг ҳуқуқда бўлиши керак,— деб жавоб берди Левский хўмрайиб туриб.

— Сенчи, ўзинг қандай мансабга ўтирасан?.. Энг каттаси сенга тегса керак-а?

— Ҳечқандай мансабни олмайман: унда мен бошқа эзилган халқлар олдига бориб, ҳозир шу ерда қилаётган ишимни яна қиласвераман.

Бу жуда самимий айтилган сўзлар эди.

Фавқулодда жасоратга эга бўлган Левский ҳечнارсадан тап тортмасди. Неча йиллардан бери муттасил таҳдид этиб келаётган хавф-хатарлар унинг табиий муҳити

¹ Пазаржик — Болгарияда бир шаҳар.

бўлиб қолган ва у, бу муҳитда ўзини жуда эркин ҳис қиларди; у, ўқларниңг визиллашига ўрганиб кетган генерал каби ўз кучига бўлган э'тимодини мустаҳкамларди. Бир куни Сопотда, бир муаллим уйида комитетниң махфий мажлиси бормоқда эди. Қўқисдан бу жойда машҳур турк айғоқчиси пайдо бўлиб қолди-да, мажлислагилар ёнига ўтириб олди. Ҳамманиңг дами ичига тушиб кетди, чақирилмаган меҳмон эса гўё ҳечнарса билмагандай ўтираверди. Тутоқиб кетган Левский сапчиб ўрнидан турдио, айғоқини тарсаки блан солиб:

— Йўқол бу ердан, абраҳ! — деб жеркиб ташлади.

— Нима? Мени уришга қандай ҳаққинг бор? — деб сўради кайфи учиб кетган муттаҳам.

— Ҳозир жўна бу ердан! Бор, бизни туркларга чақ! Мен — Левский бўламан.

Ҳамма данг қотиб қолди.

— Қўрқманг,— деди хотиржам товушда Левский чақирилмаган меҳмонни эшикдан чиқариб юбориб,— бу ярамас бирон иш қилишга ботинаолмайди, бунга ишончим комил!

Мажлис давом этди.

Дарҳақиқат, бошқа ҳечким келиб уларни безовта қилгани йўқ.

Левскийнинг мислсиз жасоратини аҳоли ҳали-ҳали унумтайди. Бир кун унинг полиция қўлига тасодифан тушиб қолдан пиджаги чўнтагидан революцион прокламациялар, сургуч печати, сохта ҳужжатлар ва заҳар чиқиб қолди. Турк ҳукумати уни қидирар, қуролли жандармалар кўчаларда югуриб юришар, устига деҳқон кийимини кийиб, чап кўзини тулки териси блан боғлаб олган Левский эса бу вақт полициячиларга соддадиллик блан қараб, «Табибининг уйи қаерда?» деб сўради.

Левскийда Қаблешковнинг қизиқонлиги, Бенковский характеридаги қат'ият ва Караджа¹ руҳидаги матонат мужассам бўлган эди. Аммо бу кишиларда етишмаган яна бошқа ҳислатлар ҳам Левскийда бор эди: бу сабот ва чидам эди. Юқорида номлари айтйлганлар бизнинг кўкда метеорлар сингари бир ярқираб, кишиларнинг қалбини ҳаяжонга солди-ю, сўнди. Бу кишилар фақат ўзларининг буюк номларини тарихга ёзиб қўйиш учун келиб

¹ Караджа Стефан (1844 — 1868) — Ҳожи Димитрининг сафдошларидан бири, миллий озодлик курашининг қаҳрамони.

кетишиди, деса бўлади. Левскийнинг фаолияти анча узоқ давом этди ва самарали бўлди. Бизнинг назаримизда, шо одамнинг улуғвор тимсолида намоён бўлган ўша буюй идеяга оташин садоқат қандай ишларга қодир эканлигини жаҳонга намойиш қилиш бир чаласавод миrzага, бир дъяконга насиб қилган эди. Скептиклар нима деса деяверсин, лекин Левский, мислсиз хор-зорлик кўрган халқнинг асрларча тортган азоб-уқубатида бун'ёдга келган ўша кучнинг ифодачиси эди. У етти йил Болгарияни кезди, юзлаб қишлоқ ва шаҳарларда бўлди, комитетлар тузди, халқни ўқитиб-ўргатди, унинг руҳини кўтарди, бойларга хавф солди, туркларнинг ғазабини қўзғади. Бу ишларнинг ҳаммасини бир хилда қат'ият ва мислсиз сабот блан қилди. Турк ҳукумати уни та'қиб эта-эта чарчади, лекин Левский унинг йўлига кўндаланг тушаверишдан чарчамас эди: у бутун тўсиқларни енгиб ўтар, ишончи кам бўлган кишиларда ишонч ҳосил қилас, совуққон кишиларда файрат уйғотарди. У фақат хоинлик қархисидагина ожиз қолди. Кристи исмли ловечли бир поп унга хоинлик қилди. Икки ўқ блан ярадор бўлган Левский, айтишларига қараганда, золимларнинг қўлига тушгач, ўз қасамини бузмаслик учун заҳар ичади, заҳар та сир этмагач бошини София төрьмасининг деворларига уради, лекин ўзини ўлдираолмайди ва турклар уни чала улик ҳолда осадилар.

Халқни уйғотиш, улуғ воқиаларга замин тайёрлаш ва ёрқин истиқболнинг ижодчиси бўлиш учун тақдир томонидан озодлик тарғиботчилари ва бу йўлда азоб тортган кишиларнинг илфор отряди бошига қўйилган, Дъякон, Василь Левский ва Апостол номлари блан машҳур бўлган зот, мана шу одам эди.

Бу одам кичик Гус бўлиб, улгуролмай қолганлиги учунгина улуғ номини олмаган эди; у XIX асрда дорга осилган кишилардек, Иудеяда бўлганида крестга қоқилган, ўрта асрларда тириклай қуидирилган бўлар эди... мажбурий ўлимнинг бадном ва мангу яшовчи кишиларни жазолаш учун турли замонларда ўйлаб топилган уч турилиси, уч символи — крестга қоқиш, торкемада¹ гулхани, дор.

¹ Торкемада Томас (1420—1498) ўзининг ўтакетган золимлиги блан машҳур бўлган испан инквизитори, минглаб кишиларни ўтда қуидиришга ҳукм қилган.

— Саломат бўл, Гика! Стаканларни тўлатиброқ қуй,
жин урсин сени!

— Урал Соғ бўлинглар! — деб баравар қичқириши
хэшлар; қадаҳларни чўқишириб, қатра қолдирмай ичиши-
ди, стаканларни жингиллатиб, мўйловларини силаб
олишиди.

— Карапов қаёқда қолди? Бебровский қани? Ҳожия
уларни чақирган эмасмиди?

— Бебровский Никулеску блан ҳисоб-китоб қилгани
кетди... Кечга томон қайтади. Мен наҳотки бу Балкан
айинини эсимдан чиқарсан? Карапов ҳам келади. У ука-
сими олиб келгани кетди, иккаласи бирга келишади.

Укаси, агар мени унугиб ташлаб кетадиган бўлсалар-
инг, дўконга ўт қўйман, дебди. Азаматни қарал

— Гунчочи?

— Гунчо... у тентак қуролини сотиб қўйипти...

— Мен уни кеча кўрдим, битта ажойиб винчестер
олди. Қелиши турган гап,— деди учинчи хэш.

— Попче қаёқда?— деб сўради кимдир.

— Попче Қирча, Марков ҳамда Койновларга кетди.
Койнов бояқиши касал, қаттиқ йўталади, лекин ҳарқалай
келмоқчи бўлди.

— Шундай муқаддас иш тўғрисида гап бораётгандада
касал бўлишга вақт қани,— деди хэшлардан бири.

— Ўз ватани учун қурбон бўлишда болгар қаҳрамо-
нига ҳечнарса ҳалал бермайди! — тантана блан деди яна
бирови, Войниковнинг машҳур драмасидаги сўзларни
хотирлаб.

— Ҳозир кимки бундан бўйин товласа — у муттаҳам.

— Саломат бўлинглар, биродарлар! Яшасин озод-
лик курашчилари! — деб хитоб қилди, румин солдатлари
киядиган погонсиз куртка кийган бир хэш. — Яшасин
халқ!.. Золимларга ўлим!.. Гика, Добре блан Петрга
қуишиб бер ахир.

— Урал

— Битсин мусулмонлар!

— Ҳа, айтгандек, хабарларинг борми,— деб қичқирди
Димитрий,— Мравка яна каптархонага тушиб қолди!

— Бу қиш уни саккиз мартacha қамашди,— деди
Асланов,— ҳаммаси ҳам арзимаган нарсалар учун. При-
лавкадан иккита олмас олдими, худди ёнгинасида поли-

ция туради, шу блан Курте де Курнига¹ қараб жўнайверади. Уни тутиб олишса, қаршилик ҳам кўрсатмайди—еийшга ҳечнарсаси бўлмагандан кейин жўрттага шундай қиласди да. Тюрьмада лоақал овқат беришади-ку.

Бу вақт Ҳожия овозини пасайтириб, икки хэшга ҳалигача қайтиб келмаган Македонский тўғрисида сўзла-моқда эди.

— Нимасини айтасан, Дъяконнинг ўзини ҳам тутиб олишлари мумкин... Қим билади?— деди ташвиш блан Ҳожия.

— Унда бизнинг план ҳам, отряд ҳам хароб бўлади десангчи!— деди ма'юслик блан Добре.

— Тссс...— деб,— шивирлади Асланов, Добрега кўз қисиб,— қовоқхоначи эшитиб қолмасин.

— У болгарчадан балони ҳам тушунмайди...

— Лекин сирни эҳтиёт қилиш керак.

— Вайсаш ярамайди.

— Қанақа сир, эшак! — деб бақирди, бошини орқага ташлаб деворга суялган ва боядан бери шифтга тикилиб ўтирган ширақайф хэш.

— Мажлис тўғрисида Иван Славкага айтилдими, йўқми?

— Йўқ, мен уни тополмадим... Лекин у эшиган, албатта.

— Бу шумтака келмайди, баҳс боғлашаман.

— Келади...

— Келмайди!

— Келади!

— Агар келмаса ўша Вена помадаси суриноми юрадиган соқолини битталаб юламан — сартарошга бутун бир франк тўлайди-я.

— Гапларга қараганда бу фирибгар, Мариолага уйланмоқчи эмиш. Оббо ишёқмас-эй! Қани, ич... Хўжайин, яна закускадан узатиб битта-битта, қуй... Одобеж виносидан келтир, кўзингни оч, тағин сув қўшмагин! Хасисликни қўй!

Хэшлар қадаҳларни уриштириб ичишди.

— Қани юринглар, бироз шамоллаб келайлик,— деб таклиф қилди Ҳожия, ҳаммалари ўринларидан туришди.

— Вино қуиб қўйилди-ку. Бу нимаси, ичмайсизлар-

¹ Бухарест тюрьмасини масхара қилиб шундай дейишарди.

ми? Хафа бўламан! Нақ бошларингиздан қуяман!— деди меҳмон қилаётган хэш, чап қўли блан йўлни тўсиб.

— Йўлни тўсма!— деб бақирди майхонага кириб келаётган барваста бир одам уни дағаллик блан итариб.

— А, Бебровский! Хуш келибсан!

Бирнеча киши уни ўпиб, қучоқлай кетди.

— Салом биродар!.. Гика, винодан яна бир стакан, жин урсин сени!

— Қани, йўлакай биттадан ичиб юборақолайлик! Марков, тўла!

Сўнг ҳушчақчақ улфатлар майхонадан чиқиб, узун кўчадан кетишиди. Қош қораябошлаган, ҳаво совуқ эди. Майдонда янгигина поезддан тушган йўловчиларни уёқдан-буёққа ташиб юрган извошлар тарақларди. Ширақайф хэшлар учраган танишларига шовқин-сурон блан салом беришарди. Улар тор кўчага бурилгач, жулдир-жулдир кийинган учта хэш блан келаётган Попчени кўриб қолишиди.

— Попче! Попче!— деди шовқинлаб бирнеча киши.

Лекин Попче бармоғини лабига босиб, «жим» ишорасини қилди-да, ўз ўртоқлари блан бирга узун мовут чакмон кийган турк орқасидан кетди.

XIII

Владиковникида ғала-ғовур блан мажлис борарди. Гиканинг виносидан қизишган хэшлар ҳозир бу турилуман кишиларни бирлаштирган план ҳақида руҳланиб сўзлашардилар. Бричков уларга завқ блан боқарди. Унинг қалбида шундай фидокор ватанпарварларни етиштирган Болгарияга бўлган муҳаббат янада ортаётган эди. Владиков Македонский тўғрисида ташвишларди.

Даҳлизда қадам товушлари эшитилди.

Эшик қарсиллаб очилди ва уйга довулдек шиддат блан Македонский кириб келди. Унинг мўйловлари музлаб қолган эди.

Хэшлар ўринларида турив кетишиди, у блан саломлашиб қўл сиқишиди. Македонский ҳам салом-алик қилиб, уларни қучоқларди; Владиков, Бричков ва пахлавон Бебровскийлар блан ўпишиб кетди.

— Салом, йигитлар!

— Хўш, қалай? Ҳамаёқ тинчликми? — бирнеча киши шошиб-пишиб сўради.

— Тинчлик, фақат Дунайга чўкиб кетишига сал қолди. Апостолдан сизларга алангали салом. Ишлар жуда яхши кетаяпти. Қани бундай четроқ туринг, оз-моз исиниб олай. Вой-бў, Дунайнинг совуғида ҳеч бунақанги қотмаган эдим! Агар бу совуқдан уч қадогини олакетсанг, дўзахни ҳам яхлатади. Бебровский, бир оғайнигарчилик қил дўстим, битта махорка ўраб бер... Владиков, Левскийнинг хатини ушла.

Македонский ёниб турган печкага қўлларини тутиб, бир-бирига ишқалади.

— Қандай ўтдинг, нима ишлар қилдинг, сўзлаб бер энди. Македонский илтимос такрорлангунча кутиб ўтирамади. У музлаб қолган мўйловини мағур силаб қўйидида саргузаштларни, ёки ўз сўзи блан айтганда «машақ-қатлари»ни батафсил сузлайбошлади. Хэшлар, унинг қайтишда Дунай устидан ўтаётган пайти, сувга тушиб кетишдан қай тариқа омон қолганлиги ҳақидаги ҳикоясидан айниқса завқланиб, унга қойил қолишиди. У дар’ёning музламаган жойига яқинлашган, ҳамаёқдан турк соқчиларининг ўқлари визиллаб ўтабошлаган, у эса ўйлаб-нетиб турмай сув устидан сакраган ва сал бўлмаса унга тушиб кетай деган.

Хат ўқиётган Владиковнинг юзи қувонч блан ёришиб кетди.

— Йигитлар,— деди у ўқишдан тўхтаб,— тайёрланинг!

— Айт, айт, Левский нималар деган? — қизиқиб сўрашди хэшлар.

Кимдир эшикни оҳиста қоқди.

— Баҳс боғлашаман, эшик тақиллатаётган Попче. Жуда мулоиймда, хумпар! — деди Ҳожия табассум қилиб.

Броқ уйга икки жандарма блан полициячи кириб келди. Хэшлар қутилмаган бу синоатдан данг қотиб қолишиди.

— Сизга нима керак? — ҳаяжон блан сўради Владиков, комиссар олдига келиб.

— Бричков жаноблари ким бўлади? — деди полициячи шу ердагиларга бир-бир разм солиб.

Ранги ўчабошлаган Бричков:

— Мен,— деб жавоб берди.

Комиссар унинг олдига келиб:

— Конун номидан таклиф этаман, мен блан кетасиз! — деди.

Сўнг Владиковга қараб тушунтириди.

— Шу бугун кечаси шаҳар боғида бир туркни шилиб, сал бўлмаса бўғиб ўлдирай деганлар. Шу жанобдан гумон қилинади. Чунки, бу киши шу пайтда ўша ерда айланиб юрган экан.

Владиков олазарак бўлиб Бричковга қаради.

— Тўғри, бугун кечқурун шаҳар боғида айланиб юрганим рост, лекин, бошқа ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

— Бунинг аҳамияти йўқ,— деди болгар тилини оз-моз тушунадиган комиссар,— қани, туринг!

Бричков ўрнидан турди.

Владиков тутақиб кетди. Лаблари титради, у ҳокимият вакили ёнига дадил юриб келди-да:

— Мен кечаси ўз уйимдан бирорни олиб кетишга йўл қўймайман,— деди.

Комиссар унга таажжуб блан боқди.

— Муҳтарам жаноблари, янгишмасам, маҳаллий бўлгар мактабида муаллим бўлсалар керак?

— Ҳа.

— Үндай бўлса мамлакатимиз қонунларини биласиз, деб умид боғлашга ижозат берсангиз. Мен нимага асосланиб бундай қиласяпман, бу сизга ма'лумми?

— Мен қонунингизни ҳам, асосингизни ҳам биламан, лекин сизнинг янгишаётганингизни бундан ҳам яхшироқ биламан. Бричков сиз айтган одамлардан эмас.

— Мен виждонимни ўртага қўйиб қасам ичаманки, Бричков бундай ишларни қиласяпман одам эмас,— унинг сўзини қувватлари Македонский, ўртоғига жиддий тикилиб.

— Мен уни тегишли жоёга элтиб беришга мажбурман,— деди ширин сўзлик блан комиссар,— ўёғини бошлиқларнинг ўзи ҳал қиласерсин.

— Лекин мен меҳмонни тунагани тюрьмага юборалмайман,— Македонский бирдан сапчиб туриб, комиссарнинг олдини тўсди ва бақирди:— Ҳа, мен бунга йўл қўймайман! Бу расвогарчилик-ку!

Македонскийга бошқалар ҳам қўшилишди. Ола-ғовур кўтарилиди, ғазабли қинқириқлар эшитилди; хэшлар қаршилик кўрсатишга ҳозирланиб, ўринларидан туриб кетишиди.

— Комиссар қовоғини солиб, жандармаларга буйруқ қилди:

— Олиб чиқинг бу жанобни!

— Йўқ, йўқ, биз уни бермаймиз,— деб шовқинлаши хэшлар.

— У болгар!

— Унда гуноҳ йўқ!

Ҳаяжон кучайборди. Ба'зи хэшларнинг ёнида тўппонча ҳам бор эди. Уларнинг қайфлари ҳали тарқалмаган ва хиёл баҳона блан катта жанжал чиқиб кетиши мумкин эди.

— Қўйинглар, мен бораман! — деди Бричков қат'ий равишда.

— Мен эртагача Бричковни кафилликка оламан,— деди Владиков, хэшларга безовта бўлманг, дегандай ишора қилиб.

— Сиз бу ишни фақат менинг бошлиғим ижозати блан қилишингиз мумкин,— деди комиссар.

— Яхши, мен сиз блан бирга бораман...

Владиков кийинди ва бирон сўз айтмай, комиссар ва Бричков блан бирга чиқди.

Бир соатдан сўнг Владиков қайтиб келди, Бричков ҳам у блан бирга эди.

— Иш аниқланди,— деди у. — Яхшиям мен борганим. Туркнинг ўзи ҳам ўғрилар орасида Бричковни кўрмаганига иқрор бўлди. Бутун туҳматни жосус Мачинлия тўқиган экан. Комиссар Бричковдан узр сўради.

Владиков столга ўтириб, хатини ўқиб битирди.

— Ўртоқлар, ўн бешинчи март куни биз Бухарестга жўнаймиз. Унгача биз шу ерда қолишимиз ва имконият борича тайёргарлик кўришимиз керак. Сиз Дъяконнинг мактубини ўқидингизми?

— Ҳа, Ҳожия овоз чиқариб ўқиб берди.

— Попче қани, айтмоқчи?

Владиков ўрнидан турди.

— Энди сизларга ижозат. Чоршанба куни менинида йиғиласиз.

— Яхши.

— Агар битта-яримта полициячи бу ерга яна келиб, бўлар-бўлмасга валдираидиган бўлса, уни боллаб дўп-послаймиз... Мидҳат подшонинг дори ҳақи қасам'ёд қила-ман!

— Йўқ, йўқ, бошқа ҳечким келмайди.

— Қани келиб кўрсин!

— Хайр!

— Хайрли кеч!

Шу блан улар тарқалишди.

Македонский мактаб ҳовлисидан чиқишидан олдин, ўтин тахлаб қўйилган бурчакка бориб, ундан бир қучоғини олди. Ўз қулбасига қайтиб келаётган Ҳожияга етиб олиб, қулоғига пичирлади.

— Бу ўтин халқники, биз ҳам халқники-да.

Атрофни зим-зиё тун чулғади. Қимсасиз кўчаларда шамол ғувиллайди. Икки дўст кулбага тезроқ етиб олишга ошиқарди. Йўлда Македонскийни тунги соқчи тўхтатиб, нима олиб келаётганигини суриштирди.

— Бундай кечада энг керакли нарса нима бўлса, шуни олиб келаёттирман, биродар,— деди Македонский руминчалаб, лекин шу ондаёқ уни болгар тилида боллаб сўқиб қўйди.

Дўстлар кулбага келиб киришди; Ҳожия гугурт чақиб, шам ёқди. Хона музлаб ётарди. Печь оғзи очиқ, муздай безрайиб турипти. Македонский ўтинни полга ташлади.

— Шошмайтур, мен бу аждаҳонинг оғзига ураман! Оғзини очиб олганини қара-я!.. Ҳали на'ра тортиб юбормасайди,— деди Македонский шам блан пеъ ўтхонасига эгилиб кулни тортар экан. Лекин шу замони Македонскийнинг ранги қув ўчиб, саросима ичидаги ўзини орқага ташлади.— Ҳожия, аждаҳонинг оғзида илон ётипти, бу қанақаси?

— Нима?

— Илон кириб, кулда кулча бўлиб олибди.

— Оббо ла'натией!— койиниб қўйди Ҳожия.— Илон дейсанми? Шундай совуқда-я? Улиб ётипти-ю!

— Дарвоқи' қимир этмайди. Мен Дунайдаги қотгандек совқотиб қолибди... Тўхта, мен уни тортиб оламан... Кейин узун оташкурак блан ҳалиги нарсани кучининг борича қисиб олди.

— Худди ичига қўрғошин қўйилгандек зил бўлиб ётибди! Ия, бу илон эмас шекилли... яшил терига ўхшаган бир нарса.

— Эҳтиёт бўл! — деб юборди Ҳожия беихтиёр, у ҳам тиз чўкиб, пеъига эгилган эди.

Македонский энди уни қисмай, юлқиб тортмоқда эди. Ниҳоят у пеъ оғзига илонсумон бир нарсани суриб келтирди ва бу нарса ерга жаранглаб тушди.

— Бу ахир ҳам'ёнку! — деди Македонский.

— Лиқ тўла! — деб бақирди Ҳожия.

Уларнинг ҳар иккаласи ўлжага ёпишиб кетиши. Лекин Македонский болиб келиб, ҳам'ённи ўз қўлига олган эди. Ҳожиянинг а'зойи бадани титрар, Македонский ҳам'ённи ўртоғининг очофат кўзларидан нари олиб қочар эди. Ҳам'ёндан бирдан ярқироқ олтин тангалаар тўкилиб кетди. Ҳожия жиннидек ўзини уларга ташлади.

— Тўхта!—деб бақирли Македонский, бақувват қўли блан унинг ёқасига чанг солиб.— Нимаики бўлса— иккаламизники! Қоқ ўртадан бўламиз.

— Бўпти, бўламиз, кел бўламиз!— деб шоширади Ҳожия энтикиб.

Улар ҳамма тангани ағдаришди. Ерда бир тўда олтин ярқираб турарди. Ҳэшлар бир-бирларига таажжуб блан боқишаради.

— Бизга бунақанги ҳазил қилган ким бўлди?— хитоб қилди Македонский.

— Ким билади дейсан... тақдир-да,— жавоб берди Ҳожия.

— Нега бўлмаса тақдир бу бойликини вақтида юбормай, қиши чиқай деб қолганда юборади? Майли, барибир, бунисига ҳам қуллиқ,— деди Македонский ва пулни санайбошлади.

— Жин урсин! — пешонасига бир уриб дели Ҳожия,— товуқча ақл йўқ менда! Ахир бу нарсани қўйиб кетган Попче-ку, биздан яширган фирибгар. Демак, туркни шилиб олган ҳам ўша экан-да. Фаҳмлаяпсанми?! Мана унинг ше'рлари ҳам ётипти бунда...

— Нима дейсан! Бу протестантнинг кўлидан шундай ишлар ҳам келадими? — ҳавас блан деди Македонский,— роса бир юз қирқ дона экан, мана бу қисмини сен ол, мен ўз тангалаrimни қўйнимга уриб оламан, тағин сичқон-пичқон еб кетмасин...

Икки дўст чўнтакларини олtinga тўлдириб олишди; тангалаар чўнтакда кишининг баҳрини очиб жингиллар эди.

— Ух! Терлаб кетдим, иссиқ экан. Олтин чиндан ҳам танани яйратар экан,—деб кўлди Македонский,— наҳотки биз молдек шу ерда туナイмиз?

— «Петербург» меҳмонхонасига борамиз! — деб таклиф қилди Ҳожия.

— Жин урсин ўша «Петербург»ингни! Жуда олиску... Хўп майли, майли «Петербург» оқ бўлақолсин. Эҳ қани энди битта извош бўлса!

Ҳэшлар ўринларидан туриб, эшик томон юришли.

Македонский фақир кулбани нафрат блан кўздан кечириди.

— Майли, ўтин Попчега қолақолсин... қелганда ёқар. Мен тайёргинасини келтириб бердим... нақ бир соат кўтардим-а. Македонскийнинг оғайнигарчилигини билиб қўйсин!

XIV

1876 йилнинг июнида, серб-турк уруши арафасида Бухарестнинг Лабас кафесидаги Европа газеталари уюлиб ётган стол атрофида бир группа болгар қизғин сұхбатлашиб ўтиради. Қолган столларни руминлар, яхудийлар, француздар, немислар ва бошқа ажнабийлар банд қилган эди. Ба'зилар сиёсат тўғрисида баҳслашар, ба'зилар олдиларига бир кружка пивони қўйиб, газета саҳифаларига кўз югуртиришар эди.

Йиғилганлар урушнинг муқаррарлиги ҳақидаги сўнгги, ташвишли ма'lумотларни мұхокама қилишарди.

Қайсибир стол атрофида бўлаётган гап-сўзларга қулоқ солсангиз, бу ажнабийларнинг туркларга хайриҳоҳ эканликларини дарҳол пайқаб оласиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам Абдулкарим подшонинг серб чегарасида тўпланган чексиз қўшини кичкина Сербияни яксон қиласиган пайтни кутишарди.

Фақат серблар эмас, балки барча славянлар ша'нига ла'нат ўқучи хитоблар эшитилиб туради.

Фақат кафеда ўтирган бир тўда болгарларгина бошқача туйғу ва бошқача фикрда эдилар.

— Сўнгги ма'lумотларга қараганда, ҳозир Сербияда тўқсон уч минг киши қуролланиб турган эмиш.— Агар шу аниқ бўлса ҳазилакам эмас,— деди пастки лабида холи бор, семиз пакана болгар.

Унинг бежирим костюми, цилинтри ва семиз гавдаси бу сиёсатчининг бойларга мансуб эканлигидан далолат бериб туради. Каравеловнинг асарларида бундай типлар кўп учрайди.

— Бунга яна генерал Черняевни ҳам қўшинг,— деб қўйди чуқур бир фикр айтгандек, тиртиқ юзли, анқов қўзли, олифта кийинган бир йигит.

— Фавас агентлигининг хабар беришича, Россия Бессарабияда қўшин тўплаётган эмиш; буёқа талай рус кўнгиллилари келаётган эмиш. Россия ҳарқандай бўлганда ҳам Сербияни ташлаб қўймайди,— деб сўзини тугат-

ди, озғин, тунд юзли, ўттиз беш ёшлардати учинчи сұхбатдош.

— Бизнинг бу болгар дайдилар қаёқда экан? Энди уларни амалда кўрсак деган эдик! Қани ўз ватанпарварлик туйғуларини кўрсатишин! Қиши блан шу туйғулар ҳақида аюҳаннос солишган эди,— деб заҳарханда қилди биринчи сұхбатдош ва жаҳл блан йўталиб қўйди.

Юзи тириқ жаноб унинг фикрини ма'қуллаб, бошини уч марта ликиллатиб қўйди.

— Мен, Гробов жаноблари, куни кеча хўжайинга худди шуни айтган эдим. Уларнинг ҳаммаси ин-инига беркиниб юрипти, Сербия бўлса, болгарларга жуда катта умид боғлаган.

— Уларнинг қўзғолони правардида нима бўлди? — сўзида давом этди Гробов. — ҳең! Уларнинг хизмати шу бўлдики, турклар юз минг бегуноҳ болгарни қиличдан ўтказди.. Қўзғолон әмиш. Бўлмаган гап! Улар қўзғолон кўтарганда бирордан бир маслаҳат сўраганмиди?

Гробовнинг қовоқлари солинди.

— Мана бу гапга қаранг,— давом этди юзи тириқ жаноб,— кечада... йўқ ўтган куни менинг олдимга, идорага қандайдир бир Македонский деган одам кириб келди... «Нима дейсан?» деб сўрадим денг. «Сербияга кўнгилли бўлиб кетаётган фақир хэшларга ёрдам беришингизни сўрайман» дейди. Ҳа, ҳа, ҳа!.. Кўрдингизми? Қандайдир бир Македонский камбағал кўнгиллиларга ёрдам сўраб юрибди!. Бу одамлар уялмай-нетмай ёлғонни сувдай ичаверади! Муттаҳамлар!

— Дайдилар! Шу замони ҳайдаш керак эди-да,— деди нафрат блан Гробов ва ҳатто тупуриб ташлади.

— Ноинсоф безорилар!

— Яна сиз қовоқхонада молдек ичиб маст бўлсин деб, унга пул бердингизми?

Юзи тириқ жаноб истеҳзо блан кулди ва «тентакодам, биз сен айтган лақмалардан эмасмиз-ку» дегандай ма'нодор кўз қисиб қўйди.

— Менимча унга жуда дағал муомала қилишди. Сен уни жуда ерга уриб юбординг. Хўжайнин жаҳли чиқиб, уни қаттиқ койиб ташлади. Бу бечора эшикдан чиқиб кетаётганда, унга раҳмим келди билсанг,— деди ўша идорада хизмат қилучи тунд юзли йигит.

— Бундай қаллобга раҳм қилишнинг кераги йўқ! — деб тўнғиллади юзи тириқ жаноб.— У кўчада дуч кел-

ган одамни ўлдирадиган хилар шайкасидан! Ўзингни болгарни очадиган бу «халқ Жим ўтириб, «Норд» газетасини бирданига газетани столга ташлади, ранги гарларнинг ди-да, юзи тириқ жанобга тикилиб туриб этган қичқирди:

— Бу бахтсиз қурбонларни бунчалик шафқатсиз блан қораламанг! Македонский Болгарияда жанг қилган одамлигини унутманг!

Юзи тириқ жаноб баҳслашишга жур'ат этган кишига таажжуб блан боқиб сўради:

— Марҳамат қилиб айтингчи, Говедаров жаноблари, бу одам Болгарияда жанг қилиб, нима фойда кўрсатди?

— Ҳарқалай, Бухарестда тинчгина ўтириб, бекорчиликка эрмак учун халқ қаҳрамонлари устидан разилона иғво қилаётган сиз блан мендан кўра у кўпроқ фойда кўрсатди.

Говедаровнинг қонсиз юзи ловуллаб кетди. У Бухарестдаги революцион комитетнинг а'зоси эди.

— А! Бу венгерча қалпоқ кийган анов новча киши эмасми? — шоша-пиша сўради Гробов кафенинг нариги томонида қўлини силкитиб, ўзининг тўртта ўртоғига ниманидир ма'қуллаётган одамни кўрсатиб.

— Македонский, ўша-да! — деди юзи тириқ жаноб.

— У блан бирга яна бирнечча жулдуру чопон,— деб ғудурлади Гробов, уларга монокль блан қараб.— Бу кафега ҳам суқилишипти-ю.

— Уларнинг кимлигини биласизми? А ргорос, бу Говедаров жанобларининг халқ иши учун курашчиларга бўлган ихлосини бироз қайтаради.

— Сен уларни танийсанми? — деб сўради Гробов.

— Уларни менга яқинда кўрсатишган эди. Учтаси бир ҳафта бурун тюрьмадан бўшаган! Уч йил ётиб чиқишипти.

Фийбатчилар тўдаси уларга қизиқсиниб тикилди.

— Нега қамашган экан? Босқинчлилек қилгандир-да?

Юзи тириқ жаноб ҳузур қилиб, истеҳзо блан кулиб қўйди-да, Говедаровга қаттиқ тикилиб, ҳикоясини давом эттирди:

— Сизга айтсам, бу — бутун бошли қисса. Евгений СЮ¹ ўчун ажойиб тема бўлиши мумкин эди. Уч йил

¹ Евгений СЮ (1804—1857) — француз ёзучиси — романист.

халқ қаҳрамонлари кечаси Петрескунинг
аги идорасига киришади-да, қандайдир асбоблар
ва касса қулфини бузиб ундан икки мингга яқин олтин
ва қофоз пулни олиб жўнашади.

— А! Бу ўғирликдан бизнинг ҳам хабаримиз бор:—
унинг сўзини бўлди Гробов,— булар ўша вақтда полиция
қўлига тушган азаматларми ҳали?

— Худди ўзгинаси... Энди сен уларни бу ерда кўриб
турибсан. Қамоқдан олис-у, балодан холис.— соғ виж-
донли кишилар.— Юзи тириқ жаноб шу сўзларни айтиб,
қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Менимча ҳалок бўлган бу кишиларнинг баҳтсиз-
лигидан кулишдан кўра, уларга ачиниш керак... Уч йил
тюрьмада ўтириш-а!.. Бу даҳшатку... улар ўз гуноҳлари-
ни ювишган...— деди тунд юзли йигит ғамгин бир кай-
фиятда.

Говедаров индамади.

Юзи тириқ жаноб Говедаровнинг ҳижколат тортгани-
ни пайқади-да, мағрурлик ва сурбетлик блан унга
бошдан оёқ разм солиб, сўради:

— Бу жаноблар судда қандай гап топишган денг?

— Қандай экан?

— Агар топсанг, бир тилла оласан!.. Сиз нима
дейсиз Говедаров жаноблари?— Юзи тириқ жаноб
кўзини Говедаровнинг юзига тиканакдек қадаб туриб,
беадаблик блан хаҳолаб юборди.— Буни қарангки: улар
талончиликни ватанпарварлик мақсадида қилишган
эмиш-а, ҳа-ҳа-ҳа!

— Яна халқ учун! — бор овоз блан бақириб юборди,
Гробов.— Ҳозир ҳамма хайдук — ватанпарвар. Ҳали қа-
раб тур, халқ учун деб сени ҳам қип-яланғоч қилиб
кетишиади. Бу муттаҳамлар баландпарвоздан сўзлардан
фойдаланишади. Бултур Ставра боғидан менинг
цилиндримни ўғирлаб, қовоқхонада халқ учун ичib
юборгандар ҳам шулар эмасми?.. Ӯшанда қидира-
қидира бошим шамоллаб қолган эди!

Хаёлга чўмиб ўтирган Говедаров Гробовнинг катта,
кали ярқираб турган юмaloқ бошига кўзи тушиб, беихти-
ёр илжайиб қўйди.

Говедаровнинг кулгусини пайқаган Гробовнинг жони
чиқиб кетди:

— Куласиз-а, Говедаров жаноблари? Кишининг
кулгусини қистатадиган гап-а, тўғри эмасми? Сиз, қулф-

ларни бузадиган, темир шкафларни очадиган бу «халқ қаҳрамонлари» тўғрисида нима дейсиз?

— Менинг айтадиган гапим шуки, биз болгарларнинг юрагимиз тош бўлиб кетган. Ҳиммат, мурувват деган ҳислатлар биз учун бутунлай бегона, Грбов жаноблари.

Юзи тириқ жанобнинг қиёфаси янада сурбетлашди.

— Ҳиммат, мурувват? Халқимиз номига иснод келтираётган муттаҳамларга-я? Улар сёф виждонли кишиларнинг кассасини бузсин, ишлаш ўрнига икки минг тиллани ўғирласин, тағин буни ўзимизга эмас, янги отрядни қуроллантириш учун олдик десин! Ҳиммат, мурувват эмиш-а!

— Бу ҳақ гап,— деди зарда блан Говедаров: — сиз бунинг учун сариқ чақа бермас эдингиз...

Юзи тириқ жанобнинг ватанпарварлигига бундай баҳо берилиши унга алам қилди: айниқса бу гап Грбовнинг олдида бўлгани учун ҳам у ўзини қизғин ҳимоя қилишга мажбур деб ҳисоблади.

Броқ кафеда кўтарилган шовқин-сурон уларнинг баҳсини бўлиб қўйди. Улар нариги бурчакдаги мушт ўхталиб, бақиришиб, венгерлар блан сўкишаётган аллақандай кишиларни кўриб қолишли.

Бу кишилар хэшлар бўлиб, улар орасида Македонский ҳам бор эди. Официантлар ялиниб-ёлвориб, муштлашишга айланиб кетгудек бўлиб турган жанжални бёсишга урунишарди. Ранги қув ўчиб, соchlари тўзғиб кетган, кўзлари ғазаб блан чақнаётган пакана хэш ҳаммадан кўра кўпроқ қизишар эди. Ғазабдан унинг нафаси бўғилиб, бирон сўз айтаолмас эди.

Македонский эса кафени бошига кўтариб, ғазаб блан бақиради.

— Бизни масхара қиладиган бўлдиларингми?! Турк малайлари! Ваҳшийлар! Европа халқларининг шармандалари! Ё христиан динини қабул қилларинг, ёки буердан жўналаринг!. Болгария ўт ичиде ётсин-да, сенлар масхара қилларинг... Турк қаҳрамонларинги ҳам кўрамиз ҳали, қўлидан нима келарди... Битта қўймай қирамиз барини! Яшасин генерал Черняев!

— Битсин Туркия! — деб бақирди озғин, рангсиз бир хэш, бу сўзларни айтаркан, у полни шундай зарб блан тепдики, столлар қимирлаб кетди.

Одамларнинг ҳаммаси туриб жанжаллашаётган кишиларни ўраб олишиди.

Броқ, венгерлар ҳам ён бермас ва немисчалаб сўкинишарди. Улардан бири ҳали ҳам қўлида газета ушлаб туарди. Оломон шов-шув қилар ва афтидан венгерларнинг ёнини оларди; венгерлар эса кафедагиларнинг хайриҳоҳлик қилаётганини сезиб, ҳеч тап тортмай, хэшларнинг жиғига тегишар эди.

Болгар хэшлари ёлғиз әдилар. Гробовнинг дарғазаб овози тинмай эшитиларди. У яқин келишга бетламай:

— Жанжал! Жанжал! Қаранг, улар шу ерда ҳам масти! — деб жон-жаҳди блан бақирар эди!

Бу сўзлар албатта болгарларга тегишли эди. Бу орада иккита маҳмадана кафедан ҳам қочиб қолди.

Шу пайт Говедаров оломон орасидан ўтиб ғазабидан ўзини йўқотган ёш хэш олдига келди; рангги қув ўчиб, қони қайнаб кетган бу хэш муштларини кўтарганча жанговар вазиятда туар эди. Говедаров унинг қўлини дўйстона ушлаб, мулоҳимгина гапирди:

— Бричков, ўтинаман, ўзингни бос!

Сўнг уни меҳрибонлик блан қучоқлаб, қалпоғини чўтирип пешонасига бостириб кийган, соқоллари ҳурпайиб кетган, озғин, рангпар бир камтаргина хэш ўтирган столга бошлаб келди. Бу хэш жанжалга мутлақо иштирок этмасди. У браилали ўқитучи Владиков эди.

Петреску кассасидан пул ўғирлаганлиги учун Бричков, Ҳожия ва Бебровскийлар блан бирга беш йил қамоққа ҳукм қилинди; хэшлар ўзларининг бир мажлислирида янги отрядни қуроллантириш, кийинтириш ва бутун зарур нарсалар блан та'минлаш ҳамда шу таҳлит отряд тузиш учун бу кассани экспроприация қилишга қарор берган эдилар. Владиков қамоқда уч йил ётгач, қочди, кийимиши ўзгартириб, илгари бўшатилган ўртоқлари блан шу ерда учрашди. Тўрт хэшга берилган жазонинг бир қадар енгил бўлишига биринчи галда ҳимоячининг сўзга моҳирлиги сабаб бўлган эди. У суд мажлиси куни, жамоат олдида сўзлаган ҳимоя нутқида тўрт маҳкумнинг жиноятини суд олдида э'тироф этар экан, (улар бу жиноятдан бош тортаолмас эдилар) ўғирлик сабаблари устидага алоҳида қат'ият ва ғайрат блан гапирди. У қул қилинган қўшни халқнинг оғир аҳволини кенг ва батафсил ёритиб берди, бу халқ фарзандларининг озодлик йўлида кўрсатаётган зўр жонбозликлари, бераётган қурбонлари ҳақида, қўзголон кўтариш учун бўлган бирнечча уринишлар, унинг бостирилиши, кўп минг баҳтсизларнинг ёсти-

ғи қуриганлиги, «римлиларнинг олийжаноб авлодлари-нинг» меҳмондўст мамлакатида янги отрядлар ташкил қилиш учун жуда кўп маблағ зарурлиги, ҳар қандай қилиб бўлсин, ҳатто ўлимдан ҳам оғирроқ номус звазига бўлса ҳам ўз ватанларига ёрдам беришга қарор қилган болгар ватанпарварларининг қизғин қалбларини ишғол этган идеяга садоқат, ҳарқандай гуноҳни ювиб кетуви улуғ ватанпарварлик, аслида ўғри бўлмаган, лекин ўғирликни энг юксак ниятлар йўлидагина қилган айборларнинг олийжаноб мақсадлари ҳақида гапирди. Ҳужжатлар ва турли справкалар ёрдами блан «шу вақтда отряд чиндан ҳам тузилаётганлиги ва пул зарур бўлганлигини исбот қилиб берди; маҳкумларни, айниқса, меҳнатсевар муаллим Владиков блан ватанпарвар — шоир Бричковларни характерлаб берди. (Ҳожия блан Бебровскийлар тўғрисида лом-мим демади); суд а'золарини инсонпарварликка ва олийжанобликка чақирди; суд айборларга тузалмас жиноятчилар сифатида эмас, балки қулликда ётган халқнинг умид ва ифтихори бўлган ёш интеллигентлар сифатида ҳукм чиқариши кераклигини айтиб, шу ерда ўтирганларнинг дилларини эритиб юборди. Суд а'золари кенгаш қилиш учун ичкари кириб кетди. Суд ўз ҳукмида айни енгиллаштиручи сабабларни назарга олиб, айборларни ўн беш йил ўрнига, беш ва уч йилдан кесди. Ҳалойиқ бу ҳукмни гулдурос қарсаклар блан кутиб олди, кишилар адвокатга ташаккур айтиб қўлини сиқдилар.

Бу адвокат — Галацдан шу иш учун махсус келган Ботевнинг ўзи эди.

План барбод бўлиб, отряд ҳам ташкил бўлмади. Талонда иштирок этганларнинг энг биринчиси Македонский эди (бу ишнинг планини тузган ва асбоб-ускуна топиб келтирган ҳам ўша эди). Лекин у қўлга тушмади, бирор ҳам уни айтиб бермади. У кўп вақтгача тюрьмага бориб, баҳтсиз ўртоқларини кўриб турди ва уларнинг бошига тушгай қамоқ мусибатини енгиллаштириш учун оғзига ёқадиган турли-туман озиқ-овқат ташиди ҳамда печкадан топилган олтинларни сотиб, уларга оз-оз пул бериб турди. У ҳозир ҳам муваффақият блан карта ўйнаб ва болгар валийне'матларидан бир-бир франкдан тилаб, уларга ёрдам бермоқда эди.

Хэшлар барча славян душманларига қарши курашда кўнгилли сифатида иштирок этиш учун Сербия уруш

э'лон қиладиган фурсатни чидамсизлик блан кутар эдилар.

XV

Кечқурун «Трансильвания» меҳмонхонасининг ресторанида хэшларнинг аксарияти йиғилди, биз улар блан Браилада танишган эдик. Бричков «Стара-планина» газетасининг сўнгги сонини ҳаяжон блан овоз чиқариб, тез-тез ўқир эди. Бу ерда бошқалар блан бирга Россиядан эндигина келган болгар студентлари, оқ полотнодан китель кийган ва қизил крест белгиси тикилган фуражкали бирнеча рус кўнгиллилари ва ниҳоят Сулин орқали Царьграддан келган иккита паҳлавондек черногорли киши ҳам бор эди. Бу кишиларнинг ҳаммаси шу ердан Сербияга жўнаш учун Бухарестда тўхтаган эди. Русларни биринчи марта кўриб турган хэшлар уларга қизиқсиниб ва самимий эҳтиром назари блан боқар эдилар. Улар русларга тикилишар ва тикилиб тўймас эдилар. Славянларнинг мусулмонларга қарши курашларида иштирок этиш учун йироқ Россиянинг ҳамма бурчакларидан йиғилиб келган руслар эса, ўзларининг янги ошналарига мароқ блан тикилишар, уларнинг гапларига э'тибор блан қулоқ солишар ва таажжуб блан ўзларига яқин, таниш сўёларни ажратиб олишар экан, соддадиллик блан дердилар:

— Буни кара-я, биродар! Бу ерда ҳам руслар бор экан-ку, а? Тушунаяпсанми?

— Нега тушунмай. Бу ўзимизнинг болгар биродарларимиз-да,— деб жавоб берди қиёфасидан ва нозик қўлларидан аристократлиги сезилиб турган киши. Бу киши граф Ш. эди.

— Энди биз қаёққа борамиз? Сербиягами ё Болгариygами? Жангни қаерда қиламиз?

— Сербия блан Болгария — иккаласи бир жой,— деди қирқ ёшлар чамасидаги бир рус.

— Йўқ-йўқ... Дарвоқи', ҳа: иккаласи ҳам славян мамлакати, иккаласининг ҳалқи ҳам православ ҳалқ,— деб тушунтирди граф.

— Нега улар бу ерда юришибди? Улар Сербияга боришимайдими? Яқинда турклар блан уруш бошланадику,— деди руслардан бири болгарларга қараб.

Аристократ елкасини қисди.

— Мана булар Сербияга кетишаяпти,— деди студент, хэшларни кўрсатиб.

Рус сўзларини эшитган граф дарҳол ўгирилди-да очиқ чехра блан сўради:

— Сиз русмисиз? Қаердан?

— Москвадан. Биз — болгар студентларимиз. Бизни ватанимиз бошига тушган бахтсизлик бу ерга келтириди.

Улар гапга тушиб кетишиди. Кўп ўтмай бошқа студентлар ҳам суҳбатга қўшилишиди. Улар Болгариядан олинган сўнгги ташвишли хабарлар: қўзғолон ва унинг муваффақиятсизлиги, ҳалқнинг Россиядан бўлган умиди, генерал Черняев ҳақида сўзлашарди. Бу кишилар ҳечқандай маросимсиз ва расмий танишувсиз иноқлашиб кетишиди, бир-бирларини тушуниб ва ошна бўлиб қолишиди. Уларнинг дилларида бир мақсад, бир истак, бир фусса мавж урагр эди. Уларнинг бир-бирларига бўлган биродарлик муҳаббати тобора қизғин ва самимий тус олар эди. Ҳалигина русларга яқинлашишдан ийманиб, ўзларини авлоқроқ тутган хәшлар ҳам яқинроқ келишиди. Орада аллақандай ажиб славян тилида суҳбат бошланди. Ҳарким ҳам гапда лоақал биронта рус сўзини қўшиб кетгуси ва бу тилга тушунаётганлигини ҳис қилгуси желар эди. Уларнинг ҳаммасини олийжаноб бир туйғу илҳомлантирган эди. Граф шампанский буюрди. Қадаҳларда мусафро ичимлик кўпикланди. Граф ўрнидан турди-да, қадаҳни кўтариб туриб, тантанали қиёфада сўз бошлади:

— Мен болгарларни биринчи марта шу мамлакатда кўриб турибман, этироф қиласай, уларни бутун қалбим блан севиб қолдим! Мен ўзимнинг йироқ ватанимда эканлигимдаёқ сизларнинг курашингиз ва тортган азоб-уқубатларингиз қалбимни боғлаган эди; эндиликда сизлар блан, эзилган славян ҳалқнинг фарзандлари блан учрашганимда бу ҳиссиётлар янада чуқурлашди ва кучайди. Биз руслар ҳам сиз болгарлар сингари ўз ҳаётимизни аямай, славянларнинг қадимий душманларига қарши кураш байроғини қаҳрамонона кўтарган, ўзимизга қондош биродарларимиз — сербларга ёрдам бериш учун ошиқмоқдамиз. Мен, ҳаққоний ишимизнинг тўла ғалабаси учун ичаман! Мен, Россиянинг икки туғишган синглиси — Болгария ва Сербия учун ичаман!

Руснинг ҳаяжонли нутқига жавобан қудратли «ура» садолари янгради.

Бричков ва унинг ўртоқлари кўзида ёш йилтиради.

Дили эриб кетган бир болгар студенти ўрнидан иргиб турди-да, славянларнинг бирдамлиги шарафига қадаҳ кўтарди.

Унинг сўзларига жавобан йигирма киши:

— Уррал— деб юборди.

— Фала!¹ — деб ҳайқиришди черногорлилар.

— Живио!² — деб қичқириди ресторон соҳиби (у серб эди).

Яна шампанский буюрилди, қадаҳларда вино учқунлар чақнатиб қўпирди. Славянлар қалбдан тўлиб-тошган туйғулардан ўзларини йўқотган эдилар.

Бебровский блан Попче олдига икки рус келиб маҳкам қучоқлаб ўпишди. Черногорлилар овозлари борича қичқиришар ва православ славянларни тириклайн куйдираётган туркларни жон-жаҳдлари блан сўкар эдилар.

Эшик шарақлаб очилди ва одатдагидек шовқин кўтариб, Македонский кириб келди; унинг қўлида бир парча қофоз бор эди.

— Йигитлар! — деди баланд овоз блан у. — Янгилик! Кечя Бабина-голова ёнида биринчи жанг бўлибди. Серблар ғалаба қозонипти! Урал

Бу хушхабардан ҳангуманг бўлиб, ҳамма ўриндан туриб кетди.

— Уруш! Уруш!

— Мана телеграмма! Үқинг! Мен буни хомсемиз Гробовдан тортиб олдим! — Ҳаллослаб, бўртиб кетган Македонский бор гапни тўкиб солди.

Унинг кўзи русларга тушгач бошидаги венгерча қалпоғини юлиб олди-да, дўстона табассум блан уларга қўл узатди:

— Салом сизга, қаҳрамонлар! Яшасин Россия!

— Салом, биродар болгар! — деб жавоб беришди унинг қўлинини сиқиб рус кўнгиллилари.

Ҳамманинг қувончи бениҳоят эди.

Телеграмма қўлма-қўл бўлиб кетди: ундаги ёзувни ҳарким ўз кўзи блан кўришни ва шонли ғалабанинг ростлигига ишонч ҳосил қилишни истар эди. Шу дақиқада «Бабина-голова»нинг номи ҳам улуғвор, тўзал бўлиб кўринарди. Кичик бир серб армиясининг биринчи сафари муваффақият блан якунланди. Буни ҳечким кутмаган эди.

¹ Шон-шарафлар бўлсин! (Черногорча)

² Яшасин! (Серб).

Черногорлилар дарҳол эрталабки поезд блан Турну-Северинга жўнаш, у ердан эса Дунай орқали Кладовога ўтишга қарор қилишди. Бутунлай гангиг қолган ресторан соҳиби Йованович меҳмонлар олдига яна бирнечча шиша шампанский келтириб қўйди; бу гал меҳмонларни унинг ўзи сийламоқда эди. Умумий тантанани қўрган руслар қўзларига қўйилиб келган ёшли тўхтатолмадилар.

— Биродарлар,— деб сўз бошлади юраги қаттиқ уриб кетган Бричков, унинг қўзлари чақнарди,— уруш бошланниб, ниҳоят бизнинг қизғин орзуларимиз ҳам рўёбга чиқмоқда. Энди биз курашишимиз ва ҳаммамиз учун қимматли бўлган озодлик учун ҳалок бўлишимиз мумкин!

— Ҳа, энди биз мусоғир юртда итдек ўлиб кетмаймиз,— деди уни қувватлаб Ҳожия.

— Биз Сербиядан тўппа-тўғри Болгарияга қараб юриш қиласмиш, у ерда ўртоқларимизни қўзғаб Абдулкаримнинг та’зирини берамиш,— қўшиб қўйди Бебровский.

— Лашкарбошилар ким бўлади?

— Тотю!

— Панайот!

— Яшасин кўнгиллилар! Яшасин барча славян қаҳрамонлари!— хитоб қилди Македонский, у бир қадаҳ шампанскийни ютоққандай ичиб юборди-да, рус кўнгиллиларига дўстона жилмайиб, узун мўйловини артди.

Ҳамманинг дили янги ғайрат, янги ҳис блан жўш уради. Ҳэшлар худди қанот ёзгандек туришарди; улар, ғалабани бошқалар илиб кетмасин, деб тезроқ Кладовога етиб олиш истаги блан ёнар эдилар. Ниҳоят Говедаров келиб, Бухарестдаги ёш комитет¹ уларни икки кундан кейин темир йўл билетлари ва пул блан та’минлаяжагини ма’лум қилди.

Эртаси кун янги кучлар етиб келди: Панагюр қўзғлонидан кейин қочган қўзғолончилар, 1862 йил ветеранлари ва 1867—1868 йилги партизан курашида иштирок этган ҳэшлар, деҳқонлар, фишт теруҷилар, дўкондорлар ва ишчилар Руминиянинг турли томонларидан Бухарестга етиб олиш ва у ердан Сербияга ўтиш учун ошиқардилар. Улар ўз уйларини шошилинч равишда ташлаб,

¹ Ҷукарест ёш комитети—бу ерда турклар блан битим қилиш тарафдори бўлган чорбаджиларнинг «кеекса» партиясига қарши болгар муҳожирларининг турк зулмими умумий қуролли қўзғолон воситаси блан яксон қилиш тарафдори бўлган ташкилоти ҳақида гап боради.

хатарли сафарга чиқдилар; уларни ўлимга дучор этилиши ёки бутун кўнгилни банд этган жона-жон Болгарияга олиб боручи йўлни абадий ёпиб қўйиши мумкин бўлган хавфли ишга бел боғлаган эдилар. Ҳозир улар ноаниқ фалокатларга қарши боришаради. Нима учун? Ўз ватанларини озод қилишга ёрдам бериш учун. Уларни бунга ким юбораяпти? Бундай фидокорликка уларни ким мажбур қиласяпти? Манфаат тақозасими? Шуҳратпарастликми? Йўқ, улар учун бундай ҳислатлар пасткашлик бўлур эди. Уларни бошқача ниятлар: замон руҳи, кўп азоб-уқубат тортган Болгария халқи ичдан шунча улуғ ўғлонлар етишиб чиқиб, уларнинг қаҳрамонлик ва фидокорликлари тўғрисида тарихимизга шонли саҳифалар қўшган замон руҳи ишғол этган эди. Бу чексиз саргардонликда мислсиз қаҳрамонликлар қад кўтараётган фидокорлик замони эди. Ҳарбир болгарнинг жароҳатли қалбидаги ватанпарварлик тори шундай нозик ва сезигр эдики, унга тегар-тегмас титраб кетар ва афсонавий оҳанглар пайдо қиласяпти.

Болгария унугиб, тақдирга ҳавола қилинган бу фариблар ўз ватанпарварларининг фифон-ноласини ва золимлар блан курашга чорлаб чақирган овозини эшилтгач, руҳан ёришиб кетдилар, қонлари қизиб, ўзларининг борйўқларини, ҳузур-ҳаловатларини ватан учун фидо қилишга ошиқардилар. Мол-мулк ва тинч турмушга эга бўлмаган кишилар ватан учун фақат ўз қонларини тўкишлари мумкин эди.

Уруш тўғрисидаги хабар эшитилгач, уларнинг ҳаммаси дилида ягона бир истак мавж урди. Бир вақтлар Александр Македонскийнинг қўшинлари қайтиш тўғрисида ўйламаслик учун Осиё қирғоғида ўз кемаларига ўт қўйгани сингари, улар ҳам бутун фикр-зикрлари фақат Болгария блан банд бўлсин учун бисотларидағи барча нарсаларни сотиб, ташлаб, ин'ом қилиб, йўқотиб юборишиди.

Ҳозир бу гапларнинг ҳаммаси бизга ақлга тўғри келмайдигандек бўлиб туюлади.

Уч кундан сўнг Говедаров хэшлардан тузилган талай дружиналарни Бухарест вокзалида кузатиб қолди; уларга ғалаба қозониш, урушни муваффақият блан тугатишни тилади.

Поезд қўзгалди ва жанговар қўшиқ садолари вагон фидиракларининг тарақ-туруқи блан қўшилиб кетди.

У замонлар яхши эди!

XVI

Уруш тўрт ойчадан бери давом этади.

Урушаётган икки тараф қўшинлари ўртасида ҳали бирорта ҳам жиддий тўқиниш бўлмади. Сусткаш Абдулкарим подшо ўз кучларини синаб кўриш ва қат'ий ҳаракатларга киришиш учун фурсатни ҳамон қулай топмас эди. Довюорак Черняев мағлубиятга учраш эҳтимолини назарга олиб, ҳали ўқ тутунини кўрмаган тажрибасиз серб лашкарини урушга солишга жазм қилмасди. Айни вақтда турк боши-бузуқлари зулмни тобора авжга миндирап, Сербиянинг хонавайрон қилинган чеккаларидаги ахолини тириклайн куйдирар, сўяр, асир олиб кетар эди. Серблар, руслар, болгарлар ва черногорлилардан ташкил топган серб армияси сафларида ҳам яширин бир норозилик, ички изтироб ҳукм сурарди. Ўзаро чиқиб турадиган тўқнашишлар буйруқнинг бажарилишига халақит берарди: бевақт уйғонган миллатчилик ҳислари ҳарбий ҳаракатларнинг тартибсиз ва чуқур мулоҳазасиз олиб борилишига сабабчи бўларди.

Саккизинчи сентябръда Алексинац ёнида йирик тўқнашув бўлиб, унда серблар ғалаба қозонди: улар турк қўшинларининг ҳужумини даф' этишди. Маш'ум Жунин куни¹ ҳали келиб етмаган эди.

Ун олтинчи сентябръда составида 850 болгар жангчиси бўлган рус-болгар бригадаси Гредетин тоғида турарди.

Гредетин — бир-бирини кесиб ўтган ҳархил кичик адрлардан иборат бўлиб, шарқда Сербия чегараси бўйлаб чўзилган эди. Унинг аксар қисми кичик-кичик дараҳзорлар ва буталар блан қопланган.

Тепаликлардан бирида, туркларнинг тўрт замбарак қўйилган истеҳкоми бор эди.

Тепаликнинг ёнбағрида кўндаланг ўйилиб, батареяга чиқиши йўлини тўсган уч қатор ҳандақ бор эди. Тепалик ҳимоячилари ҳандақлар бўйлаб шох-шаббалардан чайлалар қурган эдилар.

Тепадаги ҳандақлар блан батарея орасида дараҳтолардан тўсиқ қилиб қўйилган эди. Душман ҳатто ҳандақ-

¹ 1876 йил Серб-турк урушида серб армиясининг мағлубиятга учраган куни (мустаҳкамланган Жунин пунктининг туркларга берилиши).

ларни ишғол қилган тақдирда ҳам уни тоғ тепасига циқармаслик учун очиқ жойнинг ҳаммасига шох-шаббаётқизиб ташланган эди.

Энг яхши тез отар милтиқлар блан қуролланган түрт ёки беш турк батальони ҳандақлар ва батареяни ҳимоя қиласади. Бу жойдан сал нарироқда, мустаҳкамланган тепалик орқасида турклариинг зарур пайтда олдинги позицияларга чиқиш учун тайёр турган резерв қисмлари ўрнашган эди. Жарликнинг у томондаги энг баланд тепаликда, туркларниң битта крупп замбараги қўйилган «Оқ батарея» номли яна бир батареяси жойлашган эди. Морава дар'ёсининг сарғайиб кўринаётган водиси бўйлаб ёнаётган серб қишлоқлари устида оқ тутун бурқирамоқда эди. Боши бузуклар¹ бу қишлоқларни талаб, ўт қўймоқда эдилар.

Шу куни рус-болгар бригадасининг Бельгия милтиқлари блан қуролланган иккинчи батальони бу мустаҳкам позицияларга ҳужум бошлиши керак эди. Батальон, бутун турк фронти бўйлаб олиб бориладиган умумий ҳужум планига мувофиқ, Гредетин маррасини ишғол қилиш тўғрисида буйруқ олган эди. Рус-болгар батальонидан бироз нарида, ёрдамчи қисм сифатида, уч юз азамат черногорлидан иборат «бургутлар» отряди турарди. Ундан ташқари, чакалакзор орасида учта болгар батальони, тўрт замбаракдан иборат батарея ва уч-тўрт серб батальони ўрнашиб олган эди. Бу иккинчи жанговар линия ва резерв эди.

Иккинчи батальон, рус-болгар бригадасининг қолган уч батальони каби Морава армияси составига кирава ҳаракатчан рус полковниги Медведовскийнинг умумий қўмондошлиги остида эди. Медведовский эса ўз навбагида Хорватовичга итоат қиласади.

Генерал Черняев болгар кўнгиллиларидан тузилган батальон қўмондошлигига, ҳамма яхши кўрадиган довюорак болгар капитани Райчо Николаевни қўйган эди; Райчо Николаев илгари рус армиясида хизмат қилган ва 1854 йилда Дунай дар'ёсидан дадил сузуб ўтганлиги блан машҳур эди.

Эндиликда анча тажриба орттириб интизомли қўшин-

¹ Мунтазам бўлмаган турк қўшини; бу қўшиндан асосан тинч ҳолини талаш, сўйиш учун юбориладиган жазо экспедицияларида ғойдаланилар эди.

га айланган иккинчи батальон капитан Райчо Николаев томонидан июль ойидаёқ Бухарестда ташкил этилган эди; у пайларда 96 кишидан иборат кичик отряд эди; бу отряд Крайовода серб ҳокимияти томонидан Қуролсизлантирилгач, капитан уни Кладовога олиб чиқиб кетган эди; ҳозиргача бу батальон турк қўшилари блан бирнечча марта тўқнашди; 6 августда Копривница ёнида турк ва черкас қисмларини тарқатиб юборди; Градская кўли яқинида ўзини тўрт замбарак блан мудофаа қилиб, катта турк отрядини яксон қилди; уни қал'ага ҳайдаб кириб, ўша ерда писиб олишга мажбур этди. Жанговар сабоқларни олган батальон янада каттароқ ғалабалар сари интиларди. Шунинг учун ҳам Гредетин маррасини бир ҳамла блан ишғол қилиш тўғрисидаги буйруқ жангчилар томонидан баланд руҳ блан кутиб олишган эди. Генерал Черняев Шилинговецда болгарларга катта ишонч блан қараши ва уларниңг славянларниңг умумий душманларига қарши қаҳрамонона жанг қиласжакларига шак-шубҳа қилмаслигини айтган ва болгарлар унинг ишончини оқлайдиган фурсат қаҷон етиб келишини сабрсизлик блан кутар эдилар.

Яна бир муҳим ҳолат мавжуд эди. Серб офицерлари блан болгарлар орасидаги муносабат у қадар дўстона эмас эди. Даастлабки пайларда сезилган яширинча душманлик бора-бора ошкор тус олди, аллақачон Сербия териториясига кўчган уруш вайроналари, Морава ва Тимок дар'ёлари водийсини ташлаб, фронтининг кўпчилик участкаларидан чекинишга мажбур бўлган серб армиясининг муваффақиятсизликлари, ёнғинлар, талончилик ва урушниңг чўзилиб кетиши сербларни ғазаблантирган эди; эндиликда улар ўша вақтдаги қизгин ҳаракатлари, дадил ташаббусларининг муваффақиятсизликка учраш сабабларини ва унинг айборларини изламоқдалар. Улар доим Болгарлардан шубҳа қилишарди. Правардида Болгарларни риёкорлик, мунофиқлик, қўрқоқлик ва ҳоказолар блан айблайбошладилар. Бу айблар қаттиқ ҳақоратлар блан — ҳақоратлар эса ишончсизлик ва ошкор та'қиб блан олмошинди. Болгарлар ўзларига сербларниңг беғараз иттифоқчи эмас, балки фақат талонторож учун келган ёлланма муттаҳамлар армияси деб, қараётганликларини аниқ тушундилар. Бунинг устига, матбуот ҳам оловга ёғ қуяр эди. Болгарияни озиқ-овқат, ўқ-доридан, та'минотдан чеклайбошладилар. Болгарлар-

ни Старо-серблар деб аталишга мажбур қиласлошлилар; Неготин ёнида уларнинг болгар байроғини серб байроғи блан олмоштиришга ҳам уриниб кўришди. Ахвол кундан-кунга оғирлашар ва топшириқни бажариш тобора мушкуллашарди. Аммо, жисмоний азоблар блан боғланган бу мушкулотларнинг барчаси ҳам болгарлар қўрқоқ деган, умумий мулоҳаза олдидаги ҳеч эди.

Улар тортган руҳий азобларни янада мукаммалроқ исботлаш учун, капитан Райчонинг ўша куни эрталаб ўз батальони олдига сўзлаган нутқидан сўнгги сўзларини келтирамиз: «Ниҳоят,— деди у,— биз барча христианларни та’қиб этучилар блан ҳисоб-китоб қиласидиган ва уятсиз «Изток»¹ газетасининг овозини ўчирадиган кун келди. Бугун биз қаҳрамонона тўкилган қонимиз блан ўз номимиздаги нафрат доғини ювиб ташлаймиз ва бизни маҳрум этмоқчи бўлганлари номусимизни яна қайтариб оламиз».

Полк дам олиш учун ўрнашиб улгурганча ҳам йўқ эди, қаердадир ўнг томонда ёрилган снаряддан ҳавозириллаб кетди.

Черногорлилар туркларга ҳужум бошлаган эди.

Улар устига довулдек ўқ ёғилабошлади. Душман ҳандақлари устини узун тутун тасмалари қоплади. Ўқчилар атака бошлади, улар кетидан бутун батальон ҳам ҳандақларнинг биринчи линияси томон югорди. Кўкиш тутун чулғаган ўқлар қуони кўнгиллилар сафини тарқатиб юборди; Гредетин ва оқ батареялар ўқ ёғдирабошлаган эди. Аммо кўнгиллилар, ўлганлар ва ярадор бўлганларни орқада қолдириб олға боришар ва тинмай отишарди. Улар бақириб-чақириб, сўкиниб душман ҳандақлари томон югураётган черногорлилар блан қўшилишгач, даҳшатли жанг қизиб кетди. Турклар ҳандақлардан иргиб чиқиб югуришди. Душманлар бетма-бет тўқнашидилар. Қилич найза блан чатиши, муштлар бориб милтиқ стволига урилди, сўкинишлар ҳақоратларга аралашиб кетди. «Олға» деган бақириқлар блан қўшилган қасир-қусур ўқ товушларидан осмон зириллади. Черногор-

¹ «Изток» (Шарқ) — 1876 йилдаги серб-турк урушида серблар томонида туриб курашган болгар кўнгиллиларига қарши туҳмат тўла хабарларни босгани реакцион серб газетаси.

лилар шердай отишардилар. Болгарлар ҳашмаига газаб блан қилич солишар, мушт түширишар, ўқ оғиншар эди. Душман ҳужумга дош беролмай чекиншига мажбур бўлди. Батальон чайталар линиясига ёриб ўтиб, уларга ўғ қўйди, биринчи ҳандақларни шигол қилиб, иккинчиен сари ташланди. Голибона «Ура» салодари яиги куч блан янгради; батальон ўқ ва гранаталар ёмири остида ҳужум қилиб борар, душман эса кўнгиллиларни иккичи ҳандаққа ҳам яқинлашиб қолганликларни кўриб, ўқ уза-уза аста чекинабошлаган эди. Черногорцилар яна бир ҳамма блан туркларни сиқиб бораверди. Болгарлар эни ҳандақларнинг учинчи линиясига яқинлашиб қолгани эди. Уларни тўхтатишнинг иложи йўқ эди. Турклар чаи қанотга атака қилишга уриниб кўришиди, аммо командани эшишиб қолган кўнгиллилар дарҳол фронтни душман томон буриб, унинг маневрини барбод қилдилар. Кўнгиллилар турклар устига қўққисдан даҳшат блан ўқ ёғдиришдик, улар шошилинч равишда энг яқин тепалик томон чекинишга мажбур бўлдилар. Славяниларнинг довюраклиги ва мислсиз жасоратини тасвир этишга қалам ожизлик қиласди. Уларнинг кўплари жангда ҳалок бўлди, лекин тирик қолганлар: «Ура!», «Falaba!» деган қичқириқлар блан ҳамон олға босишар эди. Душман ёғираётган ўқларнинг даҳшатига қарамай улар ҳандақларнинг учинчи линиясига ёриб киришди. Порох тутунидан қорайган юзларига қон сачраган Бричков қўлда ханжар блан брустверга тирмашаркан, ногаҳон яқин жойдан таниш бир овозни эшишиб қолди:

— Бричков, ўляяпман!

У ўгирилиб қаради. Кўкракдан яраланган Владиков ҳандаққа йиқилмоқда эди.

Ҳамаёни жароҳатланган, бошяланг Ҳожия қўлда пи-чиқ блан чуқурга ташланди ва бир жангчининг ёрдами блан кўкрагидан иссиқ қон оқиб турган Владиковни кўтариб чиқди. Уни орқа томонга олиб кетишиди. Шу он Бричковнинг қулоқлари ёнидан ғраната ғувуллаб ўтди ва худди Владиковни олиб боришаётган жойда портлади. Унинг ўртоқлари чанг ва қопқора тутун булути ичидагойиб бўлишди. Портлашдан ҳосил бўлган ҳаво тўлқинидан Бричков гандираклаб кетиб, йиқилишига оз қолди. Аммо, унинг қўлтиғидан бақувват қўллар ушлаб қолди ва кимдир: «Маҳкам тур, биродар! Олға!» — деб қичқирди. Бу он Бричков ўз олдида Македонскийни кўрди.

Баданидан қон оқиб турган, умумий ғайрат ва ғолибона қичқиришлар блан қизишиб кетган Македонский бруствер чўққисига чиқиб олган эди. Атрофдан ҳуштак чалиб, ўқлар визиллаб турарди. Жангчилар илгари силжишга ҳалақит бериб турган, кесилган дараҳтлардан қилинган тўсиққа яқинлашиб келдилар. Улар ҳолга етган Бричков, сўнгги кучини йўқтар — уни даҳшатли чанқоқ қийна-моқда эди. Үз назарида ҳозир йиқилиб, ўладигандек туюларди. Унинг қақраб кетган томоғи ва тили оловда ёнаётгандек бўларди. Бричков ўзининг ярадор бўлганини билар, лекин қаердан ярадор бўлганини сезмасди. У фақат бир нарсани — чидаб бўлмас даражадаги чанқоқ азобини сезарди. Македонский жарлик тубида кичик бир кўлмакни кўрди, ундаги сув солдатлар кечиб ўтгандан лойқаб кетган эди. Улар кўлмак устида энгashiб, жонжашд блан сув ичишди. Ҳатто шу сув ҳам уларга оромбахш йичимликдай туюлди ва ҳолдан тойган Бричковга мадад берди. Улар йиқилиб ётган дараҳт шохлари орасидан ёриб ўтиб, яна олға қараб интилишди. Қасир-қусур ўқ товушлари орасидан капитан Райчонинг: «Олға, биродарлар!», деган командаси тинимсиз эшитилиб турарди. Бричков блан Македонский йироқда бир кўриниб, йўқолиб турган болгар байроғини кўришарди.

Ниҳоят кўнгиллилар бу сўнгги ғовни ҳам ёриб ўтиб, ҳаллослаганча нарёғидан тўрт замбарак ва узун найзали талай мильтиқлар кўриниб турган тепаликка чопиб чиқабошладилар. Энди туркларнинг бутун кучлари йиғилиб, батарея атрофида жам бўлган эди. Аёвсиз ва шафқатсиз жанг янгидан қизиб кетди. Славянлар фавқулодда жасорат ва шиддат блан жанг қилишарди. Улар душман устига шер каби отилишар, чексиз нафрат, даҳшатли ғазаб ва жаҳолат уларни маст қилган эди... Үлим ва уруш даҳшати уларга ғайритабиий жасорат бахш этган эди. Темирдек сабот ва чидамга молик бўлган жангчилар уч соат давомида тоққа қараб тирмацишдан чарчаганликларига, очлик ва чанқоқ азобидан қийналиб кетганликларига қарамай қадни букмас эдилар. Болгарлар ва черногорлилар овозлари борича «Ура» садоларини янгратиб, редут¹ устига ташландилар ва яна қўлаки жанг қизиб кетди. Душман саросимага тушиб қолди, лекин

¹ Редут — айланасида чуқур қазилиб, четлари тупроқ блан тўсилган ҳарбий истеҳком.

турк командирларининг бири атакага сигнал бериб қолди, бундан дадиллашган турклар редутни ишғол қилишга улгурган кўнгиллилар устига яна ёпирилишиди. Портлашлардан ҳамаёқ зириллар, киши гаранг бўларди. Душманнинг жимиб қолган тўрт замбараги жангнинг соқов гувоҳлари сингари тек турарди. Чор атроф ўлик ва ярадорлар блан тўлган эди. Турклар янги ҳужумга бардош қилолмай тум-тарақай қочишди. Кўнгиллилар замбараклар томон ёриб ўтишиди, улардан бири эпчиллик блан замбарак устига чиқди ва унга миниб:

— Фалаба! — деб бақирди.

Бу Бричков эди.

Қандайдир бир турк солдати найза ўхталиб унга ташланди ва:

— Қайт орқага, ит! — деб йиртқичларча ҳайқирди.

Аммо Бричков қўлига қаерданdir, тушиб қолган мильтини яшин тезлигига ўнглаб олди ва бутун кучини йиғиб туриб қўндоқ блан туркнинг бошига туширди:

— Мана сенга, ушла!

Найза Бричковнинг қўлтиғи тагига сурилиб кетди.

Турк тил тортмай қотди.

Бу орада яна уч турк колоннаси ёрдамга етиб келди: Турклар чекинишдан тўхтаб яна редутга ҳужум қилишиди.

«Оқ батарея» гранаталар ва ажал уруғларини сочар эди.

Кўзлари фавқулодда даҳшат блан ёнган Македонский ҳужум қилаётган душманга биринчи бўлиб пичноқ блан отилди, унинг ўз жароҳатларидан оқсан ва бошқалардан юқсан қон кийимидан томиб турарди.

Македонский ёнига келиб тушган граната майдада осколкалар таратиб портлади ва у қуюқ тутун ичидан кўздан фойиб бўлди.

— Македонский! — деб қичқириб юборди Бричков ва шу он замбарак устидан ерга йиқилиб тушди.

Душман узган ўқ унинг бошидан тешиб ўтган, Бричков ўлган эди.

XVII

Черногориллар ва рус-болгар бригадасининг иккинчи батальони редутни ушлаб қолаолмади. Серб батареялари жим тураверди ва серб резервлари бу бир гуруҳ қаҳрамонларининг довюраклик блан қилган ҳужумини қўлламади: улар ҳалок бўлаётган шонли жангчиларни совуқ-қонлик блан тамоша қилдилар. Нима учун?

Янги қисмлар ва «Оқ батарея»нинг тўхтовсиз ўти блан кучайган бирнеча мииг турк яна редут устига ёпирилди ва қўнгиллилар шиддатли, лекин бефойда қаршиликдан сўнг уни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар.

Бу муваффақиятсиз қаҳрамонона жангда юзлаб ёш болгар жангчилари ва кўпчилик черногорлилар ҳалок бўлди. Улар сон жиҳатдан кўп бўлган душман ҳужумига дош беролмадилар, лекин ўзлари спартанлилар сингари жон бердилар.

Бу жангда талай рус офицерлари ҳам ҳалок бўлди; чекиниши пайтида тушган граната капитан Сикорскийнинг бир оёғини мажақлаб юборди, олти болгар тил тортмай ўлди. Бошқа бир граната капитан Райчо яқиида ёрилди ва у ҳушдан кетиб йиқилди. Уч кунгача уни ўлган деб ҳисоблашди.

Аммо болгарлар ўз ша'инга доғ туширгани йўқ. Уларнинг қаҳрамонликлари тўғрисидаги овоза ҳамаёни тутиб кетди ва иғвогарларнинг оғзиға урди. Болгарларнинг қаҳрамонлигидан чуқур та'сирангган генерал Черняев уларни мақтov ва мукофотларга кўмди.

Бизнинг дўстларимизчи?.. Қарийб уларнинг ҳаммаси илтифотсиз Гредетин тепаликлари ёнида ҳалок бўлди. Владиков блан уни жанг майдонидан олиб чиқаётган Ҳожия иккаласи гранатадаи ҳалок бўлди. Бебровский қилич блан учта туркни чопиб ташлаган аснода ўзига йикки марта санчилган найза зарбидан ўлди. Бошқа кўп кишилар жанг майдонида ёки энг яқиндаги яра боғлаш пунктларида кўз юмишди. Уруш тамом бўлгандан кейин Бухарестга қараб пиёда жўнаган Попче блан Мравка, уст-бошлари юпинлигидан Крайовога яқин бир жойда, аёзли қиши кечасида совуққа қотиб қолди.

Биргина тирик қолган одам Македонский эди. Бу жангда у, ўн бир жойидан ярадор бўлиб, ҳаммаси битиб кетди, броқ, ўнг қўли бутунлай ишдан чиқди.

Ҳозир у хат ташучи бўлиб ишлайди ва соғ қўли блан идорани супуриб юради.

Старая-планиннинг шери, Гредетин чўққиларида жанг қилган бу қаҳрамон эндиликда хат кўчиручи миризанинг дағал сўзидан ҳам чўчиб тушади.

Қани энди, ажал келақолсачи!

Эссиз, эссиз Македонский! Бундан кўра Гредетин ёнида ҳалок бўлгани ма’кул эмасмиди!

Пловдив. 1884.

ЯНГРА МАРИЦА¹

I

Урта ер денгизи ва Қазил дентиз бўйлаб қилган узоқ сафардан кейин пароход бизни Арабистоннинг қумлоқ соҳилига чиқариб ташлади. Бундан дилимиз қанчалик ғам-ғуссага тўлганлигини қалам блан ифода қилиш мумкин эмас. Пароходдаги умумий ҳаёт, ўзаро сұхбат, шунингдек биз сузиб ўтган хилма-хил соҳиллар шу дамгача кўнглимга таскин бериб келарди. Царьграддан жўнаётганимизда биз борадиган узоқ жой у қадар қўрқинчли туолгани йўқ, у вақт ҳали биз Царьградда азиз қадрдонлар, жонажон гўшалар блан хайрлашишдан олган таассуротлар блан тўла эдик... Броқ, Арабистон ерига келиб тушдик-у, ҳаммамизни чуқур ғам босди, умидсизликка тушиб қолдик. Кўп ўтмай бу бегона саҳрова, ваҳший қабилалар орасида ҳарёққа тарқалиб кетамиз — бир-биримиздан жудо бўламиз деб ўйлардик. Бизларни бадарға қилиш бошланди. Болгария тоғлари ва қоялари озодлик урушининг гулдурос садоларидан зир титраётган бир пайтда тақдир бизни ўз юртимииздан узоқ мана шу мажхул юрга келтириб ташлади. Оғир, мудҳиш жудолик! Энди биз Арабистон саҳроларида адашиб, узоқ ватанимизда нималар бўлаётганини эшитиш ва рус қуроли қозонаётган муваффақиятлардан қувониш имконидан ҳам маҳрум бўлдик. Балки бу тўғрида ҳечнарса эшитмай, Болгарияни озодлик блан табрик этолмай ўлиб кетармиз ҳам! Тўғри, Осиёнинг йироқ жойларига илгари

¹ Бу ҳикоянинг сюжети д-р И. Н. Любеновнинг «Яман тўғрисидаги хотираларим» номли китобидан олинди. (Автор эскартласи).

ҳам болгарлардан минглаб одамлар сургун қилинарди. Броқ, улардан ҳечқайсиси ҳам бизлардай азоб-уқубат тортмаган бўлса керак!

II

Қувғин! Лекин биз қувғин қилинган эмасдик! Биз Царьграддаги медицина билим юртида та'лим олган врачлар эдик; султон эндиғина бизни Ямандаги турли ҳарбий қисмларга ишга тайин этган эди. Бизни ўёққа соғлиқни сақлаш манфаатлари учун эмас, балки ўз ватанимизга қочиш имкониятидан маҳрум этиш учун жўрттага юбордилар. Ватан эса, қучоғини очиб ўз ўғилларининг кучкуввати, билими, меҳнати ва қонини да'ват этарди.

Биздан илгарироқ келган кишилардан ба'зилари бу жойдан қочиб, Болгарияга қайтиб боришига муваффақ бўлган эдилар. Бахтли кишилар! Биз эса, дун'ёнинг бир чеккасида, ёт ва бегона халқ орасидамиз, ўзимизга бегона бўлган манфаатлар учун хизмат қиласиз; бу ерда бизнинг ҳис-туйғуларимиз, аллангали истакларимиз, азоб-уқубатимиз, ўлик-тиригимиз блан ҳечкимнинг иши йўқ...

III

Биз келиб пароходдан тушган жой Худайда леб атадарди. Менинг уч ўртоғим шу ерда қоладиган, ўзим эса мамлакат ичкарисига — Хачега жўнайдиган бўлдим.

Хаче — яланғоч тоғ бағрида, саҳро ўртасида жойлашган кичик араб шаҳри бўлиб, итоатдан бош тортган ва турк қўшинларига қарши муттасил курашаётган араб қабилаларига яқин жойда эди. Биз у ерга етгунча туяда ўн кун йўл босдик. Йўл сувсиз, кимсасиз жойлардан, тошлиқ ва тепаликлардан ўтиб боради. Ҳечқаерда на бир дараҳт, на бир гиёҳ йўқ! Кундузги жазирама дўзах ўтидай куйдиради: ахир биз тропиклар ёнида эдик-ла! Туниги совуқдан чодирда дийдираб чиқаман. Эрталаб турганимда усти қордай оппоқ аллақандай яланғоч тепаларни кўраман: бу, қиров эди! Орадан бироз вақт ўтгач яна даҳшатли жазирама! Мен ўзимни денгиздагидек чайқатиб, кўнглімни беҳузур қилиб бораётган туядан йиқилиб тушгудек бўлдим; бирнеча бор офтоб уришидан жон беришни орзу қилдим!..

Уззу кун иссиқ, тош, қум — бошқа ҳечнарса йўқ. Худо қарғаган бир юрт тағин «Бахтиёр Арабистон» деб ата-

лади! Оҳ, биллурдек суви, ям-яшил водийлари ва дарахт-зор тоғлари бўлган менинг Болгаријам қаёқда қолди! Кани у? Мен ҳатто бу тўғрида ўйлашга ҳам жур'ат этол-масдим!

IV

Мен Хачеда кутилмаган катта бир баҳтга эришдим: у ерда мен ўз ҳамкасбим ва ватандошим — доктор Н. Ка-рановни учратиб қолдим. Буёққа келтириб ташланган ва унтиб юборилган Карапон Болгаријада нималар бўла-ётганилигидан бутунлай хабарсиз ва уни яна қайтиб кўришдан умиди узилган эди. У менинг квартирамга биринчи бўлиб келди. Ўз номини айтди-ю, ортиқча сўзлаб ўтирмаи, бўйнимдан қучоқлаганча пиқ-пиқ йиғлай-верди.

— Гапир, гапир, азиз биродар! — деди у ниҳоят; кўзи-дан тинмай оқаётган ёш унинг юзини ювар, ҳалқумини бўғар эди.

Унинг оқарган, изтироб чеккан юзи ҳеч эсимдан чиқ-майди: унда гёё осмон юзидан шамол қувиб ўтаётган булутлар каби қувонч ва ғусса, болаларча завқ ва азоб туйғулари кўринарди. Бу узоқ вақт яширилган ва ниҳоят бирваракай юзага чиққан аралаш туйғуларнинг ифодаси эди; Царьграддан жўнаб кетгунимча кузатиб борганим ҳарбий воқиалар тўғрисидаги ҳикоямни эшитганда унинг дилида тошиб кетган чуқур ватанпарварлик қувончи ҳам хотирамдан ҳеч кетмайди.

Менинг қувончдан шавққа тўлиб кетган дўстим энди-гина йигирма саккизга борган эди. Броқ, турмуш уқубатлари иқлим ва фам-ғусса унинг тропик қуёшидан қорай-ган чиройли кулча юзини бот қаритган эди. Унинг кўзла-рида оташ ёнар, лекин юзида ҳасрат муҳри қолган эди... Унда-бунда оқ аралашган жингалак соchlари, туркча қилиб қўйилган қалин соқоли унинг чиройли юзини ўраб турарди. Хизматни мендан илгари бошлагани учун унинг мансаби ҳам меникидан юқорироқ эди. Мен уни ўз акам-дек севиб қолдим...

Бечора Карапон! Унинг аҳволи меникидан баттар оғир, анча оғир эди. Бу ерда у чинакам сургунда яшарди. У ўз хизмат муддатини аллақачон Герцеговинада ўтаб бўлган эди, броқ Царьградга қочиб келган Панагюр

қўзғолони¹ иштирокчиларини яширгани учун жазо тариқасида уни яна Яманга хизмат қилгани юборишиди... Мана, бир ярим йилдан буён уни ҳали у районга, ҳали бу районага ҳархил касалхона ва отрядларга юборишади. У кишини нобуд қилгудек иқлимга эга бўлган бу мамлакатдан ўзини озод қилиш тўғрисида бирнече марта илтимоснома ёзди, лекин ҳаммаси жавобсиз қолиб кетди. Болгарияга қайтиб бориш муддатининг нома'лумлигидан тортган азоби устига (афсуски, унинг ватанга қайтиш умиди узилган эди) — уни батальон командири ҳам та'қиб этиб, умрини заҳарлар эди. Караповга аллақандай нафрат ва адovat кўзи блан қаровчи батальон командири (Карапов бунинг сабабини тушунаолмас эди) уни уёқдан-буёққа ҳайдар, ҳарнарсани баҳона қилиб бирорвлар олдида ҳақорат қилар, фурсат келди дегунча, унинг тақдирини ҳал қилучи кишиларга устидан шикоят ёзар эди. Туркнинг бу қаҳри-ғазаби Караповнинг бу ердаги ғоят машаққатли, ва охири кўринмайдиган оғир ҳаётига заҳар сочгани сочган эди. Карапов ўз ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳам неча бор қочишни хаёл қилди, броқ ҳарқандай бошпанадан узоқ бўлган ва доимо ҳарбий ҳолатда турдиган бу жойдан қочишнинг иложи йўқ эди. Эндиликда Болгарияда уруш сурони давом этаётган бир пайтда эса, унинг дилидаги ватан соғинчи айниқса кучайган эди.

У ғуссадан эзилиб, сўлабошлаган эди.

Бирнече бор хўрсиниб:

— Йўқ, азиз биродар, ўлигим шу ерда қоладиганга ўхшайди,— дерди у менга, кейин янада ғамгинроқ қилиб,— бу унчалик қўрқинчли эмас. Лекин озод Болгарияни кўрмаслик, уни ҳечқачон кўрмаслик ёмон! Ё тангрим! — деб қўшиб қўярди.

У болгар қўшиғини тинглашга бўлган қизғин иштиёқини жуда кўп гапиради. Мен Царьградда бир қўшиқнинг на оҳанги ва на сўзини ўрганиб олишга муваффақ бўлолмаган эдим. Менинг нодонлигим Караповни хафа қилди. У бундан олти ой илгари қўлига қисқа вақтга ва тасодифан тушиб қолган бир француз газетасидан бу миллий гимн ҳақидаги айрим тафсилотларни билиб олишга улгурган эди.

— Кўшиқ,— деб ҳикоя қиларди у,— Gronde, Marițza,

¹ 1876 йил апрель ойида Болгарияда бўлган қўзғолон.

*teinte de sang*¹ — деган сўзлар блан бошланади. Бизнинг лашкарларимиз бу қўшиқ садолари остида жаигга кириб жон бердилар. Даҳшатли сўзлар бу, ази биродар: —Gronde, Maritza, *teinte de sang* — «Янгра Маринца, қонла бўялган...» — деб таржима қилиб берди у сўзмасўз французчадан. — Бу сўзларда қандай қудратли ма’но бор, тушунасанми? Бу қонли қўшиқ — Болгария учун худди шунақаси мос келади... Қани энди уни бир марта эшитиб, кейин жон берсанг... Ҳозир бўлса мана замбараклар гумбирлаб, бутун Bolқонни зир титратмоқда... Таигрим, нега мен ўёқда эмасман, Болгария озод бўлаётганини нега ўз кўзларим блан кўрмаяпман? «Болгариянинг озод бўлаётганини кўриш!» Эшинаяпсанми, бу сўзларнинг бекиёс латофатини бутун дил блан тушунаяпсанми? Шундай улуф ишда биз иштирок этолмаймиз-а! Уни кўролмаймиз-а! А? Қандай даҳшат бу!

Шу сўзларни айтгач, у жим бўлиб қолар, ўзи яшайдиган яхудий уйининг террасасида (бу жойдан уфққа туташиб кетган чексиз тўлқинсимон саҳро манзараси кўриниб турарди) асабий равишда ўён-буён юрар ва аллақандай француз қўшиғининг куйида, лекин фавқулодда жанговар оҳангда қўшиқ айтарди.

Gronde, Maritza, *teinte de sang*,
Gronde, Maritza, *teinte de sang*,
Gronde, Maritza, *teinte de sang*,
De sang, de sang, de sang...

Унинг кўзлари ўтдай чақнаради! У, бу даҳшатли сўзларни уларнинг ма’носига тушунмайдиган араб осмонига қарата хитоб қилар, сўнг бирдан тўхтаб, қўшиқ ва Болгариядаги урушнинг тулдурос садоларига жавоб олмоқчи бўлгандек, шимол томонда, худди уфқ юзида қад кўтарган ялангѓоч тоғларга кўз тикиб, қулоқ соларди...

— Оҳ, болгар тимнини лоақал бир марта эшитиб, кейин ўлсанг! — деб хитоб қиларди у.

V

Бу гаплар дилимизни забт этар, ҳаяжонга соларди. Ватан образи хаёлимиздан ҳеч нари кетмасди. У бизга кўринмай турган учинчи ўртоғимиз эди. Аммо, бу дилимиздаги унга бўлган соғинични янада кучайтирас, қалбла-

¹ Болгар миллий гимни биринчи сатрининг француз тилига таржимаси (Янгра Маринца, қонла бўялган...)

римиз беҳуда алам блан ингарди. Мен Ҳачега келганимдан, я'ни сентябрьнинг бошларидан бери уруш тӯғрисида бирор хабар эшиганимиз йўқ: Ҳозир эса ноябрь ҳам тамом бўлмоқда эди. Ҳудайдадаги ўртоқларимизнинг аҳволи нисбатан дуруст эди. Порт яқин бўлгани учун улар аҳ-ён-аҳ-ёнда бўлса ҳам, Европадан хабар эшитиб турардилар; биз бўлсак бу ерда худди бошқа бир оламда яшамоқда эдик. Тӯғри, батальон командирин округ бошлигининг резиденцияси Сан блан карвон орқали алоқа боғлаб турарди, лекин биз ундан бирон гап сўрашга ҳаддимиз бормиди? Бусиз ҳам бизнинг болгар миллатига мансублигимизнинг ўзи туркларнинг шубҳали фанатизмини қўзғотаётган бир пайтда, урушга бўлган иштиёқимизни сездириб бўлармиди? Биз билдириш турниб уларнинг юзларига қараб, бирон ҳарбий воқияга бўлган ишоратни сезиб олишга ҳаракат қиласдик. Агар уларнинг юзларида шодлик кўринса, бизнинг юзимизни қора булат қопларди, бордию улар бизга хафароқ кўринса, бунга аниқ далиллар бўлмаса ҳам, бизнинг дилимиз оташин ғазаб блан тўлиб тошарди. Биз уларни диққат блан кузатиб боришга одатланганимиз туфайли дурустгина билармон бўлиб қолдик. Кўз кўрмаган нарасани дил пайқаб оларди. Декабрьнинг дастлабки кунларида биз, туркларнинг қўрқа-писа пицирлашишларидан Плевна таслим бўлган бўлса керак, деган қарорга келдик!..

Кўп ўтмай чиндан ҳам шундай бўлганилиги тӯғрисида хабар келди. Бу воқия тӯғрисидаги хабар (Плевна 28 ноябрьда таслим бўлган) Витадан Арабистон саҳросига етиб келиши учун ўн кун муддат керак бўлди.

Аммо биздаги қувонч ҳечқандай шак-шубҳани тан олмас эди. Ҳали ҳам хотирамда, биз Карапов блан эрталабгача мижжка қоқмадик. У эса ўзини бутунлай унугтиб, дам ўтмай ташқарига чиқар ва ўзининг «Gronde, Maritza, teinte de sang, de sang, de sang!..» қўшиғини айтар эди. У, зўр қайғу ҳасрат ёки шодлик дақиқаларида, юрагини шу қўшиқ блан бўшатар эди.

VI

Аммо ўртоғим блан вақтинча ажralишга тӯғри келиб қолди. Мен Ҳаченинг шимол томонида жойлашган араб

қабилаларига қарши юриш бошлаган отрядга ишга тайинланган эдим. Бу қабилалар фавқулодда жанговар ҳалқ бўлиб, фақат ўз йўлбошчиларига бўйсунишарди. Улардан ба’зилари Туркияга қарам бўлишларига қарамай, унга хирож тўлашмайди, аксинча яқингача ҳам турклар уларнинг йўлбошчиларига хирож тўлаб келди. Агар турклар хирожни ўз вақтида келтириб тўламаса, пилникли милтиқлар ва найзалар блан қуролланган араблар ўз маҳдийлари (пайғамбарлари) раҳбарлигига турк қўшинларига қарши юриш бошлашар ва бирнечча ой давомида улар блан жанг қиласидилар... Ҳозир ҳам худди шундай бўлган эди. Турклар ҳужум қилишар, лекин кўп талофот беришарди. Мен а’зо бўлган рота душмандан тортиб олинган бир минорада турарди. Бу минорани араблар портлатиб юборишиди. Рота командири блан бирга бутун солдатлар ҳам ҳалок бўлди. У вақтда мен лагерьдан икки соатли йўлдаги ҳарбий госпитальга раҳбарлик қилаётганим учун омон қолдим. Араблар бу госпиталь тагига ҳам дори кўмишди, лекин унинг фақат бир қанотинигина портлатишга муваффақ бўлишди. Мен бошимдан шунча хавф-хатарларни кечириб, озиб-тўзиб, уч ойлик сафардан сўнг Хачега қайтиб келдим.

VII

Дилимга келган биринчи истак тезроқ Каравоннинг олдига бориш ва янгиликлардан эшитиш эди. Мен Болгария тўғрисида лоақал бирон гап эшитишга ташна эдим.

Дарвозадан чиқишим блан Каравоннинг хизматчиси— ярим яланғоч негрга дуч келдим. У менга шоша-пиша та’зим қилди-да, ҳалат олдини беркитатуриб деди:

— Омон-эсон келдингми, афаңдим!

— Ҳўжайининг қани! Унинг аҳволи қалай?

У менга ташвиш блан қараб қўйди.

— Унинг олдига бор, афандим. Сен келдингми, йўқми билиб кетай деб, йигирма марта келдим,— деб ғамгин жавоб берди негр.

— Нима бўлди унга? Касал-пасал бўлиб қолмадими тағин?

— Касал, афандим... оғир касал!

Мен Каравоннинг уйига югуриб бордим, у кўрпа-тўшак қилиб, беҳуш етар эди. Ёнида батальон врачларидан

бiri Жамолбей блан елкаси букилган, қопқора бадавий кампир ўтиришарди. Врач ёнимга келиб секингина сўраши ва:

— Ундан умид йўқ... — деб пичирлади.

Менинг шоша-пиша берган саволларимга, у ўртогимнинг тифнинг оғир бир хили блан оғриганлиги ва бунга бошқа касалликлар ҳам қўшилганлигини тахмин қилди. У нима касаллигини аниқ белгилайолмайди... Касал биринчи галда руҳий ҳолатлар сабабли бошланган, деб ўйлайди... Беморнинг ҳоли foят оғир... Мана беш кун бўлдики, у туз тотгани йўқ. Алаҳсирайди, мени сўрайди. Дарвоқи' бу сўроқ ҳам тобора камайиб бормоқда. Яқинда у, ҳушига келиб мени чақирган, энди эса, яна ўзидан кетиб мурдадек ётипти. Ҳарорати жуда баланд, яқин ўртада узилса керак.

— Ҳа,— деб қўшиб қўйди врач,— у яна қандайдир бир Марицани чақиради.

— Бу ким? Биронта болгар қиз бўлса керак, а?

— Ҳа, унинг синглиси бўлади,— деб жавоб бердим мен бамайлихотир.

Бу он bemor қимирлаб алаҳсирайбошлади. Врач менга эшитинг дегандек ишора қилди. Ич-ичига ботиб кетган кўзларини очиб, бўшлиққа тикилиб қолган Карапов қонсиз қуруқ лабларини қимирлатиб, англаб бўлмайдиган сўзларни ғудурлади; унинг озиб кетган, дард эзган за'фарон юзларида азоб-уқубат ва ўлим аломатлари кўринар эди. Ногаҳон Карапов бошини ёстиқдан узди ва даҳшатли ўт ёниб кетган кўзларини деразага тикиб, баланд овозда бақириди:

— Gronde, Maritza, teinte de sang! Ҳа, шундай-шундай! Ура!

Gronde, Maritza, Maritzal..

— Эссиз, әссиз йигит! — деб пичирлади раҳми келиб Жамолбей, деразага осилган, ичида хотин-қизлар ҳам бўлган портретларга кўз ташлаб. Карапов айтган сўзлар орасида у фақат «Марица» деган сўзнигина ажратиб олган эди.

VIII

Энди мен хизматдан кейинги бутун бўш вақтимни баҳтсиз дўстим тўшаги ёнида ўтказабошладим. У зўриқиб алаҳсирапар, фақат ба'зан бир зумгина эс-эс ўзига

келарди: уч кунгача давом этгай бу алаҳсираш охирида ўзим талвасасига айланди...

Мен унинг кўзларини юмиб қўйдим. Бечора Карапов! Шу бўйича у мени бирон марта ҳам танимай кетди; у блан икки оғиз сўзлашиш ҳам, номимни унинг оғзидан эшлиш ҳам насиб бўлмади. У бутун нарсани унугди; тартибсиз тарқалиб ётган онгида ҳамма нарса бир-бирига аралашиб кетган эди. Мен унинг ловиллаб турган кўрагидан узулиб чиқаётган ма'носиз сўзлар, аянчли бақириқлар қуюни орасидан фақат аниқ, мукаммал мазмунли ва киши қалбига ғул-ғула солучи биргина жумлани ажратар эдим:

— Gronde, Maritza, teinte de sang!

Эвоҳ, болгар гимнини эшлиш унга насиб бўлмади!

София. 1890.

„ТРАВИАТА“

Қишки қуёш мўл нур сочиб, мен яшайдиган хонани ёритган. Деразадан қиялаб тушган олтин нур зарралари гиламда ва менинг столимда ярқирар, офтоб теккан бир бўлак мовут ям-яшил товланарди.

Мен доктор М. га соя томонга сурилиб ўтиришни таклиф этдим; чунки у сухбат вақтида беихтиёр стулни деразага яқин сурис олган ва офтоб ҳозир тўппа-тўғри унинг тепа кал бошига тушиб турарди.

— Йўқ, ўзим жўрттага шу ерга, офтобга ўтирдим. Офтоб нури менинг жоним. Қуёш — саломатлик деган гап,— деб жавоб берди у, ва бўлинниб қолгани гапни, давом этдирди.

Бу вақт ташқаридан волторна¹ садолари янгради: унинг¹ товуши тобора секинлашарди.

Доктор волторнанинг тиниб бораётган нафис куйларини ҳузур қилиб тингламоқда эди.

— Музикани севаман-да,— деди у.

— Қизиқ! Одам баданини пичоқ блан тиладиган киши музикани ва қуёшни севармиш... Сен, ўз йўлингдан адашиб, бошқа йўлдан кетгандга ўхшайсан, доктор,— дедим ҳазиллашиб унга.

— Нерон ўт ичиди ёнаётган Римга қараб туриб, арфа чалган! Бири иккинчисига халақит бермайди,— деб э’тиroz билдириди у, вазиятни ўзгартмай туриб.

— Сен «Славянская беседа»да бўладиган концертга кечқурун албатта келасан-а?

¹ Музика асбоби.

— О, бугун у ерда Европанинг машҳур артисти қўшиқ айтади. Бормоқчи эдим-у, кейин айнадим.

— Аттанг. Нега айнадинг?

— Мен концерт программасини кўрдим.

— Программа сенга ёқмадими? — деб сўрадим врачнинг нозик табиатлигидан таажжубланиб.

Мен программага энг машҳур опералардан ариялар киритилгандан хабардор эдим.

— Унга «Травиата»дан ҳам музика қўшилган экан,— деб гудурлади у.

— Яна ҳам яхши.

— «Травиата»ни ёмон кўраман, у менинг ғашимга тегади.

Менинг таажжубланганимни кўриб, изоҳ берди у:

— Музикаси илоҳий музика, руслар уни илоҳий «Травиата» деб аташади. Уни эшитганда ҳам ўзимни йўқотиб қўяр эдим. Лекин бир куни уни бутунлай ёмон кўриб қолганман.

— Қачон?

— Минг саккиз юз тўқсон биринчи йил ўттизинчи майга ўтар кечаси. Ўшандан бери «Травиата»ни эшитсан ваҳимага тушаман, тепа сочим тик бўлиб кетади. Бу музика мудҳиш хотираларни эсимга солади.

— Ўттизинчи май деганинг қандай кун ўзи?

— Шу кеча, соат ўн бирлардан кейин жандармлар мени тўртинчи участкадан учинчи участкага олиб ўтишган эди! Мен у ерда ўн уч ой ётган эдим. Менинг Белчев¹ иши бўйича қамалганимдан хабаринг бор-ку.

Доктор қовоқларини солиб, сўзида давом этди:

— Учинчи полиция участкаси Алабин кўчасида «Люксембург» меҳмонхонасининг ёнгинасида эди. У вақтда шаҳар бошқармаси ҳам шу уйда жойлашган эди. Соқчилар елкамга наиза тираб мени шу ёққа олиб келишді ва катта қоронғи хонага итариб юборишиди. Девордаги кичкина чироқ хира ёниб турарди. Мен хаёлга чўмдим. Мени бу ерга яхшилик учун олиб келишгани йўқ... Учинчи участка тўғрисида энг мудҳиш миш-мишлар эшитиларди.

¹ Белчев иши — Болгария молия министри Белчев 1891 йилда болгар эмигрантлари марказий комитетининг агентлари томонидан ўлдирилган эди. Бу акт Стамбулов ҳукуматининг Россия орнен-тация тарафдорларига қарши мудҳиш репрессия кўтаришига сабаб бўлган.

Камерада устини чанг ва кул босган қуруқ тахтадан бўлак ҳечнарса йўқ эди. Камера ҳавоси оғзи очиқ канализация трубаларидан чиққан рутубатлардан сасиб кетгани. Мен хаёлимни бир жойга тўплашга уриниб камерада ўён-буён юриб турагар эдим, ташқаридан «Люксембург» боғидан «Травиата»нинг куйлари эшитилиб қолди. Аҳволим қанчалик оғир бўлишига қарамай, музиканинг ром этучи куйлари қалбимдаги аламни юмшатарди. Мен жондилимдан севган бу операнинг биронта ҳам товушини қолдирмасликка уриниб, бутун вужудим блан қулоқ солардим. Бир томондан мени нега бу шубҳали жойга олиб келишди деб бошим қотар, иккинчи томондан эса ҳар кеча тун ярмига қадар концерт эшитиб кўнглим таскин топар, деб хурсанд бўлардим. Мен музикага бир дўстдек — ўз дарди-ҳасратларимни унга ишониб айтишим мумкин бўлган ҳамда ғам-ғуссадан қутилишда маҳбусга ёрдам берадиган жонли бир вужуддек умид боғлар эдим. Мен тўртнинчи участкада ўн уч ой мобайнида музика овозини эмас, лоақал кўчанинг ғовур-ғувуруни ҳам, инсон товушини ҳам эшитаолмаганимни хотирладим. Овқат олиб келучи соқчига мен блан сўзлашиб ман' этилган эди.

Куйлаётган аёл қўшиқни тамомлагач, мен ҳам бошқаларга қўшилиб чапак чалгим келди.

Докторнинг юзи тобора ғамгинроқ тус олар, у хаёлга чўмиб срга қараб ўтиради.

— Мен сенинг ҳикоянгдан ажойиб «Травиата»ни яна ҳам кўпроқ севиб қолишинг керак эди, деган хulosага келаяпман.

Доктор: «шошма, мен ҳали гапни тугатганим йўқ» дегандек, менга ма'ноли қаради-да, ҳикоясини давом этдирди. У дабдабали иборалар ишлатмай, хотиржам ва бир маромда сўзлади; унинг самимият ва соддалик тўла гапларини ифода қилишга мен ожизлик қиласман.

— Халойиқ завқ блан чапак чалар ва «бис» деб бақирав эди; мен ҳам саҳнага иккинчи марта чиқишига мажбур бўлган ашулачининг қўшигини яна бир бор эшитишга ҳозирландим. Операнинг мафтун этучи куйлари яна янграйбошлади. Лекин бирдан, худди ер тагидан чиққандай яқин бир жойдан: «Вой, вой, ойи!» деган фар'ёд эшитилди, кейин «бух!» деган ажиб бир товуш, унинг кетидан «вой, ойи!» ва яна «бух!» деган овозлар эшитилабошлади. Бу фар'ёлар гурс-гурс тушиб

турган аллақандай зарбга уланар эди. Ҳарбир зарбдан кейин мунгли фар'ёд күтарилади. «Травиата» музикаси ер-кўйни титратар, лекин мен энди уни эшиитмас эдим. Сочларим тиккайиб кетганӣ, юзимни тер босган эди. Мен коридор томондаги очиқ қолган туйнукка яқин келдим ва дод-фар'ёд қаердан келаётганини шунда аниқ тушундим.

Чироқ ёниб турган ертўланинг эшиги очиқ эди. Ертўлана тўртта полициячи туарар, ерда қўл-оёғи аргамчи блан чамбарчас боғланган бир одам қимир этмай ётарди. Агар инграмаса уни жонсиз бир нарса деб ўйлаш мумкин эди. Ётган одамни полициячилар савалашар, у жон-жаҳди блан додларди. Унинг кимлигини билмас эдим. Мен яна нималар бўлишини кузатиб туришга қарор қилдим. Ўрта асрларда бўладиган қийноқларга ўхшаш бу ҳодиса кўзимга қанчалик разил кўринмасин, кўзимни туйнукдан узолмас эдим. А'зойи баданимдан шариллаб тер қуярди. Мен ўз навбатимни кутардим. Бу ерга мени нимага олиб келишганини энди тушундим. Бу ертўла қийнайдиган жой эди. Туйнукни ёпиб қўйишни унутишмаганда менинг қулоғим ҳам барча овчиларники сингари ўткир бўлган блан бу қалин девордан ҳечнарсанни эшитаолмас эдим. Мен одам баданига урилаётган зарб товушларини ва фифон-нолаларни аниқ эшитиб турардим. Одамни таёқ блан эмас (таёқ блан урганда бошқача товуш чиқади), машҳур қум халта блан савалашмоқда эди. Мен озодлик чоғимда бу халта тўғрисида кўп гаплар эшигтанман. Энди бу даҳшатни ўз кўзларим блан кўриб турардим: оёқ-қўли боғлиқ одамни шу ертўлага келтириб, ярим кечада мана шу ваҳшийликка дучор қиладилар! Бошим фовлаб кетган эди. Назаримда қайтиб чиқиш бутунлай мумкин бўлмаган жойга кириб қолгандек, атрофимда танамни парча-парча қилиб ташлашга ҳозирланган аждаҳолар тургандек туюлди... Тўрт-беш минутлик жимлик, «энди менинг навбатим,—дедим ичимда,— бу аниқ гап!» Лекин йўқ, қумли халталар яна ишга тушиб кетди ва даҳшатли фар'ёд эшитилди. Кимдир:

— Товушини ўчир!— деди.

Бахтсизнинг овози қайтиб чиқмади. Гурсиллаб тушаётган зарб пайдар-пай эшитилиб турарди. Боғда эса, қарсак чалинарди! «Травиата»нинг арияси учинчи марта ижро этилмоқда, қўшиқ куйлари тун сукунотига майин қуйилмоқда эди. Энди чапаклар ва музика менга дўзах

аждарларининг тиш ғижирлатишидаи ҳам даҳшатлироқ ва нафратлироқ бўлиб кўринди. Шундай мудҳишлик ва унинг ёнбағрида шундай шод-хуррамлик!

Қўшиқлар ва дод-фар'ёдлар. У ерда дирижёр таёқ-часи силкинади — бу ерда қум ҳалта. Энг нафис цивилизация блан ёнма-ён энг қўпол ваҳшийлик. Йўқ, бу цивилизация эмас, балки масҳарабозлик, хунхўрлик, шармандалик эди!.. «Травиата»? Мен ундан нафратланиб кетдим. Мен Болгариядан нафратландим! Болгарларнинг қони, озод Болгарида, унинг пойтахтида, пойтахтнинг марказий бир ерида маш'ум ўрта аср ваҳшийлигини яна қайта кўришимиз учун оқдими, икки юз минг рус бизнинг далаларимиз ва тоғларимизда шунинг учун ҳалок бўлдими.

Доктор нафрат блан тупуриб ташлади. Гапни осойиша бошлаган бу одам охирида ўзини босаолмади: у вулқон каби қайнаб қетган эди. Унинг кўзларида ёш аралаш фаъаб чақнарди. У, тер оқаётган юзини дам ўтмай артар ва менинг столим блан дераза ўртасидаги кичкина жойда ўёқдан-буёққа юрар эди. Хона унга тор бўлиб кўринарди. У ўша даҳшатли тунда тортган азобни такрор кечирмоқда эди.

У бироз тинчланиб, сўзида давом этди:

— Кўп ўтмай яна жимлик чўқди, коридорда оёқ товушлари эшитилди. Мени титроқ босди. Талаӣ оёқларнинг дукури ўтиб бораётган кишилар оғир бир нарсани кўтариб кетишаётгандаи дарак берарди. Улар менинг эшигим ёнидан ўтиб, қўшни камерга киришди, тахтага юмшоқ ва оғир бир нарсани — балки одам жасадини қўйишиди. Сўнг кўздан қуїнлаётган сувнинг қултиллаши эшитилди. Бошқа тиқ этган товуш йўқ эди. «Мана ҳозир жандармлар босиб киришади-да, мени ҳам ертўлага олиб кетишади» деб ўйлардим.

Юрагим шувиллаб шу пайтни кутиб турганимда ҳалиги баҳтсиз ташлаиган қўшни хонадаи заиф инграш товуши эшитилди. У инграб титрар, лекин бу — жон талвасасида ётган кишининг инграш ва титраши эди. Мен девор ёруғидан мўралаб, ерпарчию бўлиб ётган бир одамии кўрдим, унинг оёқ-қўллари энди ечиғ эди. Унинг кимлигини танийолмадим: мен бу одамии илгари ҳеч кўрмаган эдим, унинг лабларида қон кўринди. Тонг отгуича ҳам, эртаси кун кечгача ҳам унга медицина ёрдамини бермадилар. Лоақал мени чақирсалар ҳам

майли эди... У ўлим талвасасида инграр ва ўзини ҳарёқ-қа ташлар эди. Фақат иккинчи кун доктор Н. келди. Доктор бу жафокашни кўриш ўрнига: «А, муттаҳам! Жаззангни торт! Ўлавер энди!» деди. У, чала ўлик одамни қабиҳ сўзлар блан ҳақорат қилиб чиқиб кетди. Менинг жиғи-бийроним чиқиб кетди. Бу жандармларнидан ҳам баттар ваҳшийлик эди.

Бундай типлар Болгариядагина фаннинг муқаддас номини булғаш имкониятига эга эдилар!.. Орадан яна бир кун ўтди ва қўшни хона бўшаб қолди: бемор ғойиб бўлди.

— Унга нима бўлди?

— Мен бу тўғрида анча вақт кейин,—беш ойдан сўнг ҳарбий суд томонидан оқланиб, қутулиб чиққанимдагина эшиздим. Бу одам худди менга ўхшаш иш блан айбланган бегуноҳ бечора К. экан. Худди ўша кечаси уни ҳам учинчи участкага аллақайси бир тюрьмадан олиб келишган, у ерда касалхонага ўтказишган, касалхонадан эса кечаси мозорга олиб бориб жанозасиз-бошқасиз кўмиб юборишган. «Травиата» ашулалари айтиладиган концертга нима сабабдан бораолмаслигимни энди тушунган-дирсан? — деб илова қилди доктор.

У ҳақли эди.

ТА'ЗИМ ҚИЛМАДИ

Куз қуёши Люлин-планина¹ чўққилари ортига ботди, Витоша тоғининг тик чўққилари қизғиш тус олди: унинг ям-яшил ён-бағрига қуюқ соя тушди. Тоғининг енгил кўланкаси кўкимтири осмон сатҳида аниқ ажралиб турарди. Унинг улкан бағрида бир-бирига мингашиб ётган қояларниң энг кичик дўнгликлари ҳам яққол кўринарди. Бундай пайтларда София томонидан қарагандада Витоша айниқса гўзал ва улуғвор кўринади. Чўққисига заррин қуёш нуридан чамбар қўйидирган ва ям-яшил чодир кийган тоғ, сўниб бораётган офтоб блан сирли суҳбат қуриб, видолашаётгандек туюларди. Аммо, мана Люлин атрофидан ғойиб бўлган қуёш нури Витошанинг нариёғида бутун осмон юзини шафаққа кўмди. Бадқовоқ, ҳатто даҳшатли азим тоғ бундай ёрқин шафақ сатҳида янэда салобатли бўлиб кўринади. Бу шафақ тоғ учун гўё шоншараф гул чамбари эди... Гўё унинг азамат чўққиси ортида кўтарилиган аллақандай ёнғин ложувард осмонни кўзга кўринмас алланганинг енгил сезилар-сезилмас шуласи блан ёритиб тургандек эди. Ажойиб, унутиб бўлмас манзара!..

Лекин орадан бироз вақт ўтгач, бу афсонавий манзара ғойиб бўлади, — тоғ устидаги фазо аввалги рангини борган сари йўқотиб, хиралашабошлайди. Қоронғилик қа'ридан кечки юлдуз чиқиб келади. Ҳали осмонда биронта бошқа юлдуз пайдо бўлмаган бир чоқда тоғ чўққиси устида ёруғ юлдуз кўз қамаштиручи жавҳардек танҳо чаракларди.

¹ Люлин-планнина — Болгариянинг гарбида Витоша тоғтизмалари.

Дарвоқи' мен улуғвор Витоша манзарасини тасвирлаш блан қизиқиб кетибман, аслида эса жуда кичкина бир нарса тўғрисида, Славчо Плужев тўғрисида ҳикоя қилмоқчи эдим.

Сиз Славчо Плужевни танийсизми?

Танимайсизми?

Лекин сиз у блан ҳар кун учрашиб турасиз.

Славчо Плужев — чиновник, бундан ўзга эмас! Ўзи паканагина, унинг қап-калта оёқлари доим шошиб-пишиб юради, шу блан бирга бу оёқлар гўё чумолини ҳам босиб олмасликка ҳаракат қиласди.

Унинг ялпоқ юзида кўзга ташлангудек биронта аломат йўқ. Бурни пучук, ясси пешонасини кўзларигача қалин мурт босиб кетган, энли қора қошлари пайваста, кўзлари бир нарсадан ҳадиксирагандек доим аланг-жаланг — чунки Плужев учраган ҳар кимсага та’зим қилиб ўтишга тиришади. Ўткинчининг қаерда ишлаши, унинг учун мутлақо фарқсиз,— ким билади ўрни келганда ҳарким ҳам бир зиён қилиб кетиши мумкин. Плужев одоб ва тавози' бобида ўз идорасида барча чиновникларга намуна. Ба’зи беҳаё ҳазилкашлар унинг орқасида туриб: (Плужевнинг ўзига эшитадиган қилиб) «Алексей — бандай мулойим», ёки «авлиё ҳалим»— деб пицирлашадилар; бу сўзларни унга қарата айтадилар. Бундай пайтларда Славчо қулоғини кар, кўзини кўр қиласди-да, ўзига озор беручиларни аввалгидек иззат-хурмат қилаверади, улар нима деса, «хўп» дейди. Дуч келган сурбет блан ачниғлашиб, жанжал кўтаришдан нима фойда?

«Бўри блан бирга турсанг — бўрилардек увлайсан», ширин сўз ва мулойимлик ҳеч зарар қилмайди. Ортиқча та’зим блан бўйин узилиб тушмаслигини Плужев жуда яхши аңглайди ва ҳарқандай шароитда ҳам буни унумайди... Бу оқилона қоиддани ўзига дастур қилиб олган Плужев шу кунгача ҳеч дард қолгани йўқ: бирор кишини норози қилиб ташвиш тортмади, ҳечким, ҳечвақт унга кўз олайтирмади. Шу таҳлит у, тинч, беташвиш муҳитда, кечирасиз-у,— ёф ичидаги буйракдай яшади.

Лекин, қўй оғиздан чўп олмаган бу беозор, мўмин, қобил Славчо Плужев бир кун кечқурун уйига ранги ўчган, қони қочган бир қиёфада қайтиб келди. Хотини уни биринчи марта шундай қўрқув ва ташвишли ҳолда кўриб туради; унинг назарида эрининг қомати ҳам чўкиб кетгандек туюлди.

У, ҳозир бир хунук хабар эшитсам керак, деб ўйлади.

— Сенга нима бўлди, Славчо? — деб сўради хотин жон-пони чиқиб; эри ҳали оғиз очмасдан, унинг қулоғига «ишдан бўшадим» — деган мудҳиш сўз эшитилгандай бўлди.

Славчо умидсизлик блан бошини қўйи солди.

— Уйга кирайлик, Пена, айтиб бераман! — деди зўр-базўр у.

Пена ташвишдан бўшашиб кетган оёқларини аранг судраб унинг орқасидан юрди.

Славчо уйга киргач, қўлларини икки ёқقا кериб, сонига шартта урди-ю, ўпкаси тўлиб, ҳаяжон блан бақириб гапирди:

— Аҳ, мен шўрпешона нима қилиб қўйдим-а! Миямга бу иш қаёқдан келақолди-я!

Пенанинг дилидан: «Гап ишдан бўшатилиш устида эмас, ундан баттарроқ синоат борга ўхшайди» — деган фикр ўтди. Эри бечоранинг юзида акс этиб турган чуқур умидсизлик ифодаси уларнинг бошига катта фалокат тушганлигига ҳечқандай шубҳа қолдирмасди.

«Ҳа каллаварам! Аnavи фитнага тумшуғини суққан бўлса керакда, танобини тортиб қўйишган!..» — деб ўйлади у даҳшат блан, ўша пайтда судда бораётган қизғин сиёсий процессни хотирлаб.

— Шаҳар боғидан уйгача қандай келганимни билмайман,— сўзида давом этди Славчо,— кечқурун идорадан чиққандан кейин, бироз айлангим келди... Бир кўзим ҳадеб пир-пир учади... кўчаларда озгина айландим-да, шаҳар боғи ёнидан уйга қараб келабошладим. Ҳамаёқ одам — нақ чумолининг уяси. Бир кўзим яна пир-пир учади. Бир бало боров, деб ўйлаб келаяпман... қарши томондан келаётган бир одам менга тикилиб ўтди, мен унга қарадим, шу блан икки ёқقا ажрашиб кетдик. Нималигини ўзим ҳам билмайман, бирдан мени қўркув босди. Ҳалиғи одамга яна бир қарай-чи, деб ўгирилдим. У бўлса мендан беш қадамча нарида тўхтаб, бизнинг бўлим бошлиғимиз блан гаплашиб турипти-да. Пена! Министр! Менга учраган одам, министрнинг ўзи экан!

Кўзлари олайиб кетган Пена, даҳшатга тушиб, ҳали эри айтиб улгурмаган мудҳиш сўзларни эшитишга тайёрланиб турарди. Аммо Плужев юзини кафтлари блан беркитиб, қимирламай қотди, фақат унинг ҳансираф нафас олишигина эшитилиб турарди.

— Нега индамай қолдиш? Гапир тезроқ, юрагимни
шерай деяпсан, ахир...

Плужев хотинига ғазаб блан қараб қўйди.

— Сенга яна нима керак? Қулғанинг кар бўлиб қол-
ғанми? Наҳотки тушунмасанг? Олдимдан бизнинг министр
ўтган, мен бўлсам қалпоғимни олиб унга та’зим қил-
маганман!

Пена енгил шафас олди. Юраги энди анча тинчроқ
уррабошлади.

— Нақадар тентаксан-а, Славчо! Сенинг каллаварам-
лигинг менга илгаридан ма’лум эдниу, лекин бунчалиги
ҳаёлимга ҳам келмаган эди! — деди у. — Қалпоғимни
олмадим эмиш! Олмаган бўлсанг нима қипти, қандай
зарари бор? Бунча куймасанг?

— Нима зарари бор деганинг қанақаси? Энг катта
бошлиғим олдимдан чиқсин, у менга қараб турсин, тушу-
наяпсанми? Қараб турсин, мен ҳам уни кўриб турайн-да,
та’зим қилмайин. Ақли паст одамгина буни тушунмай
тиржайиши мумкин.

— Хўп майли, сен уни кўрган бўлсанг нега салом
берақолмадинг? Бошинг қаёқда эди?

— Бошим? Айтиб турибманку ахир! Чап кўзимнинг
аҳмоқона пириллаши нимага кўринаркин, деб хаёл суриб
келаётган эдим. Министр менга қараганда хаёлим бутун-
лай бошқаёқларда эди, то фаҳмлаб олгунимча у ўтиб
кетди.

Пенанинг эрига раҳми келди.

— Хафа бўлма,— деди меҳрибонлик блан унга тасал-
ли бериш учун.— Бир одам хаёлга ботганида ёки хотири
паришон бўлганида иккинчи одамга салом бермаслиги
мумкин... Бундай ишлар бўлмайдими, бўлади.

— Бўлади албатта. Лекин учраган одам энг катта
бошлиғи бўлса, хотирни паришон қилиб, та’зим бермас-
ликка ҳечкимиңг ҳаққи ўйқ. Бир ойнинг ичida мен қал-
поғимни миллион марта олиб кияман. Дарвоқи’ уни
керосин блан яна бир марта тозалаб берсанг бўларди.
Министрим умримда бир марта олдимдан чиқиб, мендан
та’зим кутса-ю, мен унга та’зим қилмасам. Ахир у мени
орденга тавсия қилган эди-я!

Славчо «уҳ» тортди.

— Сўзимга ишон, у сенинг та’зим қилмай ўтганингни
пайқаган ҳам эмас. Катта одамлар сенга ўхшаган майдада-
чуйдаларга э’тибор қилишмайди.

— Ҳамма гап шундаки, катта одамлар... Ҳарқандай майды-чуйдага этибор қиласынан учун ҳам улар катта-да. Биз майды-чуйда, шапкүр ва ақли паст кишилармиз. Мен хизматта кетаётганимда, Авлиё Краль черкови олдиdan неча марта ўтиб, уни кўзим кўрмас эди. Кейин: қизиқ, унинг ёнидан қачон ўтиб кетибман? деб ўзимча ҳайрон бўлардим. Йўқ, сен рост айтасан, мен чинакам анқов одамман...

— Мен бўлсам, сен эшикдан кириб келганингда шўримиз қурипти, Славчони ишдан ҳайдаб юборишипти,— деб ўйлаган эдим: ахир биз уй ҳақидан қутилганимиз йўқ-да ҳали.

— Тўппа-тўғри ўйлагансан,— сўзида давом этди Плужев, фалокатнинг муқаррар эканлигига хотинини ҳам ишонтиришга ҳаракат қилиб,— мени ишдан албатта бўшатишади. Мен энди соб бўлдим... Дарвоқи' сенга айтишни унутибман, олдимдан ўтган киши ким экан деб ўгирилганимда, у бўлим бошлиғига: «Эртага қофозни имзолаш учун олиб келгин...»— деди. Қофозни-я, тушунаяссанми? Мен ҳукмномамни ўз қулоғим блан эшитдим... Ҳатто у, ғазаб тўла кўзини олайтириб менга бир ўқрайгандек ҳам бўлди... Оҳ қандай баҳтсизликка учрадим-а!

Пёнанинг эридаги ташвишни тарқатиб юбориш учун қилган барча уринишлари фойда бермади. Бора-бора унинг ўзини ҳам ташвиш чулғади. Иш жойидан бундан ҳам аҳамиятсизроқ сабаблар блан, ҳатто бутунлай сабабсиз ажралган чиновниклар озми!

На эр, на хотин кечки овқатни ҳам емади. Плужев беззак тутгандек ётиб қолди. У алаҳсиарди: кўзига туман ичиди кўрингандек гоҳ ўқрайиб қўяётган министрнинг ҳайбатли қиёфаси, гоҳ даҳшатли «қофоз»га имзо қўйдирниш учун олиб келган хат ташучи кўринар, гоҳ оёқлари остида тротуар чир-чир айланар эди!.. Кейин Авлиё Краль черковнинг мажҳул гумбазлари пайдо бўлар ва католик поплар унинг, я'ни Плужевнинг жонсиз гавдасини черепицалар тагига кўмиш учун черков томига олиб чиқардилар.

У эрталаб уйқудан уйғонганде кўзлари ич-ичига ботиб кетган эди.

— Алвидо', Пена!— деди у ўпкаси тўлиб, эрталаб министрликка кетар экан, унинг кўзлари жиққа ёш эди. Хотини ҳам кўзёшларини тияолмади. Эри-хотиннинг

хайрлашуви гўё Славчо урушга кетаётгандек ва улар қайтиб бир-бирларини кўришотмайдигандек та’сирли эди...

Бу Гектор блан Андромаханинг видо’лашуви эди!¹

* * *

Пена тушки овқатда эрини ниҳоятда ташвиш блан кутар эди. Эри кўча эшикда кўринингдан унинг юраги шув этиб кетди: Славчонинг ранги бўздек оқарган эди. У эшикдан кириб, ҳовлидан бирнечча қадам юргач йиқилиб кетмаслик учун уй деворига суялди. Эрининг ичор аҳволини кўрган Пена, унинг олдига югурди.

— Тезроқ докторга югар! — деб буюрди у хизматчи хотинга оёқда зўрға турган Славчони қўлтиқлаб олар экан.

— Керак эмас... — эшитилар-эшитилмас ғудурлади у.

— Жоним!.. Ўзингни бос! Йиқилиб ўзинг соғ-саломат юрсанг бўлгани...

— Йиғлама! — деб ингради у, бир қўлини чап қўксига босиб, иккинчиси блан чўнтағини титкилар экан. Чўнтакдан министрликнинг очик конвертини олиб, Пенага узатди-да:

— Ўқи,— деб пичирлади.

— Қўй, биламан! Ўзинг омон бўлсанг бўлгани,— деди у пик-пиқ йиғлаб.

Плужев чўнтағидан яна бир нарсани олишга уринарди.

— Ўзингни бос... бунга нима қилди, кўринг? — деди у, ҳовлига кириб желаётган докторга қараб.

Доктор беморнинг томирини ушлаб кўрабошлаган эдикси, Славчо унинг қўлига аллақандай бир нарсани тутқазаётганини сезди. Бу нарса яssi қора кутича эди. Доктор уни очиб хитоб қилди:

— Орден! Табриклайман сени, Славчо!

Орден блан бирга министрнинг мукофот тўғрисидаги хабари ҳам келган эди.

¹ Гомернинг «Илиада» номли поэмасидаги энг яхши эпизодлардан бири, урушга кетаётган Троя қаҳрамони Гекторнинг хотини Андромаха блан та’сирли видо’лашувидир.

Катта бахтсизлик ва ундан сўнг кутилмаган зўр қувончдан ҳаяжонга келган Славчо, кўрпа-тўшак қилиб икки ҳафта ётиб қолди. Славчо Плужевнииг илгарилари ҳечқандай ташвишни билмаган сиҳатига энди путур етган эди. Бошидан ўтган барча синоатлар натижасида олти ойдан кейин вафот этди.

ЙОЦО БОБО ТАМОША ҚИЛАДИ

Биз ватанимиз озод бўлгунчა етмай у дун'ёга сафар қилган ота-боболаримиз, қариндош-уруғларимизни хотирага олганимизда, кўзларида озодликнинг ром этучи шу'ласи акс этмай кетган кишилар тўғрисида ўйлаганимизда кўпинча дилимизга шундай фикр келади: агар улар мангу уйқудан бирор мұ'жиза блан уйғониб, ёруғ дун'ёга чиқиб атрофга бир назар солишса, қандай ҳайратга тушиб, қувонган бўлардилар! Атрофдаги улар учун нотаниш ва ғайритабий нарсаларни кўриб қанчалик ҳайратга тушардилар. Эҳтимол, улар жонажон юртни танимай ҳам қолардилар!

Броқ, бечора қариндошларимиз ҳечқачон тирилиб келишмайди, тушларига ҳам кирмаган озодлик мұ'жизаларини кўриб қувонишмайди; бу мұ'жизалар бизга ўрганиш бўлиб кетган ва биз уларга бепарво бўлиб қолганимиз. Йўқ, шу вақтгача бирон киши тирилишга муваффақ бўлмагандек, улар ҳам ҳечқачон тирилмайдилар.

* * *

Аммо бир одам, қарийб озодлик уруши арафасида ҳаётдан кўз юмди ва қайтиб тирилмаса ҳам, ҳарқалай озод Болгарияни кўрганда, тирилиб келган одам каби таажжубланиш имконига эга бўлди; унинг кўнгли бундан бизнидек совиб, ихлоси қайтмади.

Бу одам саксон ёшли чол — Йоцо бобо эди. У Искор дараси тепасида Старая-планинанинг соя-салқин бағридаги бирнеча хонадондан иборат ташландик бир қишлоқда яшарди.

Содда, лекин ўткир фаросатли бу чол мусибат тўла қуллик ҳаётини бошидан кечирди, бу ҳаётнинг бутун жабрини, азоб-уқубатларини тортди. Озодлик уруши арафасида, олтмиш тўрт ёшга етганда кўзи ожиз бўлиб қолди.

У аслида тирик, лекин ҳақиқий ҳаётни, ташқи дун'ёни кўролмас, унинг қалбида «болгарлар нарсаси»ни — (озод Болгариини шундай деб атарди у) — кўришга бўлган яширин ва қизғин умид сўнган эди.

Чолнинг дилида фақат қора ўтмишнинг образларигина қолди; унинг ёрқин хотирасида қуллик ҳаётининг оғир даҳшати ёдгорликлари ғуж-ғуж бўлиб ётарди. У бир вақтлар кўзлари блан кўрган нарсаларни энди фикран кўйарди, унинг кўз ўнги қоронғилашиб, ундан қизил дўпшилар, саллалар, қамчилар, ёвуз башарали турклар бирин-кетин ўтарди.

У, ўзи туғилиб ўсган ва бирон қувонч кўрмай ўтган қуллик ҳаётининг чексиз туни ҳақидаги хаёллар блан кун кечирар эди.

* * *

Уруш садоси у пайтларда Болқоннинг энг хилват қисми бўлган бу жойларга базўр етиб келарди. Уруш бошланди ва тамом бўлди; Искор дарасининг юксак қоялари унинг гулдуросини эшитади ҳисоб.

Болгария озод мамлакатга айланади.

Йоцо бобо ҳам озодликка чиқди: бу тўғрида унга гапириб берниши. Броқ, унинг кўзлари ожиз — у озодликни кўролмас ва ҳис қилолмас эди. Озодлик унинг учун фақат: «Турклар энди йўқ!» деган сўзлардагина ўз ифодасини топган эди. У эса «Болгарлар нарсаси»ни кўриб қувонишга ташна эди.

Чол содда ҳамқишлоқларининг гапларида ҳам, фикр-хаёлларида ҳам, ҳаётнинг кундалик ташвишларида ҳам у қадар янгиликни сезмасди. Одамлар ҳам ўша илгариги, эрксизлик ва қашшоқлик ҳам ҳали-ҳали ўша. Илгари майхонада қандай шовқин-сурон, жанжал бўлган бўлса, қишлоқда қандай ташвишлар бўлса, унүтилган бу узоқ хароба юртдा� йўқчилик блан, табиат блан қандай курашилган бўлса, ҳали ҳам ўшанинг ўзгинаси.

Чол, ҳовли дарвозаси ёнида, қинғир-қийшиқ дуб дарахтларининг шохлари тагида ногирон кўзларини бўшлиққа хаёлчан тикиб ўтиаркан, таажжуб блан:

— Болгарларнинг нарсаси қани, ахир? — деб сў-
парди.

Агар унинг кўзлари очиқ бўлганда, янги қиёфадаги
ерни осмондан кўриш учун бургут каби парвоз қиларди.

— Кошки эди менда энди кўз бўлса! — дерди у
кўпинча.

Унинг ягона орзузи — озод Болгариини кўриш эди. Бу
финг бошқа бирон нарса тўғрисида ўйлашга йўл қўймас-
ди. У ўз атрофидаги ҳаётнинг ғала-ғовурига бепарво
назар блан қарайбошлаган эди: ҳаммаси унга ҳечнарсага
арзимайдиган, аҳамиятсиз майда-чуйда нарсалар бўлиб
туюларди. У «болгарлар нарсаси»ни кўролмасдан, бу
му'жизага етишолмасдан ўлиб кетишдан ёки қарилек
сабабли ақлдан озишдан қўрқар эди...

Болгари озод қилингандан сўнг беш йил ўтгач — бир
кун худо ярлақаб қишлоққа исправник келаётганлиги
тўғрисида мишиш гап тарқалди. Бу хабар бутун қишлоқни ҳаяжонга солди. Йоцо бобонинг ҳам юраги дукил-
лаб кетди; унинг дилини аллақандай янги, илиқ, лаззат-
ли бир туйғу тўлдирди. — Ҳа «Болгарлар нарсаси»ни
мана энди кўради у! Албатта кўради...

У қўни-қўшнилардан суриштириб, келаётган бошлиқ
ким, ўзи қанақа одамлигини билишга уринар эди. Деҳ-
қонлар унга исправниклар бирор амалдор ёки подшодек
кимса, деб жавоб беришар эди.

— Ўзи ишқилиб, болгарларнинг подшосими? — деб
сўтар эди Йоцо бобо ҳаяжондан энтикиб.

— Болгарларники бўлганда қандай! — деб жавоб
беришиди унга.

— Наҳотки ўзимизнинг болгар бўлса?.. — қайта-қайта
сўтарди чол таажжуб блан.

— Бу гапинг нимаси бобо, у сенга турк бўлса яхши-
миди? — деб оқ кўнгиллик блан кулишарди, бир вақтлар
Врацада округ бошқаручилари ва ундан каттароқ бош-
лиқларни ҳам кўрган деҳқонлар; улардан биронтасига
ҳам Софияга бориш насиб бўлмаган эди.

Аммо бу жавоб Йоцо бобони қаноатлантирумасди. У
исправникнинг кийими, юриш-туриши блан қизиқар,
қиличи ҳам борми-йўқми деб суриштираверарди. Деҳқон-
лар унга ҳаммасини сўзлаб беришарди.

— Қилич ҳам таққан денг!..

Йоцо бобо севинчдан энтикиб қўйди.

Чолнинг титроқ бошида «у келди дегунча, бориб кўришм керак», деган фикр мустаҳкам ўрнашиб қолди.

* * *

Исправник қишлоққа желгач, Денколарнинг уйига тушди. Уларнинг пастаккина кулбаси лой шувоқ қилинган, ҳатто деразаларидан бирига ойна ҳам солинган эди. Бошқаларникига қараганда бу уй дурустроқ кўринганлиги учун азиз меҳмонга бутун қишлоқ шу уйни ма'қул топди.

Йоцо бобо Денколарнинг уйига қараб жўнади. У ҳасаси блан четан деворни тақиллатиб сўради.

— Меҳмон шу ердами, Денко?

Уй соҳиби бобойни кўриб, қовоини солди.

— Шу ерда. Нима ишинг бор, Йоцо бобо? Бошлиқ чарчаган, уни безовта қилиб бўлмайди.

— Унга айт, бир минутга чиқиб кетсин,— деб илтимос қилди чол ва ҳассасини дўқиллатиб айвон зинасидан тушиб кетди.

— Шунаقا ҳам сабрсизмисан. Кимга керак бўлиб қолди? — деб сўради Денко.

— Ҳечкимга эмас, ўзимга керак бўлиб қолди, билдингми... Унга ҳам — «Сени кўр Йоцо бобо кўрмоқчи!»— деб айт.

— Уни кўрмоқчиман дейсанми? — Раҳмдиллик блан илжайиб. сўради уй соҳиби ва ўзича: «Ўз қулоғингни кўраолмаганингдек уни ҳам кўраолмайсан» деб қўйди.

Аммо чол қаттиқ туриб олди. У кексаларча бошини лиқиллатиб ҳассаси блан айвон зинасини бирнеча марта дўқиллатди.

Уй соҳиби исправникнинг олдига кириб, болалиги қўзиб кетган бир чол уни кўргани келганлигини айтди.

— Нима иши бор экан? — деб суриштириди исправник.

— Сени кўрмоқчи.

— Мени кўрмоқчи?.. Кўзи кўр дейсанми?..

— Ҳа, кўр бўлганига беш-олти йил бўлди.

Деҳқон меҳмонга Йоцо бобонинг биродарлар¹ келишидан бироз илгари тўсатдан кўр бўлиб қолганлигини ҳикоя қилиб берди.

¹ Болгария территориясига кирган халоскор рус солдатларини болгар халқи шундай севимли лақаб блан атар эди.

— У ақли расо, ўзига түқ одам эди,— деб қўйди Денко,— ҳечнарсадан ҳечнарса йўқ, худонинг қудрати блан кўр бўлди-қолди... Кўзи очиқ-у, ҳечнарсани кўрмайди... Ўлик блан тенг одамда... Худо уни ўзига азиз қилақолса бўлмасмикин? Яхшики қўлида анча-мунча буд-шуд, ҳовли-жой, мол-ҳоли бор. Чолнинг парвариши ҳам ёмон эмас. Ўғли ҳам, келини ҳам уни сийлаб туришади.

— Қизиқ,— деди ўйчан вазиятда исправник,— майли кирсин! Йўқ, яххиси ўзим чиқақолай!

Меҳмон айвонга чиқиб, зинадан ҳовлига тушди. Этик пошинасинг дўқиллашидан Йоцо бобо болгар подшоси шу одам эканлигини пайқади. Чол бошдан шапкасини олди.

Чиновник олдида йиртиқ енгиз нимча кийган, шамолдан қорайган, чорпахил юзли, ҳали анча тетик мўйсафид турарди.

Унинг оёқлари кенг почали иштон устидан каноп блан ўралган эди. Чолнинг а'зойи-бадани титрарди.

— Хўш, нима дейсан бобо? — ширин сўзлик блан сўради исправник.

Чол бошини қўтарди ва бир нуқтада турган руҳсиз кўзларини унга тикди. Унинг кенг юзидағи томирлар асабий равишда тортишар эди.

— Жаноб олийлари, ўзингизмисиз ўғлим?

— Ўзим, бобо.

— Подшоми?

— Ўзгинаси,— табассум блан жавоб берди исправник.

Йоцо бобо шапкасини қўлтиғига қистириб, унга яқин келди, қўлини олди, мовут мундирининг енгини ушлади, мис тутмаларига, аксельбантига тегиб кўрди, титроқ қўллари блан елкасидаги қумуш эполетларни пайпаслди, сўнг бўйини чўзиб уларни ўпди.

— Парвардигоро, бу кунни ҳам кўрар эканман-ку! — деб пичирлади Йоцо бобо.

У чўқинди-да, ожиз кўзларида йилтираб кетган ёшни енги блан артди.

Кейин икки букилиб та'зим қилди ва:

— Безовта қилганим учун мени кечир, ўғлим! — деди сўнг ҳассасини дўқиллата-дўқиллата бошяланг, эшик томон йўл олди.

* * *

Чолни яна ўша бир қолипдаги қора кунлар, кўрликнинг ўша зим-зиё тунлари чулғади. Аммо бу тунда қоронғи кечада ярқираб турган ёруғ юлдуз каби у кўрган биргина хаёлат туради: бу ўз болгар подшоси бўлган ўша исправник эди! Йоцо бобонинг назарида беш йил давомида биринчи марта унинг кўзи бир зум очилгандек бўлди. Болгарларга мансуб нарсаларнинг кичик бир учқуни бўлса ҳам ҳарқалай, «болгарлар нарсаси»ни кўргандек бўлди ҳамда туркларнинг энди йўқлигига ва озодлик ҳукм суратганига ишонди.

Бу ҳодисадан бошқа ҳамма нарса илгаридағича қолаверган эди. У майхонада яна ўша—азалги дәжқонлар блан учрашар, ўша жанжал ва тўполонларнинг гувоҳи бўларди. Атрофда ўша эркисиз ҳаёт сурони мусибатлари ва чол учун англашилмас курашлар давом этарди. Чол бу курашларга бефарқ қаرارди. Унинг зим-зиёликда кечган ҳаётига зийнат беручи биргина нарса Болгариянинг озод эканлиги ҳақидаги туйғу эди. У ба'зан кишилар орасида ўзаро жанжал ва қарама-қаршиликларни ҳам сезарди. У ёруғ дун'ёда «Болгарларнинг нарсалари» ҳамда озодлик мавжуд бўлган ва кишилар бундан қувонишлари лозим бўлган бир пайтда қандай қилиб улар ўз ҳаётларни заҳарлашлари мумкинлигига таажжубланар эди. Бунинг устига одамларнинг кўзлари очиқ — демак, улар ўзларини бахтиёр ҳис қилишлари керак!

«Мисоли уларнинг кўзи кўр-у, менинг кўзим очиқ деб ўйлаш мүмкин», — дерди чол ўзича.

Чол дуб дарахти тагида узоқ ўтириб ўз сафарида турли-туман синоатларни кўриб келаётган Искор дар'-есининг шовуллашига қулоқ соларди. Бу хаёлатдан чолнинг руҳи енгил тортар, вақт ўтиб борарди...

* * *

Кунлардан бир кун кекса Йоцо бобонинг қалби яна ҳаяжон блан урди. Қишлоқдан солдатликка олинган биргина йигит пасха байрамида ота-оналарини кўриш учун келди.

— Қандай кийимда келди у? Устида солдат кийими-ми, йўқми? — деб сўради хурсанд бўлган Йоцо бобо.

— Солдатча кийим.

— Енида қиличи ҳам борми?

— Оҳ бобо, қилич бўлганда қандай!

Чол шоша-пиша Николанинг ўғлини кўргани борди.

— У... йигитчал

— Нима дейсан Йоцо? — деб сўради кекса Никола.

— Сарбозинг қаёқда? Бир кўрсам бўладими?

Никола мамнуният блан табассум қилиб, ўғлини чақирди. Чол солдатнинг яқинлашиб келаётганини унинг тошга урилиб келаётган қиличининг жангиллашидан сезди... Чол солдатнинг қувонч блан узатган бақувват қўлларини сиқди. Бу гал у дағал шинел, тугмачалар ва фуражкани пайпаслаб чиқди. Қиличга қўл тегизиб, уни ўпди. Қейин нурсиз кўз блан солдатга бошдан-оёқ қараб чиқди. Унинг ҳайрат акс этган юзига икки томчи ёш оқиб тушди.

— Демак, энди болгарларнинг қўшини ҳам борми? — деб сўради у, шодлигидан титраб.

— Бор, бобо бор, қўшин ҳам, офицерлар ҳам, ўзимизниг князимиз ҳам бор, — ифтихор блан жавоб берди солдат.

— Биз томонларга ҳам бирон марта келармикин, у?

— Ким? Князъми?

Солдат ва унинг отаси чолнинг соддалигидан кулишди,

Йоцо бобо бир соатгача солдат блан суҳбатлашди; Софиядаги болгар саройи, болгар замбараклари, болгар ҳарбий та’лимоти ва бошқа бирталай нарсаларни суриштириди... Солдатнинг турли-туман му’жизалар тўғрисидаги ҳикоясини эшитар экан, чблнинг назарида қалбидан алла-қандай қуёш чиқиб, ҳамаёққа нур сочаётгандай бўлди.

У ям-яшил тоғларни, уларнинг яланғоч чўққиларида ўтирган бургутларни ва афсонавий гўзал ёруғликни яна қайта кўраётгандек бўларди...

Солдат эса илҳомланиб ажойиб нарсаларни ҳикоя қилишда давом этарди.

— Қани энди бу нарсаларнинг ҳаммасини бир марта кўрсанг. Қани менда энди кўз бўлсал — деди чол алам блан.

* * *

Йоцо бобо узоқ вақт шу янги таассуротлар блан яшади. Уларнинг йироқ қишлоғига янги Болгариининг бош-

қа биронта вакили келмади. Кўр чолга хушхабар келтириб, унинг кўнгилини кўтаручи киши ҳам бўлмади. Хароба қишлоқнинг ғамгин ҳаётида Болгариядаги қайноқ муҳитни эслагандек бирон янгилик йўқ эди.

Бирин-кетин рўй бериб, бутун мамлакатни олғов-далғов қиласётган сиёсий воқиаларнинг акс садоси қишлоқда ҳукм сурган сукунатни бузмасди. Унинг ғариб кулбаларига биронта газета етиб келмас, вок'ан уни ўқийоладиган одам ҳам йўқ эди. Қишлоқда мактаб бўлмаганилигидан — ўқитучи, черков бўлмаганидан, поп, жамоа мулки бўлмаганилигидан қоровуллар ҳам йўқ эди. Қишда йўлни беркитиб ташловчи қор бўронлари ва лой қишлоқ блан ташқи дун'ё орасидаги (бусиз ҳам қийин бўлган) алоқани етти ой муддатга узиб қўяр эди... Ҳатто қишлоқнинг ягона солдатини ҳалок этган серб уруши¹ ҳақидаги миш-мишлар ҳам бу ерга зўрға етиб келди; ўёқларда, тоғнинг нариги чеккасида қандайдир воқиалар юз бертаётганини эшлишарди-ю, бунинг қандай воқиа эканлигини ҳечким аниқ билмас эди. Бир бурда қора нон учун олиб бориладиган қаттиқ курашлар бу қолоқ жоҳил кишиларга дун'ёда нималар бўлаётгани тўғрисида ўйлаш имкониятини бермас эди.

Йоцо бобо учун ҳам жаҳонда бўлаётган воқиалар аввалгича қоронгулик пардаси блан қопланган эди. Қишлоқнинг доимий сукунати уни аллаларди.

У, бора-бора атрофдаги барча нарсаларга бутунлай бепарво бўлиб, кексаларча хотираси заифлашиб қолди. У соатларча ва ҳатто кун бўйи Искор дар'ёсининг шовшувига қулоқ солиб, дуб дараҳтлари соясида ўйчан тўрар, нурсиз кўзларини бўшлиққа тикар эди. Киши назарида энди ҳечқандай ташқи кучнинг та'сири чолнинг ғаста-секин сўниб бораётган руҳини бу ҳолатдан қутқоралмайдигандек туюларди.

Аммо шундай ҳол рўй берди. Искор дарасидан темир йўл ўтармиш, деган гаплар тарқалди: инженерлар келиб, ўжойий ўлчаб кетишган эди. Бу гаплар Йоцо бобонинг онтига тўқмөқдек урилиб уни рафлат уйқудан уйғотиб юборгандай бўлди. Чолнинг қалбида аллақачонлар унубиб юборилган бир хотира уйғонди. У ёшлиқ чоғларида Мано исмли Врачан чорбаджисида подшолар, тўралар ва француз инженерларининг Искор дарасидан темир

¹ 1886 йилдаги Серб-болгар уруши назарда тутилади.

йўл олиб ўтиш имконияти йўқ, миллион-миллион пуллар бекор кетади, дейишганини эшигтан эди...

— Нима? — Болгар темир йўли?..

Чолнинг бунга ишонгиси келмасди. Темир йўл!.. Бу дарада, жарликда от туёғи ҳам туроалмайдиган қоялар орасида, эчкилар ҳам чиқаолмайдиган шу чуқурликда?.. Шундай подшолик уддалай олмаган иш, бизнинг...

Аммо мишиш-миш гаплар тобора кучайиб, кўр чол тасаввурини ҳамон ҳижил қиласи ҳади. Бу гаплар чолнинг барча ишларда болаларча заифлик қилучи идроқини ишга соларди.

Бир кун унга дарадан темир йўл ётқизабошланганини айтишиди. Деҳқонлар қурилишга ёлланиб, пастга — дарё ўзани томонга тушишарди.

Чол таажжубланди.

— Демак, иложи топилипти, чамаси билимдан одамлар топилган бўлса керак-да... Яна французларми...

Унга, йўлни энди болгарларнинг ўзлари қуражакларини айтиб беришди.

Чол ҳайрон бўлиб қолди.

— Нима, ўзимизникилар? Болгар инженерлари-я? Французлар блан подшолар бу ерда темир йўл қуриб бўлмайди дейишгандан кейин-а! Наҳотки бизда улардан кўра ҳам билимдан кишилар бор? Чорбаджи Мано айтган миллионлар, минг миллионларчи?

— Миллионлар ҳам бўлади... Соқол бўлса, тароқ топилар!

Йоцо бобонинг дили қувончга тўлди: Қўшин ҳам, подшо ҳам, замбараклар ҳам, князъ ҳам, олимлар ҳам, миллион пуллар ҳам бор. Бу — му'жизанинг худди ўзгинаси-ку!

— Энди «болгарлар нарсаси» унга катта, қудратли, бепоён бир нарса бўлиб туюлабошлаган эди... Бундай улуғвор нарсалар чолнинг ақлига сифмасди. Шу вақтгача унинг учун ўз қўли блан сийпаб кўрган исправник погони ва солдат қиличи «Болгарлар нарсаси»нинг символи эди. Энди уни бошқа нарса ҳайратга солар, дилини қувонч ва ифтихор блан тўлдириар эди. Болгар қўли тоғларни иккиёқга ажратади, болгар ақли кишини ҳайратга солучи, эсанкиратучи нарсалар ўйлаб топади.

Чорбаджи Мано қани? Унинг гапларини энди эшигтсан эди!

Йоцо бобо портлатилган төғ қатламларининг биринчи гулдуросини эшигач, кўзидан томабошлаган ёшларни енги блан артиб олди.

* * *

Ушандан бери чол ўз ҳовлисидан эллик қадам наридаги, тубида, қизғин иш бораётган чуқур Искор дараси устида қад кўтарган қояда ўтиришни яхши кўриб қолди.

У эртадан кечгача шу ердан кетмас, бақириқ-чақириқлар, қасир-қусир, уёқдан-буёққа юриб турган арава ғилдиракларининг ғижирлаши, улкан қурилиш нинг ғовур-ғувурига қулоқ соларди. Темирйўл қурилиши тамом бўлиб поездлар қатнайбошлади. Йоцо бобо паровознинг биринчи гудоги, ғилдиракларнинг рельслар устида тарақлаб боришини ҳаяжон блан эшилди. Ахир гудок чалаётган ва тарақлаётган темир йўл «болгарларнинг темир йўли!» Чол яна қайтадан тирилгандек, қайтадан туғилгандек эди.

Ҳаргал поезд келадиган пайтда у, болгар темир йўлни тамоша қилиш, паровоз гудогини эшитиш ва даранинг гувурига қулоқ солиш мақсадида қоя устига келиб ўтиради.

Чолнинг хаёлида темир йўл озод Болгария деган тушунча блан чамбарчас боғлиқ эди. Поезд ўз гувури блан янги давр—«болгар» даври келганлигидан дарак берарди. Лекин бу ҳам қишлоққа бирон янгиликдан дарак бермасди; буни фақат паровоз «гудоги»гина сўзлар эди. Шунинг учун ҳам паровоз яқинлашиб келди дегунча, чол ҳамма нарсани ташлар ва «тамоша қилиш» учун дара томон ошиқар эди...

Вагон деразаларидан даранинг гўзал манзарасини тамоша қилиб бораётган йўловчилар, жар тепасида ўтириб, шапкасини уларга қараб силкиётган кишини кўрганда таажжубланадилар. Бу — Йоцо бобо эди. У янги Болгарияни кутлар эди.

Ҳамқишлоқлар уни ҳар кун қоя тепасида кўришга ўрганиб қолдилар. Улар табассум қилиб:

— Йоцо бобо тамоша қилаяпти...— дейишарди.

Ҳаёт ва ташқи дун'ёни кўришга ожиз бу одам, паровоз пишқиришини эшилди дегунча жонланиб кетар, болалардек шодланар эди: энди поезд унинг учун озод Болгария тимсоли эди; умрида поездни кўрмаган чолнинг

тасаввурда оғзидан ўт пуркаб, тарақа-туруқ қилиб ҳайқириб даҳшатли тезлик блан тоглар устидан бораётган ва ҳаммага озод Болгариянинг қудратидан, шоншуҳратидан ва гуллаб яшишидан дарак бераётган қанотли баҳайбат аждаҳодек бўлиб гавдаланаар эди.

Ногироилик ва соддадиллик ундан ҳаётнииг махфий томонларини темир зирҳ каби яширар ва унинг руҳини биз — кўзи очиқ кишиларнинг ихлосини қайтарган жиҳатлардан ҳимоя этар эди.

Бахтиёр кўр!

Муайян вақтда қоя устида ўтиручи чолни кўрган янги кондукторлар кўпинча шу яқиндаги станциядан учинчи класс вагонларга ўтиручи деҳқонлардан сўрашарди:

— Анов ердаги қояда туриб, шапка силкитаётган одам ким? Афтидан биронта жинни-пинни бўлса керак?

— Йўқ, бу Йоцо бобо, тамоша қилиб ўтирипти...— деб жавоб беришарди одатда деҳқонлар.

* * *

Бир кун кечқурун чол ўйга қайтиб келмади. Эрталаб ўғли уни қидириб чиқди. У, чол жардан тушиб кетмадимикин, деб ўйлаб, қоя тепасига борди, у қалпоғини қўлида ушлаб ётган отасини ўлик ҳолда топди. Йоцо бобо Болгарияни табрикләётиб жон берган эди.

Соддадиллик

БОЛГАР ХОТИН

(Тарихий эпизод)

1876 йил 20 май Ботев отряди Врачан Болқонидаги¹ Вол тоги тагида тормор этилиб, ёвуз Жамбалаз қўмон-донлигидаги черкас жазо отряди ўқидан Ботев ҳам ҳалок бўлган куннинг пешин кези эди. Бу пайт Искор дара'ёсининг чап соҳилида Лютиброд қаршисида бир тўп хотин туарди. Улар дар'ёнинг нариги бетига ўтиш учун навбат кутишарди. Бу хотинларнинг аксарияти атрофда содир бўлаётган воқиалардан кам хабардор, ба'зилари эса мутлақо хабарсиз эдилар. Икки кундан бери Враца ёқалаб ўёқдан-буёққа қатнаётган жазо отрядлари хотинларга тегмас ва улар аввалгидек, дала иши блан банд эди. Тўғри, бу жойда фақат хотин-халаж ишларди: эркаклар кўчага чиқишига ботинаолмасди. Чета блан жазо отрядлари орасида бўлган жанг майдони Лютиброддан узоқроқ бўлса-да, ташвишли хабарлар буерга келиб етар ва бу хабарлар эркакларни эҳтиёт бўлишга мажбур этарди. Худди ўша куни шубҳали кишиларни қидириш учун қишлоққа бирнечча турк солдати келди; яна бирнечча солдат дар'ёнинг қайиқ ўтадиган жойига бориб турди; улар қайиқда ўёқдан-буёққа кимлар ўтаётганини назорат қилмоқда эдилар. Ҳозир қайиқ нариги соҳилда бўлиб, дехқон хотинлар уни сабрсизлик блан кутар эдилар.

¹ Христо Ботевнинг Дунай дар'ёсининг чап соҳилидаги Козлодуй қишлоғи яқинига келиб тушган қўзғолончилар отряди 1876 йилининг 18—20 майида сон жиҳатидан анча устун бўлган турк қўшинилари блан бирнечча бор қаҳрамонона жанг қилди. 20 май куни Вол тогида Ботевнинг ўзи ҳалок бўлди. Унинг отряди бирнечча груп-пага бўлинниб, Болқон ичкарисига чекинабошлади, лекин уларнинг деярлик ҳаммасини турклар қириб ташлаган. (тарж.)

Ниҳоят қайиқ қайтиб келди. Шу қишлоқда ёлланиб ишлаётган лютибродли қайиқчи, қайиқни соҳилга боғлаш учун эшкакни дар'ё тубига тираб, хотинларга қичқирди:

— Қани, холалар, тезроқ келинглар!

Бу вақт Челопекдан келадиган йўлда иккита отлиқ жандарм кўринди. Улар отдан тезгина сакраб қайиққа тушмоқчи бўлиб турган хотинларни ҳар томонга иториб ташлаши. Жандармлардан бири кекса, семиз турк қамчи ўйнатиб, уларни сўкабошлади.

— Қайт орқага, кофир чўқалар! Жўна ҳамманг!

Хотинлар бир чеккага бориб, яна қайиқ келишини кутиб ўтиришди.

— Жўналаринг бу ердан!— деб бақирди иккинчи жандарм қамчи силқитиб. Хотинлар қий-чув қилиб, ҳар томонга қочишли.

Бу вақт қайиқчи отларни қайиққа етаклаб ўтмоқда эди. Қайиққа жандармлар ҳам тушди: семиз турк қайиқчига ўгирилиб, газаб блан деди:

— Бошқа биронта ҳам итни туширма!

Шундан кейин хотинлар ғамгин кайфиятда изларига қайтдилар.

Деҳқон аёл Челопек йўлидан юргилаб келаётисб:

— Оға, тўхта, тухта, ўтинаман сендан!— деб қичқирган эди, уни жандармлар кўриб қолишиди.

— Сен нима қилиб юрибсан?— деб сўради турк болгарчалаб.

Бу олтмиш ёшларга бориб қолган новчагина, қотмадан келган хотин бўлиб, кўринишидан эркакларга ўхшаб кетарди. Қўлида жулдир кўрпачага ўралган бола ҳам бор эди.

— Мени ҳам олакет, оға, олакет! Худо умр берсин, бола-чақаларингнинг роҳатини кўр!

— Сенми бу, Илийца? Аҳ, бойқуш кофир!..

Жандарм уни таниди, чунки, бу хотин Челопекда унга ширин пирог пишириб берар эди.

— Менман ҳожи Ҳасан-оға. Шу бола ҳақи, мени ҳам тушириб ол.

— Бу чурвақани қаерга олиб кетаяпсан?

— Бу менинг набирам, ҳожи. Онаси ўлиб қолди, ўзи касал... монастиръга кетаяпман...

— У ерда нима қиласан?

— Ўқитиб келаман, ҳожи,— йиғламсираб илтимос қилди кўзларида чуқур ташвиш акс этган хотин:

Ҳожи Ҳасан-оға блан ўртоғи қайиққа ўтириб олишди.
Қайиқчи эшкакни туртди.

— Оға, худо ҳаққи, бир савоб иш қил, ахир сенинг ҳам бола-чақанг бор-ку!. Ҳаққингга дуо қиласман...

Турк ўйлаб турди-да, нафрат блан деди:

— Ҷиқақол-эй, эшакдан тарқаган!

Деҳқон хотин лип этиб қайиққа чиқиб ҳайдовчи ёнига ўтириди. Қайиқ соҳилдан қўзғалди; у шиддатли жала-лардан лойқаб жўш ураётган дар'ё сатҳидан тоғ орқаси-га ботиб бораётган кечки қуёшнинг булутлар орасидан сизиб турган нурида кумушсумон жилваланган сувдан аста сузиб кетди.

II

Бечора хотин чиндан ҳам тезроқ монастиръга етиш учун ошиқарди. Унинг қўлида икки ҳафтадан бери бетоб бўлиб қолган набираси — икки ёшли чала ўлиқ етим ётарди. Гўдак икки ҳафтадан бери азоб тортар, унинг аҳволи борган сари оғирлашарди; кампирларнинг ўзларича қилган дори-дармон, ирим-чиримлари ҳам, Врацадан чақирилган докторлар ҳам ёрдам беролмадилар. Гўдакни қишлоқ попи ҳам ўқиди, лекин ҳечнарса кор қилмади. Энди кампирнинг сўнгги умиди — авлиё Биби-Маръямдан эди! Монастиръга бориб тоат-ибодат қилиш керак! Кўни-қўшнилар ҳам шуни ма'қуллашди. Кампир бугун пешиндан кейин болага қараб, қўрқиб кетди: у мурдадек бўлиб қолган эди. Тезроқ! Биби-Маръям шифо қилса ажаб эмас... Бугун уёққа борилмайдиган кун бўлса ҳам, Илийца Черепишдаги авлиё Биби-Маръям монастирига қараб жўнайверди. У Искор соҳилига тушиш учун дуб ўрмонидан ўтиб бораётганда дарахтлар орқасидан бир йигит чиқиб келди. У кўкрагида тасмалар осилган, ажаб кийинган, қўлида милтиғи бор эди: унинг рангги ўчган, ҳолдан тойган эди.

— Буви, бир бурда нон бер! Очдан ўлар ҳолга келдим! — деди у ва кампирнинг йўлинни тўсади.

«Ановлардан бўлса керак,— ўйлади кампир,— уларни та'қиб этиб юришипти!..»

— Ё парвардигор,— деб пицирлади қўрқиб кетган Илийца. У тўрвасини титкилаб қараса, нон олмаган экан: тўрва тагида қаттиқ-қуттиқ бурдаларгина қолган экан. Кампир уларни олиб йигитга берди.

— Буви, шу қишлоқда яширинсам бўладими?

— Челопекдами? Ҳозир у ер жуда хавфли, туркларга тутиб беришлари мумкин. Бунинг устига мана бу кийимда-я! Йўқ ўғлим!— деди у, йигитнинг умидсизлик акс этган bemажол юзига меҳр блан қараб; кампир бироз ўйлаб олгач:

— Ҳозирча ўрмонга беркиниб юратур, битта-яримтаси кўриб қолмасин. Бугун кечаси мени кут, сен блан яна шу ерда учрашамиз. Мен сенга нон блан биронта бошқа кийим олиб келаман... бу кийимда юришинг тўғри келмайди... Ахир биз христианлармиз-а.

Йигитнинг озгин юзи умидворлик блан жонланди.

— Кутаман буви; майли, боравер, раҳмат!

Илийца чўлоқлашиб бораётган йигит ўрмонга кириб кетгунча орқасидан қараб турди. Кампирнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. У юргурганча пастга тушиб кетди. «Мен бу савоб ишни қилишим керак. Оббо бечораей... деб ўйлади кампир... худо мени ҳам ярлақаб, болага шифо беради. Эй, Биби-Маръям, менга фақат монастиръга етиб олишга ёрдам бер! Раҳмдил парвардигор, уни ўз паноҳингда сақла!.. Ахир у болгар, уни қувиб юришипти. У христиан динни учун ўзини тиккан одам!..»

Қампир бу гапларни игуменга сўзлаб бермоқчи бўлди. У раҳмдил чол, яхши болгар. «Нон блан қишлоқ кийимини оламан-да касални ўқиб бўлгач, дарров изимга қайтиб, тонг ёришмасдан, ис'ёнчини топиб оламан».

Мана энди у, худо хоҳласа икки жонни саломат сақлаб қолиш учун иложи борича югуриб кетди.

III

Черепиш монастирини аллақачон тун пардаси қоплаган. Искор дараси зим-зиё тун бағрида қўрқандек жимжит турарди; сув пастда бир маромда ғамгин шовуллаб, баланд тик қоялар орасига кириб кўздан ғойиб бўларди. Рўпарада «Бабъя Гора» чўққилари қорайиб турарди. Бу қоялар ҳозир қоронғилик чулғаган қора ғорлари ва нақшлари, мудроқ бургутлари блан мажхул ва жиддий тус олган эди. Хилват, кимсасиз монастиръ ҳам уйқу оғушида.

Кимdir кутилмаган пайтда монастиръ дарвозасини қоқди. Итлар ҳурабошлиди. Дарвоза иккинчи, учинчи бор қоқилди. Монастиръ хизматкори ҳовлига чиқди. Худ-

ди шу вақтнинг ўзида кенг чоловор кийган чакмонсиз монах ҳам ҳужрасидан чиқиб келди.

У, кийим-кечак қорайиб кўринаётган панжара ёнига келиб:

— Иван, дарвозани ким тақиллатаяпти? — деб сўради қўрқа-писа.

Дарвоза ҳамон тақилларди:

— Назаримда «ановлар»дан битта-яримтаси бўлса керак!

— Нима қиласми? Уни бу ерга киритиш мумкин эмас, бунинг устига ҳозир игумен¹ ҳам йўқ...

— Тўхта, кимлигини сўра аввал!

Монастиръ хизматчиси:

— Ким бу? — деб сўради-да, қулоқ солабошлади. Кейин: — хотин кишига ўхшайди, — деди.

— Шу пайтда хотин киши нима қиласди?.. Бу ё «ановлардан» ёки турклар... Турклар бўлса керак... Шу кечадаёқ ҳаммамизнинг калламизни олади. Улар бу жойни тинтигани келишайапти... Бу ерда ҳечнарса йўқ, биз шубҳали одами киритармидик... Тангри, ўзинг асрар!..

Дарвоза ортидан яна овоз эштилди.

— Бир хотин қичқираяпти, — такрорлади хизматчи.

— Кимсан ўзинг?

— Иван, чөлопекли холанг Илийцаман, оч эшикни... Оҳ! Оч!.. худо ҳайрингни берсин.

— Бир ўзингми? — деб сўради хизматчи.

— Ўзим, Иван, набирам блан ёлғиз ўзим.

— Эҳтиёт бўл, тағин алдаб-нетиб юрмасин! — деди Евтимиий ота хизматчига.

Иван дадилланиб дарвозага яқин келди-да, тирқишидан мўралади, монахнинг ўзи ҳам мўралаб, ташқарида хотин турғанилиги ва унинг ёлғиз эканлигига ишонгач, Иванга дарвозани очишли буюрди. Дарвозани очиб дехқон хотинни ичкари киритишида дарҳол яна ёпишди.

— Жин урсин сени! Бүёқда нима қилиб юрибсан Илийца? — деб сўради монах.

— Набирам касал, аҳволи жуда оғир... Игумен ота қаердалар?

— У Берковицада. Сенга нима керак ўзи?

¹ И г у м е н — монастиръ бошлиғи.

— Бу болага дам солиб қўйса бўларди... Бўлмаса ўзинг дам солиб қўяқол.

— Ярим кечада-я?.. У касал бўлгандан кейин қандай ёрдам берардим?— ўшқирди монах.

— Сен ҳечнарса қилмайсан, ҳаммасини худон-таоло-нинг ўзи қиласди.

— Ҳозир сен бориб ухла, эртага қилармиз...

Лекин дәжон хотин ҳадеб ялиниб, қистайверди:

— Ким билади, эрталабгача нима гап-нима сўз! Боланинг аҳволи оғир, касал кутиб турмайди. Ёлғиз парвардигорнинг ўзи ёрдам бериши мумкин, ҳақингни тўлайман.

— Жинни бўлиб қолибсан... Тун ярмида дарвозани очирдинг, ис'ёнчиларми, туркларми босиб кириб, монастырни талаб кетса нима бўларди!

Монах жоврай-жоврай ҳужрасига кириб кетди ва икки минутдан сўнг ялангоёқ ва ялангбош ҳолда эгнига рясо¹ кийиб чиқиб:

— Буёққа юр!— деди.

Хотин унга әргашиб черковга кирди. Монах мум шамни ёқди, епитрахильни кийди ва қўлига дуо китобини олди.

— Беморни буёққа келтир!

Илийца болани чироққа яқин олиб борди. Монах за'фарон бўлиб кетган эди.

— Ўлиб қолипти-ку!— деди монах.

Гўдакнинг ич-ичига ботиб кетган кўзлари, гўё бу сўзларни рад этгандек, аста очилди ва ёниб турган шам шу'ласида юлдузdek ярқираб кетди.

Монах епитрахиль блан гўдакнинг бошини беркитди, шоша-пиша дуо ўқиди, bemорни чўқинтириб, китобни ёпди. Дәжон хотин монахнинг қўлини ўпиб унга икки танга пул қистирди.

— Агар пешонасида соғайиш бўлса — у соғаяди... Энди галлереяга чиқиб ёт, ухла.

Кейин монах шамни кўтариб эшикка чиқиб кетаётган эди, дәжон хотин:

— Тўхтаб тур, Евтимий ота,— деди қат'иятсиз бир оҳангда. Монах ўгирилди.

— Яна нима дейсан?

¹ Рясо — Жубба (поплар киядиган узун чекмон).

— Сенга яна бир нарсани айтишим керак... ахир биз христианлармиз-ку,— деди астагина у.

Монахнинг зардаси қайнааб кетди:

— Нима деб валдираяпсан ўзинг, қанақа христианлар? Бор жўна, ётиб ухла, шамни ўчириш керак. Тағин тоғдан битта-яримтанинг кўзи тушиб, меҳмонга келиб юрмасин...

Монах «битта-яримта» деб ис'ёнчиларга ишора қилган, деҳқон хотин ҳам унинг фикрини тушунган эди. Унинг юзида ташвиш кўринди, овози титраб кетди:

— Ҳечкимдан қўрқма... келишмайди,— деди у.

Хотин яна ҳам сирлироқ тус олди:

— Мен қишлоқдан келаётганимда, анов бизнинг ўрмонда...

Монахнинг бадқовоқ юзида қўрқинч ва ғазаб акс этди... менга хавфли бир нарсани гапирмоқчи; деган қарорга келиб жекирди:

— Ҳечнарса эшитгим келмайди, гапирмай қўяқол! Нима билсанг ичингда бўлсин. Ёки сен монастиръга ўт қўйгани келдингми?

Деҳқон хотин унга нимадир демоқчи эди, лекин монахнинг ҳалиги танбиҳидан кейинн сўзи бўғзида қолди. У эсанкираганича, жаҳли чиққан монах орқасидан ҳовлига чиқди.

— Гап шундай бўладиган бўлса, бу ерда тунамаганим бўлсин...

Монах унга таажжуб блан қаради:

— Хўш, қаёққа борардинг?

— Ҳозироқ чиқиб кетаман...

— Жиннимисан ўзинг?

— Жинниманми, йўқми, барибир кетаман, эртага аzonлаб ишга чиқишим керак. Менга нон беринг, қорним оч...

— Нонни керагича ол... Иван, олиб бер унга! Лекин мен дарвозани энди очдирмайман.

Аммо деҳқон хотин кетишга шошилар эди. Евтимий ота иккиланиб қолди. Дарвозани яна бир марта очиш-а? Хавфли иш. Ёмон одамлар босиб кириши мумкин. Нима бўлишини ким билади... Кейин монах, хотин «кановлар»ни кўриб учрашган бўлса керак деб ўлади; мабодо турклар бунинг исини билиб қолса, монастиръга бир фалокат бўлади. Йўқ, яхвиси бу ердан даф' бўлгани ма'кул.

— Жұна,— деди у Илийцага.

Деҳқон хотин болани панжара ёнига қўйди, тўрвасига Иван келтириб берган ярим буханка нонни солиб олди, кейин болани кўтариб, чиқиб кетди. Кетидан дарвозани яна ёпиб қулфлаб қўйишиди.

IV

Илийца қоронғиликда Искорга қараб кетди: уни дар'ёнинг нариги бетида ис'ёнчи йигит кутмоқда эди. У чуқур изтиробда эди. Игумен йўқлигига қабул қилган баджаҳл монах блан маслаҳатлаша олмади. У монастирънинг орқа томонидаги жарликка тушиб, дар'ё тепасидан чўзилиб кетган эгри-буғри йўлдан кетди. Қарши томондаги серқоя чўққилар ва тепаликларнинг кўланкалари тун пардаси орасидан аниқ кўриниб туради. Кундуз кунлари мажҳул кўринучи бу чўққилар ҳозир маш'ум тус олган эди... Ундай деганда бутун вужуди изтироб чекиб турган Илийцанинг кўзинга ҳозир ҳамма нарса маш'ум кўрнинарди. Илийца довон тепасига чиққач, дам олиш учун улкан бир дараҳт ёнига — зах ерга ўтириди. Водийлар уйқу оғушида, табиат сув қўйгандек жимжит, фақат пастда, тубсиз жарликда дар'ё тўлқинлари тинимсиз шовқиллади. У жойда гумбаз ва галлереялари блан монастиръ яширинган, унда биронта чироғ кўринмас эди. Ўнг томондан, Лютиброддан итлар ҳуриши эшишиларди. Илийца ўрнидан турди, қишлоқдан ўтиш хавфли бўлганилиги учун жарлик ёқасидан чапга қараб бурилди ва дала йўлидан югуриб кетди.

Кўп ўтмай хотин пастга, дар'ё соҳилнга етиб келди. Қайиқ соҳилда эди. Илийца ўзини нариги соҳилга ўтказиб қўйишни илтимос қилиш учун, қайиқчи ётадиган чайлага борди. Чайлада ҳечким йўқ эди, чамаси бу ерда тунашга қайиқчининг юраги дов бермаган шекилли. Хотин гангид қолди: энди нима қиласди? У қайиқ турган жойга борди. Искор даҳшатли шовулларди. Сувнинг қорамтири тўлқинларида акс этган шу'аларни кўриб, хотиннинг эти жимирилаб кетди. Нима қиссин? Эрталабгача кутсими? Гарчи Лютиброд хўроздлари тоңг яқинлашиб қолганлигидан дарак бераетган бўлса ҳам, аёл эрталабгача кутишини мутлақо истамасди. Нима қилиш керак? Ёки дар'ёдан ўтишга ўзи уриниб кўрсамикин: эшкакни қандай ушлаш кераклигини кўрган-у... Лекин бу нарса унга хавфли туюларди. Аммо,

Йингитни қутқазмоқчи бўлса, бундан бошқа чора йўқ эди. Йигит очликдан, ташвишдан, қўрқувдан ўлар ҳолга етиб, уни ҳозир ўрмонда кутиб турипти. Аёл болани қумга қўйди ва катта қозиққа занжир блан боғланган қайиқни ечиш учун эгилди-ю, қотиб қолди: занжир боғлаб эмас, қулфлаб қўйилган эди. Кечаси дар'ёдан бирор ўтмасин учун бу иши турклар қилиб кетишган эди. У, қаддини кўтарди... Лютиброд хўроздарининг қичқириғи тобора кўпаяр, шарқ томонда осмон юзи сезилар-сезилмас оқариб қолган эди. Бир, икки соатдан кейин тонг отади. Хотин аламдан инграр ва занжирни суғириб олиш ёки қулфни синдириш учун жон-жаҳди блан уришарди. Лекин бунинг иложи йўқлигини англади. Оғир нафас олиб ўрнидан турди ва умидсизлик блан «уҳ» тортди. Кейин хаёлига тўсатдан бир фикр келди. Илийца қозиққа икки қўллаб ёпишиб, уни суғирмоқчи бўлди. Ерга чуқур қоқилган қозиқ, бирнеча йилдан бери метиндек маҳкам турарди. У ғайратига икки, уч ҳисса ғайрат қўшди, унинг пишиқ дэҳқонча қўллари, чайир бармоқлари пўлатдек кўчайиб, мустаҳкамлашганди, зўриқишидан суюклари қисирлар ва юзидан қизғин тер оқиб тураган эди. У гўё бир арава ўтин ёргандек чарчаб, ҳаллослаб, қаддини кўтарар, бироз ҳордиқ чиқариб, яна ишга киришар эди. Кампир икки букилиб янги ғайрат-шижоат блан қозиқ устида айланиб уни суғиришга тиришарди. Нафас кўкрагидан харсиллаб чиқар, оёқлари тиззагача қумга ботиб кетган эди: ярим соат урингандан сўнг чуқур кенгайиб қозиқ қимирлайбошлади ва ниҳоят хотин уни ердан суғириб олди. Занжир жимжитликада аста шарақлаб кетди.

Хотин ишни муваффақият блан тугаллагач тинкаси қуриб қумга йиқилди; у ҳушдан кетиш даражасига бориб етган эди... Бирнеча минутдан кейин Илийца қозиқни ҳам қайиққа солиб, қўлда боласи блан қорамтири тўлқинлар устидан сузиб кетди.

V

Искор дар'ёсининг сувлари шу ерда қоялар бўғизидан ажралиб, кенг ўзанга ёйилар ва нишаб соҳиллар оролиғидан оқарди. Қайиқ дэҳқон хотин қўлларидағи эшкакка дуруст итоат қўлмай, оқим бўйлаб сузарди. У, одатда қайиқлар тўхтаидиган жойдан ўтиб кетди. Илийца фақат ташвиш блан қайиқнинг яна қайтиб орқа соҳилга сури-

либ кетмаслигини назорат қилиб борарди. Ниҳоят тез оқим қайиқни нариги томонга сурис келтирди, хотин не машақатлар болан уни соҳилга олиб борди. У қўлида бола болан қайиқдан чиқди-да, ҳеч тўхтамай юқорига — ўрмон томонга қараб кетди. Қўзғолончи болан учрашиш жойнга яқинлашгач, дараҳт орасидан лип этип кўринган одам кўланкасига кўзи тушди. Хотин уни таниди. Қўзғолончи ҳам уни қарши олди.

— Салом болам. Ол буни.

У йигит ҳаммадан бурун нонга муҳтоҷ эканлигини билганидан дастлаб нонни узатди.

— Раҳмат, буви,— деб жавоб берди йигит ҳаяжон болан.

— Тўхта, устингдан мана буни кийиб ол,— деди хотин ва бола устига ёпиб қўйилган кийимни берди.— Монастиръники, билдиримай олиб келдим; худоё ўзинг кечир, гуноҳ иш қилдим...

Илийца бу кийимни монастиръдан чиқиш олдида хизматчиини бўлса керак, деган хаёлда панжарадан олган эди. Аммо, йигит кийимни устига кийиб олгач, унинг роҳибалар кийими эканлигини билиб ҳайрон қолди.

— Ҳарҳолда иссиққина-ку,— деди йигит, совқотган танасини қуруқ, жун кийимга буркаркан.

Кейин улар йўлга чиқишиди. Йигит йўлакай, зўр иштага болан нон еб, совуқдан титрар ва оёғини зўрға босарди. Бу — йигирма ёшларга боргай, соқол мўйлови чиқмаган, новча бўйли, хибчагина йигит эди. Хотин нон ейишга халақит бермаслик учун, унинг кимлигини, қаердан келаётганлигини суриштирмас, фақат овозини секин чиқариб, ўзи сўзлаб борарди,— лекин ҳарқалай сабри чидамай, унинг қаердан келаётганлигини сўради. Йигит ўзининг Болқондан эмас, текисликдан келаётганлигини сўзлаб берди. Ўша кечаси у Веслец узумзорларида ўз четасидан (отрядидан) қолиб кетган, бу ерга катта хавф, зўр қийинчиликлар болан етиб келган; йўл азобида ҳориб, икки кундан бери туз тортмаган, оёғи ярадор бўлганидан юришга жуда қийналар, бунинг устига безгак тутган; ҳозир эса, ўртоқларини топиш ёки ўша ерда яшириниш учун тоққа кетмоқда эди.

— Ўғлим, ахир сен юраолмаяпсан-ку, милтифингни менга бер, сенга енгилроқ бўлади,— деди хотин.

У чап қўлига миљтиқни ушлаб ўнг қўли болаң гўдакни бағрига босди.

- Юрақол ўрлим, юрақол, дадил бўл, беркин.
- Ҳозир қаёққа беркинардим буви?
- Қаёққа деганинг нимаси? Бизнигида!
- Ростданми? Раҳмат буви, меҳрибон хотин экансан?—деб жавоб берди кўнгли эриб, кўзи ёшланган йигит, у эгилиб кампирнинг бола кўтариб бораётган қўлидан ўпди.
- Ҳозир халқнинг ўтакаси ёрилган, агар сезиб қолса, мени тириклий куйдиради,—деди сўзида давом этиб дехқон хотин.— Лекин қандай қилиб сени бу ерда қолдира-ман? Қочаолмассанг, сенга черкаслар ҳужум қилиши мумкин ахир—худо ўлим берсин уларга—черкаслар қишлоқда ҳам бор. Оҳ, ла'нати турклар-а! Сизларни жўжа-дек қиришди-я! Ахир сенинг тепаликка чиқишга ҳам мажолинг келмайди-ку!

Хотин милтиқни ўнг қўлига олди ва чап қўли блан унинг тирсагидан ушлади. Улар дуб ўрмони ичкарисига кириб боришарди. Дараҳт шоҳлари орасидан кўриниб турган юлдузлар сўнабошлаган, осмоннинг шарқ томони ёришаборар, Челопек хўроздари кекирдақларини жон-жаҳд блан чўзишарди. Тонг отабошлаган, лекин улар Челопекдан ҳали ярим соатли йўлда эдилар; шунда ҳам улар тўғри йўлдан боргандагина ярим соатда етишлари мумкин эди. Броқ, йигитнинг ҳозирги қадами блан уларнинг икки соатда етишлари ҳам амри маҳол эди. Хотин ҳозир ўзида қанот пайдо бўлишини истар, йигитни олиб, у блан бирга учиб кетгуси келар эди. Йигит атрофга аланглади.

— Тоңг ёришаяпти, хола,— деди у.

— Чатоқ, биз вақтида етиб ололмаймиз,— уҳ тортди дехқон хотин.

Улар яна бироз юришди. Олдинда киши овози эши-тилди. Дехқон хотин тўхтаб қолди.

— Бундай борсак бўлмас, бошқа йўлини топиш керак.

— Қандай қилиб, хола?— деб сўради бу нотаниш хотинда ўз онаси, ўз најжоткори, ўз халоскорини топган йигит.

— Ўрмонга беркин, кечгача ўша ерда ўтири, қоронғи тушганда сени ўз уйимга олиб кетаман.

Йигит ҳам буни энг оқилона тадбир деб билди. Дехқон хотин унинг милтиғини қайтариб берди.

— Хайр!

Илийца болани пайпаслаб кўрди-да йирлаб юбордӣ.

— Вой шурим қурсин! Бола жон бериб қўйипти-ку,
кўллари муз бўлиб қолипти!

Йигит ҳайратдан қотиб қолди. Дехқон хотиннинг бу
қайфуси олдида ўзини йўқотиб қўйди: хотинга тасалли
бериш учун унга бирон сўз айтишга уриниб кўрди, лекин
ботинаолмади. Ҳозир у қалби оғир мусибат блан чок
этилган бу олийжаноб хотиндан энди бирор ёрдам
кутишга ҳаққи йўқ эканлигини тушунди.

Илийца боланинг юзига алам блан тикилиб-тики-
либ,—вой онагинам,вой чироққинам...—деб айтиб йиг-
ларди.

Юраги эзилган йигит, умиди тамом кесилиб, дарахт-
лар орасида ғойиб бўлди. Лекин хотиннинг кўзёши ара-
лаш овози унинг қулоқларига бориб етди:

— Үғлим, яхшилаб беркин. Кечқурун шу жойда бўл,
мен сени тополмай юрмай.

Шу сўзларни айтгач, хотин, дарахтларнинг қорамтири
кундалари орасида кўздан йўқолди.

VI

Сўнгги кунлар давомида ҳаводан булут аримай, ёмғир
еёқсан ва шу эрта маи қуёши мусаффо осмонда чарақ-
лаб чиққан эди. Шишманово қоясидан қараганда, кўз
ўнгига доирасимон водийнинг ҳашаматли манзараси
намоён бўларди. Ўртасидан дар ёнинг кумуш тасмаси
кесиб ўтган, баҳорнинг кўкаламзор либоси блан ясаниб-
тусаниб, ям-яшил товланган води, қуёш нурида кўзни
қамаштиргудек ярқирап, афсонавий бир гўзаллик кашф
этар эди. Дар ё тор даралар ва тоғ ораларидан илон изи
бўлиб чўзилган чексиз ўзанлардан дуб, бук дарахтлари
блан қопланган тик жарликлардан табиат ва замонлар
тақозасидан қолган қасрларга ўхшаш ҳайкаллар, ажиб
нақшлар блан қопланган тагсиз қоялар остидан қилган
саёҳатини мана шу жойда, Шишманово чўққиси ёнида
тутгатар эди.

Враца йўлида отлиқ турк аскарлари кўринганда ва
уларнинг кетидан жавдарпоялар орасида беҳисоб пиёдалар
тўдаси пайдо бўлганда қуёш уфқ ортидан эндигина
кўтарилгай эди. Отлиқ аскарлар ва пиёдалар Искор
яқининг келиб тўхташи. Пиёда аскарлар уч юзга
яқин эди. Олдинда турли-туман яроғ-аслаҳалар блан

қуролланган турк бошибузуклари келишарди; улардан ташқари, яна аксарияти черкаслардан иборат бўлган бошқа аскарлар ҳам қуролланиб олишган эди. Бироз тургандан кейин отлиқлар черкасларни олдинга ўтказиб юбориб, ўзлари бир чеккада қолишли.

Бу сершовқин галага черкасларнинг машҳур ўғри-бошиси кавказли қонхўр босмачи Жамбалаз раҳбарлик қиларди. Кеча Ботевни ҳалок қилган ўқни шу Жамбалаз-нинг босмачиларидан бири ғтган эди.

От мингандан Жамбалаз Челопек ўрмонидаги бузилиб кетган эски черков яқинида тўхтади. Чап томонда баҳай-бат тик қоялар қад кўтарган, ўнгда йироқда кўриниб турган яланғоч тепаликка қадар Челопек далалари ва полизлари чўзилиб кетган эди. Тепалик бағирлаб ўсан ган дараҳатлар орасидан эгаси ташлаб кетган ёлғиз бир кулба кўринарди.

Ҳамманинг кўзи қўзғолончи беркиниб ётган қалин, кимсасиз ва сокин ўрмонга тикилган эди. Аммо, отряд уни қидириш учун юборилган эмасди... Шу кечаси, тонг отишдан бир соат илгари Болқондан бу ўрмонга (афтидан Искордан ўтиб, Улуғ Старая-планинага кетиш мақсадида) бир чета тушиб келганлиги тўғрисида Врацага хабар келган эди.

Жамбалаз отдан тушиб бирнеча бошибузук сардори блан шароитни муҳокама қилиб, ҳужум планини тузар экан, ўзининг кечаги ғалабасидан руҳланиб дадилланган отряд буйруқ кутиб турарди. Жамбалаз эгнига ярқиллама черкасча кийим қийиб, ҳамаёғига қурол-аслача осган қирқ ёшлар чамасидаги новча, қора соқол — қоп-қора одам эди; унинг ваҳшиёна, дарғазаб кўзлари улкан черкасча қалпоқ остида бесаранжом ўйнар эди.

Шу он кулбадан ўқ овози янгради, тоғ унга акс садо бериб, узоқларга олиб кетди.

— Ис'ёнчилар, ис'ёнчилар,— деб қичқириши атрофдан. Ҳамманинг кўзи кулбада: лекин у жойда фақат тутун ҳалқасигина кўринар ва шабада бу ҳалқани учирив шохлар орасига таратмоқда эди. Биринчи минутда саросимага тушиб, эсанкираб қолган отряд кучли залп блан ўқ узди, бундан узоқ вақт акс садо янграб турди. Тутун орасидан:

— Жамбалаз ўлипти!— деган овоздар эшитилди.

Дарҳақиқат Жамбалаз йиқилиб ётар, ўқ унинг худди бўғзидан тешиб ўтганди. Черкаснинг оғзидан тирқи-

раб қон оқарди. Унга кулбадан отилган ўқ келиб теккан эди.

Бу хабарни әшиитган отряд бир зумдаёқ саросимага тушди, сафлар тўзиidi ва ҳамма дуч қелган тарафга уриб қочабошлади. Йўлбошчининг жасадини тезда олиб кетишиди, отлиқ аскарлар кўздан фойиб бўлди. Лекин ўрмондан бошқа ўқ чиқмади.

Бошибузуклар комитларнинг жимиб қолишидан, уларнинг ўрмон ичкарисига қочганини пайқагунча анча вақт ўтиб кетди: шунда уччига чиққан қалла кесар черкаслардан бир отряд ҳушини йиғиб, Челопек йўлидан ўрмонга кирди ва ис'ёнчиларни қидирабошлади. Ўрмонда дуб тагидан биттагина ўликни топишиди; бу — ўтгиз ёшлар чамасида, қопқора соқол-мўйлови ўсиб кетган, ярадор оёғини латта блан ўраган бир киши эди. Черкаслар четанинг тоққа кетиб қолганини билишди.

Чиндан ҳам, Ботев Вол тоғи ёнида мағлубиятга учраганидан сўнг унинг четасига а'зо бўлганлардан қирққа яқин киши, оёғидан ярадор бўлган қаҳрамон Перо раҳбарлигида тоққа қараб кетишган эди. Улар тун бўйи ухламай, чакалакзор, ўрмонлар орасида дарбадар кезиб юришади; ҳолдан тойган, очлик азобидан қийналган бу кишилар саҳар пайтида Челопек ўрмонига тушишган ва ўзларини сезиб қолишганидан бутунлай бехабар, ўликдек ухлаб қолишган эди.

Черкаслар томонидан узилган саёқ ўқ тасодифан Перони ҳалок этди. Бошқа қурбон берилмади. Аммо черкаслар кулбага киргач, у ердан ҳам яна бир ўлик топишиди.

— Ис'ёнчиларнинг попи! — деб қичқиришиди улар таажжуб блан.

Ерда бошини ўқ тешиб ўтган, соқол-муртсиз ёш йигит чалқанча ётарди. Эгнида олди очиқ роҳибарясаси, унинг тагида четниклар¹ киядиган — қонга беланганд кийим кўриниб турарди. Йигитнинг оғзи порох тутунидан қорайиб кетганлигидан унинг Жамбалазни отган ўша милтиқ блан ўзини ҳам ўлдирганлиги ма'lум бўлди. У чета блан тунда учрашгани ёки учрашмаганлиги нома'lум эди.

Бошибузуклар одатларига қарши йигитнинг бошини кесиб, хода учига трофеи сифатида тиқиб олмадилар. Улар жасад қолган кулбага ўт қўйдилар. Ўт кечгача

¹ Четник — чета (отряд) жангчиси.

бурқираб ётди; айни вақтда пастда турган иккита отряд, қоя ёнида пешиндан кейин дар'ёдан ўтиш учун тоғдан тушиб келган ўн уч четникдан биронтасини қолдирмай қириб ташлади.

Илийца аллақачоилар вафот этган. Аммо чала ўлук гўдак омон қолди. У келишган бир йигит бўлиб етишди, ҳали ҳам соғ-саломат. Бу одам майор П. бўлади. Майорнинг марҳума бувиси, бўлиб ўтган ишларни унга ҳикоя қилиб берган; унинг ўлмай қолишига сабаб сертажанг монахнинг бепарво дуоси эмас, балки кампир қилмоқчи бўлган ўша савоб иш бўлганилигини гапириб ўтган. Кампир бу савоб ишни қилишга муваффақ бўлмасада, уни бутун қалбидан истаганлигини уқдирган.

1899

МУНДАРИЖА

1. Хўрланганлар (повесть)	8
Хикоялар	

2. Янгра, Марица!	99
3. "Травната"	108
4. Та'зим қилмади	114
5. Йоцо бобо тамоша қиласди	121
6. Болгар хотин	132

Болалар адабиёти Давлат нашриёти-
нинг 1952 йил нашридан таржима
қилинди

X. Аҳмар таржимаси

На узбекском языке

И. ВАЗОВ

ПОВЕСТЬ И РАССКАЗЫ

Госиздат УзССР — Ташкент — 1955

Редактор А.жад Алиев
Рассом И. Никрамов
Техн. редактор Ф. Рахматуллин
Корректор Х. З. Расулов

Тернишга берилди 16/VI 1955. Босишга рухсат
этиди 13/IX 1955. Формати 84×108 /м²/ = 4,625
бос. л.—7,58, шартли бос. л. Нашр. л. 8,0.
Тиражи 15 000. Р 03812. Индекс № а.
Ўзбекистон ССР Давлат Нашриёти, Тошкент,
Полиграф кўчаси, 74. Шартнома № 478/54.

Ўзбекистон ССР Маданият министрияги
Ўзглавиёндатининг 1-ичи сои босмахонаси.
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 33. Заказ № 266.
Баҳоси 4 с.

